

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**



**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА
(тележурналистика)
ФАНИДАН**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИСТИКА НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ
КАФЕДРАСИ

**АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА
(ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА) ФАНИДАН
ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ҳуқуқ
Таълим соҳаси:	220 000 – Журналистика ва ахборот
Таълим йўналиши:	5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)

Тузувчи: ф.ф.н., доцент А.Каримов

Расмий тақризчи: Доктор Вонтай Сеол, KOICA маслаҳатчиси

Тошкент-2019

№	Мундарижа	бет
1.	Сўз боши.....	
2.	Силлабус.....	
3.	1- дарс.....	
	1-маъруза. Телевидениенинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари	
4.	2- дарс.....	
	2-маъруза. Телевидениенинг ОАВ тизимида тутган ўрни ва телевидениеда журналистик фаолият турлари	
5.	3- дарс.....	
	3-маъруза. Жаҳон телевидениеси	
6.	4- дарс.....	
	4-маъруза. Тележурналистика жанрлари	
7.	5- дарс.....	
	5-маъруза. Телевизион сюжет компонентлари	
8.	6- дарс.....	
	6-маъруза. Телесюжет яратишнинг технологик босқичлари	
9.	7- дарс.....	
	7-маъруза. Телекўрсатув тайёрлаш технологияси	
10.	8- дарс.....	
	8-маъруза. Нодавлат телевидениелар	
11.	9- дарс.....	
	9-маъруза. Телевидениеда касб одоби ва иқтисодиёт масалалари	
12.	10- дарс.....	
	10-маъруза. Ўзбекистонда теле-, кино-, фотопублицистиканинг ривожланиши	
13.	11- дарс.....	
	11-маъруза. Кино-,теле-,фото публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари	
14.	12- дарс.....	
	11-маъруза. Теле-, кино-, фотопублицистика таркиби ва журналист-муаллиф қаҳрамон танлаш муаммоси	
15.	13- дарс.....	
	11-маъруза. Фотография асарининг эстетикаси, коммуникацион хизматлар, теле-, кино-, фотопублицистикада ўрни	
16.	Мустақил ишларга тавсия этилаётган мавзулар	
17.	ЖН,ОН, ЯНга тавсия этилаётган саволлар ва тестлар	
18.	Курс ишига тавсия этилаётган мавзулар	
19.	БМИ учун тавсия этилаётган мавзулар	
20.	Глоссарий.....	
21.	Адабиётлар.....	

СЎЗ БОШИ

“Аудиовизуал журналистика (тележурналистика)” фани ОАВ тараққиётида телемахсулотларнинг ўрни ҳақида тасаввурни шакллантириш, эфирга узатилаётган дастурларнинг йўналишлари, шакллари, аудиовизуал журналистика жанрларида ижод қила олишга ўргатиш, соҳа иқтисодиёти ва журналистнинг касбий ахлоқи меъёрлари бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани шакллантириш, журналистиканинг тараққиёт тамойилларини ўргатиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш кўникмасини ҳосил қилиш вазифаларини бажаради.

Ушбу ўқув-методик мажмуа “Аудиовизуал журналистика (тележурналистика)” фанини замонавий педагогик технологиялар асосида ўқитишга йўналтирилган бўлиб, мазкур мажмуа кириш, ўқув фанининг асосий тушунчалари – глоссарий, фаннинг ишчи дастури (силлабус), ҳар бир дарс учун маъруза презентацияси, амалий дарс бўйича материаллар, кейслар, тестлар, мустақил таълим мавзулари, интернет ресурслар ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

Ўқув-услубий мажмуанинг маърузалар тақдимотининг ҳар бирида маъруза мақсади ва шу маърузани тинглагандан кейин талабалар қандай амалий кўникмага эга бўлиши тўлиқ шакллантирилган. Амалий машғулотлар эса талабаларда амалий кўникмаларни шакллантиришга мўлжалланган бўлиб, унда “Аудиовизуал журналистика (тележурналистика)”нинг асосий масалаларига эътибор қаратилган. Фаннинг ўқув-методик мажмуаси дунёнинг ривожланган мамлакатлари университетларининг тажрибалари асосида тузилди. Унда фанни ўзлаштиришни назорат қилиш ҳамда баҳолашнинг кўрсаткич ва мезонларини белгилашда ҳам ривожланган мамлакатлар методикасидан фойдаланилди.

Мажмуада кўзда тутилган барча дарслар талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини асосли равишда ҳимоя қилиш, баҳслашиш кўникмаларини ҳосил қилиш ҳамда дарс давомида баҳс-мунозара юритишга алоҳида эътибор қаратилган. Машғулотларни олиб боришда ҳозирги пайтда катта аҳамият касб этиб бораётган илғор педагогик технологиялардан фойдаланишга кенг аҳамият қаратилган.

Силлабус

Фан: АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА (ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА)

1.Фаннинг қисқача тавсифи						
ОТМнинг номи ва жойлашган манзили:	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети			Чилонзор, Муқимий кўчаси, 104		
Кафедра:	Халқаро журналистика назарияси ва амалиёти кафедраси			Халқаро журналистика факультети		
Таълим соҳаси ва йўналиши:	Билим соҳаси: 200000 – Ижтимоий соҳа, ҳуқуқ ва иқтисод Таълим соҳаси: 220000 – Журналистика ва ахборот			Таълим йўналиши: 5220100 – Журналистика (халқаро журналистика)		
Фанга ажратилган соатлар	Аудитория соатлари				Мустақил таълим:	52
	Маъруза:	32	Амалий	44		
Фаннинг бошқа фанлар билан боғлиқлиги (пререквизитлари):	“Интернет журналистикаси”, “Рақамли журналистика”					
1.1.Ўқитувчи ҳақида маълумот						
Фанни (курсни) олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	Филология фанлари номзоди, доцент А.Каримов		e-mail:		karimov_amrullo@mail.ru	
Дарс вақти ва жойи:	25 аудитория		Курснинг давомийлиги:		Февраль 2018 - июнь 2018	
Индивидуал график асосида ишлаш вақти:	Душанба, чоршанба, жума кунлари		10.00 - 13.00			
1.2. Фаннинг мазмуни						
Фаннинг долзарблиги ва қисқача мазмуни:	Фаннинг долзарблиги: “Аудиовизуал журналистика” фани телевидение, ҳужжатли кинонинг пайдо бўлиши, ривожланиши, уларнинг жамиятда тутган ўрни, вазифалари, телекўрсатув, ҳужжатли кинони тайёрлаш жараёнларини ўргатади. Телевидениенининг пайдо бўлиши ОАВ ривожига катта туртки бергани, ўзига хос техник инқилоб ясагани, тараққиёт босқичларининг эртанги куни муаммоларини қамрайди. Шунингдек, талабаларни интерактив дастурларни тайёрлашда томошабинлар билан мулоқотни юқори даражада олиб бориш, оғзаки нутқ, мусиқа, интершовқин, монтаж уйғунлигини таъминлаш ва шу					

	борада турли ифодавий воситалардан фойдаланишга ўргатади. “Аудиовизуал журналистика” фани бўйича ўқув курсини ўқитилишининг аҳамияти ва долзарблиги шундаки, журналистика соҳасида таълим олаётган талабаларга телевизион ва радиожурналистика тизими, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, жамиятдаги ўрни ҳамда аҳамияти янада ривожланаётганлиги, глобаллашув шароитида медиахусулотларнинг ижтимоий мақоми, миллий ва халқаро телерадиостанцияларда замонавий технологиялар, дастурлар турлари ва уларнинг эфир орқали узатилишдаги ўзига хосликлар ҳақида зарурий билим ва амалий кўникмалар берилади. Курснинг мақсади – халқаро журналистика соҳасидаги бакалаврларга ТВ соҳасининг ўзига хослиги, ОАВ тараққиётида телерадиомахсулотларнинг ўрни ҳақида тасаввурни шакллантириш, эфирга узатилаётган дастурларнинг йўналишлари, шакллари, ифода воситаларини ўрганган ҳолда аудиовизуал журналистика жанрларида ижод қила олишга ўргатиш, соҳа иқтисодиёти ва журналистнинг касбий ахлоқи меъёрлари бўйича йўналиш профилига мос билим, кўникма ва малакани шакллантиришдир. Ўқув фанининг вазифалари: Талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалар, ижтимоий ҳодиса ва жараёнларга услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.
Талабаларга талаблар	Фан бўйича талабаларнинг билимига, кўникма ва малакасига қўйиладиган талаблар: Ушбу фанни ўзлаштирганидан сўнг талаба: - Телевизион журналистика хусусиятлари ва унинг тарихий тараққиёти, тележурналистиканинг бугунги ҳолати, вазифа ва тамойиллари, тури ва жанрлари, тили ва услуби, аудиторияни ўрганиш, журналистлар маҳорати масалалари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши; - кўрсатув тайёрлашга қўйилган талабларни ўрганиш ва улар нималардан иборат бўлиши хусусида баҳс олиб бориш, сценарий қандай ёзилишини, тасвирга тушириш жараёни, оддий ва мураккаб монтаж жараёнларини тушуна олиш, топшириқдан – эфиргача амалга ошириладиган жараёнлар, тўғридан-тўғри эфирда ишлаш кабиларни билиши ва улардан фойдалана олиши; - телерадиолойиҳалар концепцияси устида ишлаш, уларни эфирга тайёрлаш ва узатиш технологияларини билиши ва улардан фойдаланиш кўникмаларига эга бўлиши керак; - халқаро ва миллий тажрибани қиёсий ўрганган ҳолда келгусида мазкур соҳада замонавий усулларни қўллаб аудиторияга манзур бўладиган дастурларни тайёрлаш малакаларига эга бўлиши керак.
Электрон почта орқали муносабатлар тартиби	Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа ижтимоий тармоқлар, электрон почта орқали ҳам амалга оширилиши мумкин, телефон орқали баҳо масаласи муҳокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет ҳудудида, ажратилган хоналарда ва дарс давомида амалга оширилади.

3. Фан мавзулари ва унга ажратилган соатлар тақсимооти:

№	Мавзулар	Маъруза	Амалий	Мустақил иш
1.	Телевидениенинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари	2	4	4
2.	Телевидениенинг ОАВ тизимида тутган ўрни ва телевидениеда журналистик фаолият турлари	2	4	4
3.	Жаҳон телевидениеси	2	4	4
4.	Тележурналистика жанрлари	2	4	4
5.	Телевизион сюжет компонентлари	4	4	4
6.	Телесюжет яратишнинг технологик босқичлари	4	4	4
7.	Телекурсатув тайёрлаш технологияси	4	4	4
8.	Нодавлат телевидениелар	2	4	4
9.	Телевидениеда касб одоби ва иқтисодиёт масалалари	2	4	4
10.	Ўзбекистонда теле-, кино-, фотопублицистиканинг ривожланиши	2	2	4
11.	Кино-, теле-, фото публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари	2	2	4
12.	Теле-, кино-, фотопублицистика таркиби ва журналист-муаллиф қаҳрамон танлаш муаммоси	2	2	4
13.	Фотография асарининг эстетикаси, коммуникацион хизматлар, теле-, кино-, фотопублицистикада ўрни	2	2	4
Жами:		32	44	52

4. Талабалар билимини баҳолаш тизими:

т/р	Назорат туридаги топшириқларнинг номланиши	Максимал йиғиш мумкин бўлган балл	ЖН ва ОН баллар тақсимооти	
I. Жорий назоратдаги баллар тақсимооти		40 балл	20	20
Маъруза ва амалий машғулотларда		Максимал балл	1-ЖН	2-ЖН
1.	Талабанинг маъруза ва семинар машғулотлардаги фаоллиги ва ўзлаштириш даражаси, дафтарларнинг юритилиши ва ҳолати	30	0-15	0-15
2.	Мустақил таълим топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши (кейс-стади, сценарий, реферат, тақдимот ва бошқа турдаги мустақил таълим топшириқлари)	10	0-5	0-5
II. Оралиқ назорат		30 балл		
1.	Биринчи оралиқ назорат ўқитувчи томонидан тест усулида қабул қилинади. Талаба 30 та тест ечади, ҳар бир тўғри жавоб 1 баллдан баҳоланади.	30	Семестрнинг 8-ҳафтаси	
Якуний назорат		30 балл	Семестрнинг охириги ҳафтаси	
Жами:		100 балл		

Адабиётлар

Раҳбарий адабиётлар¹	1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б. 2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б. 3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда
--	--

¹ Раҳбарий адабиётлар барча турдаги ўқув машғулотлари, шунингдек мустақил таълим мавзулари учун назарий-услубий манба ва асос сифатида тавсия этилади.

Асосий адабиётлар:	5. Phillip L. Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012. 6. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
Қўшимча адабиётлар:	7. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012. 8. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002. 9. Омелянюк Иван, Цифровое эфирное телевидение. Пособие для специалистов телеиндустрии. Киев, 2010. С. 148. Интернет сайтлари: 10. www. jinet.org 11. www. ucheba.ru 12. www. studyamerica.ru 13. www. theoriyandpractica.ru

1-ДАРС 1-МАЪРУЗА.

Мавзу: Кириш. Телевиденининг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари

РЕЖА:

- 1.Фаннинг мақсад ва вазифалари. ТВнинг жамиятда тутган ўрни
2. ТВнинг бош вазифалари
- 3.ТВнинг ахборот тарқатиш вазифаси
4. ТВнинг маънавий-маърифий вазифаси
5. Рекреативлик – ТВ вазифаларидан бири сифатида



ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

- ✓ **Информация;**
- ✓ **Рекреатив;**
- ✓ **Интергратив;**
- ✓ **Инфотеймент;**

Маълумки, телевизион асарлар бошқа оммавий ахборот воситалари материалларига қараганда анча мураккаб бўлиб, замонавий электрон техника воситалари ёрдамида яратилади. Космос орқали, сунъий ер йўлдошлари ёрдамида телевизион тасвирни узоқ масофага узатиш, кўчма телевизион станция (КТС), видеокамера (БЕТАКАМ SP) имкониятлари ниҳоятда кенг ва улар ёрдамида ижодий ҳамда техникавий мўъжизалар яратилади-ки, шунинг учун ҳам телевиденининг жамиятда тутган ўрни ошиб бормоқда. Телетомошабинлар томонидан илиқ қабул қилинаётган янгиликлар дастурлари, жонли репортаж, мулоқот, тематик кўрсатув, долзарб мавзуларга бағишланган ток-шоулар, видеофильм, телесериаллар ҳамда дам олиш дастурлари эфирдан муқим ўрин эгалламоқда. Телевиденининг жамият тараққиётига ҳамда жамиятнинг ОАВга, хусусан ТВга таъсири ҳам кўтарилиб бормоқда. Жаҳон амалиётида мутахассислар ойнаи жаҳонга нафақат мафкура яратиладиган, уни шакллантирадиган даргоҳ, қурол сифатида, балки турли ижтимоий-сиёсий қарашларни томошабинга етказадиган, маърифат тарқатадиган оммавий ахборот воситаси сифатида қарашади.

Кўрсатувларда воқеликни ёритишда ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқиб ёндашиш, кенг халқ оммаси мақсадларини кўзлаб ҳаракат қилиш билан бирга шахсий манфаатларини илгари суриш, шароитга мослашиш ҳоллари, телетомошабин орзу-умиди, ишончи, эзгу мақсадлари бир томонда қолиб, реклама бериш, “ҳомийлик қилиш” ниқоби остида ОАВни тор мақсадга хизмат қилдириш, тўла назорат қилишни қўлга олиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Телеэфир – турли ижтимоий-сиёсий доираларнинг, катта мулк ва капитал эгаларининг давлат ва ҳукумат билан, хусусий бизнес тарафдорлари билан халқ манфаати ва сиёсий партиялар нуқтаи назарлари тўқнаш келадиган даргоҳдир. Шу сабабдан уларнинг ҳар бири ТВнинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўзлаштиришга, ТВда ташвиқот сирларини яхшироқ эгаллашга, ҳатто ижодий жамоаларни қўлга олишга ҳаракат қилади. Бу айниқса давлат ва ҳукумат

органларига сайловлар даврида кўпроқ ўз ифодасини топади. Шу сабабли кўп давлатларда бу ҳолатлар ва меъёрлар махсус қонуний ҳужжатларда ўз аксини топган.

Телевидениенинг ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролар жамияти куришда тутган ўрни юқори бўлиб, мамлакат ўтмиши, бугунги кун ва келажаги ҳақида ҳаққоний ва юқори савиядаги кўрсатувлар тайёрлаш бугуннинг энг муҳим вазифаларига айланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: "...Ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикри ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайди, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида тобора кучайиб ва мустаҳкамланиб бормоқда" – деган фикрларни билдирган эди². ОАВ тизимида энг тезкор, энг халқчил, энг таъсирчан бўлган бу электрон алоқа воситаси ТВ олдида ҳам қатор долзарб ва залворли вазифалар турибди.

Телевидениенинг шитоб билан ҳар бир жамият ва инсонлар ҳаётига кириб бориши натижасида аудиториянинг мамлакатимизда ва жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ахборотга талаба ошиб бормоқда. Аҳоли фикрини ҳолисона шакллантиришдаги ўрни кўтарилмоқда. Аҳолини турли воқеа-ҳодисалардан воқиф қилиш, аҳоли маданиятини ошириш, маънавиятини бойитиш, дунёқарашини тўғри шакллантиришда телевидениенинг ахборот тарқатиш, маданий-маънавий, бирлаштирувчи (интегратив), ташкилотчилик, маърифий, мафкуравий, рекреатив каби вазифаларининг аҳамият кўлами кенгайиб бормоқда.

Кейинги 15-20 йил давомида тезкорлик билан етказилган ахборотга томошабин талаби ортгани боис телевидение **ахборот тарқатиш**нинг энг қулай ва таъсирчан усулига айланди ва бу вазифа анча устувор аҳамият касб эта бошлади. Жаҳон телевидениелари дастурларида дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган янгиликлар зудлик билан эфирга узатиляпти. 24 соат давомида янгилик етказиб турувчи "Си-Эн-Эн", "Ал-Жазира" каби каналлар пайдо бўлди. Воқеа содир бўлган жойдан, фавқулодда ҳолат жорий этилган қайноқ нуқталардан, дунё нигоҳи қаратилган муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилаётган келишувлар кечаётган жараёнлардан, таҳликали аҳвол кузатилаётган объектлардан тўғридан-тўғри янгилик узатиш бўйича каналлараро рақобат юзага келди. Етакчи телеканаллар, тележурналистлар меҳнати ва машаққати туфайли, жаҳон тележурналистикаси назариясида ахборотга фақат ахборот сифатида эмас, товар сифатида қараш тенденцияси юзага келди. Ким ахборотни биринчи ва тез етказса, янгиликдан келадиган даромад эвазига каналлар ва журналистларнинг иқтисодий имкониятлари кенгайиб, молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам ўса бошлади.

² Каримов И.А.Бизнинг бош мақсадимиз- жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир.-Т., Ўзбекистон.-2005.-Б.52-53.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, ахборот дастурлари тайёрлаш ишига миллий босма ва электрон ОАВларида ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Телевидение дастурларида информацион дастурларнинг эфир вақти ва сони ошди. Давлат ва нодавлат радиостанциялар ҳар соатда мамлакатимиз ва дунёда бўй бераётган янгиликларни имкон қадар тез етказиб туришибди. Янгиликларга бўлган талаб ортгани сари бу йўналишдаги дастурлар сони ошиши билан бирга, ахборот етказиш услубига ҳам кенг эътибор қаратилди. Мисол учун, “Ўзбекистон” телерадиоканали “Ахборот” дастурининг эфир ҳажми ошиши, ҳар куни бир неча марта янгиликларнинг тақдим этилиши, замонавий ахборот технологиялари ва хориж тилларини мукаммал биладиган малакали кадрларнинг таклиф этилиши, энг сўнгги технологиялар билан студиянинг жиҳозланиши, журналистлар позицияси ва бошловчилар имиджи масалалари кўриб чиқилди.

Гарчанд қисқа вақт ичида “Ахборот” дастури шакли-шамойилида бир қадар ўзгаришлар сезилса-да, мазмун-моҳият ўзгаришлар бирмунча суст кетмоқда. “Таҳлилнома” кўрсатувида кўтарилаётган мавзулар таҳлили “Ахборот”га қараганда бирмунча дадил ва теран. Ахборот дастурларининг бугунги ҳолати, чиқишлар тайёрлаш, қайта ишлаш ва узатиш борасидаги тажрибаларни ошириш борасидаги ишлар давом эттириляпти. “Ёшлар” телеканалининг “Давр” ахборот дастури бу борада муайян тажрибага эга. Канал ташкил топган дастлабки йилларда “Давр” маҳоратли бошловчилар ва мухбирлар савиясига, ахборотни етказиш услубига, қисқалик, аниқлик, тезкорлик тамойилларига, студия дизайнига кенг эътибор қаратиш эвазига миллий телеканаллар ахборот дастурлари орасида етакчиликни қўлга олган эди. Аммо, кейинги йилларда дастурнинг мазмун ва сифат самарадорлигида туб маънода ўзгаришлар сезилмаётганди.

Миллий телеканаллардаги ахборот дастурлари ижодкорлари шу пайтга қадар асосан турли мавзулардаги янгиликларни навбати билан эфирга узатиш тажрибасини қўллаб келган бўлса, ҳозирда маълум соҳага ихтисослашган ҳолда дастур тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Маҳаллий янгиликлар, халқаро аҳвол, иқтисодиёт ва экологияга доир хабарлар алоҳида эфирга узатилиши кузатилмоқда. Буни “Тошкент” телеканалда иқтисодий мавзуга оид “Бизнес пойтахт”, экологияга оид “Эко пойтахт” каби махсус телелойиҳаларининг эфирга узатилаётганида кузатиш мумкин. НТТнинг “Ҳудуд” ахборот дастури ҳам бу тажрибани кенг йўлга қўйган.

Мутахассисларнинг янги асрга “Ахборот асри” деган нисбатни берганликлари бежиз эмас. Улкан армиялар, қудратли қуроллар бажариши мушкул бўлган ишни махсус йўналтирилган ахборотлар орқали амалга ошириш осонроқ ва қулайроқ бўлиб қолди. “Ким ахборотга эгалик қилса, ўша дунёни бошқаради” деган фикр кундалик ҳақиқатга айланди. Инсон ақлий тараққиётга қанчалик мойил бўлса, биологик нуқтаи назардан у дам олишга ҳам шунчалик эҳтиёж сезади. Телевизион журналистиканинг тараққий этиб бораётган йўналишларида ҳам бу яққол намоён бўлмоқда.

Журналистика назариясининг асосий қонуниятлари ва тизимидан келиб чиқилса, маълум бўладики, ҳозирги кунга қадар мутахассислар томонидан телевидениенинг анъанавий функциялари сифатида ахборот тарқатиш,

маданий-маънавий, интегратив, ижтимоий-педагогик, ташкилотчилик, таълимий, рекреатив ва бошқалар кўрсатиб келинган.³

Санаб ўтилган мазкур функциялар орасида уч йўналиш алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Булар **янгиликлар, маънавий-маърифий ва кўнгилочар йўналиш**. Аммо, бу Ғарб ва Шарқда турлича нисбатда намоён бўлади. Ғарб журналистикасида материалларнинг тенг ярмини кўнгилочар йўналиш эгаллаган (50%), янгиликлар – 30%, маънавий-маърифий – 20% улушни ташкил этган. Шарқда эса ижодий ишларнинг 40 фоизини кўнгилочар йўналиш камраб олган. Бошқалари тенг улушларда намоён бўлади.

Юқорида санаб ўтилган халқаро журналистиканинг муҳим йўналишларидан бири **янгиликлардир**. Кейинги 15-20 йил давомида тезкорлик билан етказилган ахборотга томошабин талаби ортиди ва бу вазифа анча устувор аҳамият касб эта бошлади. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган янгиликлар зудлик билан эфирга узатиляпти. 24 соат давомида янгилик етказиб турувчи “Си-Эн-Эн”, “Ал-Жазира”, “Russia Today”, “Россия 24” каби каналлар пайдо бўлди. Воқеа содир бўлган жойдан, фавқулодда ҳолат жорий этилган қайноқ нуқталардан, дунё нигоҳи қаратилган муҳим ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муаммоларни бартараф этиш юзасидан амалга ошириляётган келишувлар кечаётган жараёнлардан, таҳликали аҳвол кузатиляётган объектлардан тўғридан-тўғри янгилик узатиш бўйича каналлараро рақобат юзага келди. Етакчи ахборот агентликлари, каналлар, журналистлар меҳнати ва машаққати туфайли, жаҳон журналистикаси назариясида ахборотга фақат ахборот сифатида эмас, товар сифатида қараш тенденцияси юзага келди. Ким ахборотни биринчи ва тез етказса, янгиликдан келадиган даромад эвазига каналлар ва журналистларнинг иқтисодий имкониятлари кенгайиб, молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам ўса бошлади.

Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари:

- давр ўзгаришлари;
- сиёсий муҳит ўзгариши;
- психологиядаги ўзгариш;

- ахборотга муносабатнинг ўзгариши туфайли ортиб, ахборот дастурлари тайёрлаш ишига миллий босма ва электрон ОАВда ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Информацион чиқишларнинг ҳажми, эфир вақти ва сони ошди. Давлат ва нодавлат радиостанциялар ҳар соатда мамлакат ва хорижда рўй бераётган янгиликларни кенг оммага етказишмоқда. Янгиликларга бўлган талаб ортигани сари бу йўналишдаги дастурлар сони ошиши билан бирга, ахборот етказиш услубига ҳам кенг эътибор қаратилди. Мисол учун, “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Ахборот” дастури студияси жиҳозланиб, бошловчилар имижига аҳамият қаратилиб, малакали кадрлар масаласи кўриб чиқилди.

Лекин шу билан бирга айтиш зарурки, гарчанд қисқа вақт ичида “Ахборот” дастури шакл-шамойилида бир қадар ўзгаришлар сезилса-да, мазмун-моҳият

³Кузнецов Г.В, Цвик В.Л,Юровский А.Я.Телевизионная журналистика. 4-е изд. М.: Изд-во МГУ, 2004 – С.36-52.

ҳанузгача том маънода ўзгариш сезилмаётганди. “Таҳлилнома” кўрсатувида кўтарилаётган мавзулар таҳлили “Ахборот”га қараганда анча дадил ва теран кўринса-да, аммо танқидий-таҳлилий кўрсатувлар жуда озлиги, томошабин қалбига кириб борадиган дастурларнинг етишмаслиги аён бўлиб қолди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида уч жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. Булар танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши кераклиги таъкидланган.⁴

Ахборот дастурларининг бугунги ҳолати, ахборот тайёрлаш, қайта ишлаш ва узатиш борасидаги тажрибаларни ошириш устида ҳаракат давом эттириляпти. Булар нималарда акс этади?

Биринчидан, ЎЗМТРК тарихида илк бор раиснинг ахборот сиёсати бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди ва туркум телевизион лойиҳалар муаллифи ва продюссери, ОАВ соҳаси эксперти Бобур Алихонов ўринбосар этиб тайинланди⁵.

Иккинчидан, жонли эфир масаласига эътибор кучаймоқда. Бу ҳақда dia.uz электрон нашри “Ўзбекистон телеканалининг “Ахборот” дастури 14:00да жонли эфирда намоиш этилди. Танқид тошларидан сўнг “Ахборот” дастури жонли эфирда чиқа бошлагани катта ўзгаришдир” деб ёзади⁶.

Учинчидан, кўрсатувларда стендапларга алоҳида эътибор қаратилиб, танқидий-таҳлилий чиқишларга эътибор кучайди. Жойлардаги турли соҳаларга тааллуқли муаммолар журналистлар томонидан олиб чиқилмоқда.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 30-март кунги видеоселектор давомида телевидение фаолиятини танқид қилиб, “ура-урачилик замони ўтди” деб айтган гапидан сўнг маҳаллий телеканаллар, хусусан “Ўзбекистон” телеканали хусусида танқидий фикрлар чоп этилган эди.⁷ Журналист Фозил Фарҳод ижтимоий тармоқдаги саҳифасида “Таҳлилнома”даги ўзгаришлар хусусида фикрларини қуйидагича ёзиб қолдирган.”16 апрель куни кеч соат 9:00да эфирга узатилган дастурнинг янги формати, айрича қиёфаси 9 апрель кунги русча-ўзбекча сонларидагидай кўнглимни кўтарди: саҳифалаш давомида нуқтаи назар, таҳлил ва баҳолаш мезонларига урғу берилди”. Демак, кўрсатув янги форматда эфир юзини кўрмоқда.

Бешинчидан, шу пайтга қадар Узрепорт ТВ 24 соат мобайнида эфирга чиқиши, информаион канал сифатида намоён бўлаётганди. Эндиликда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибида янги форматдаги “O‘zbekiston 24” деб аталувчи миллий ахборот-таҳлилий телерадиоканал

⁴ <http://uza.uz/oz/politics/tan-idiy-ta-lil-atiy-tartib-intizom-va-shakhsiy-zhavobgarlik-16-01-2017>, 11.05.2017.

⁵ <http://kun.uz/news/2017/04/04/uzmtrk-raisiga-urimbosar-tajinlandi>, 11.05.2017.

⁶ <http://dia.uz/uz/yangiliklar/ozbekiston/2017/04/04/prezident-tanqididan-song-jonlanish-axborot-jonli-efirda>, 11.05.2017.

⁷ <http://sputniknews-uz.com/news/20170417/5211239/Tahlilnomadagi-nou-xau-ozbekistonliklarni-hayratlantirdi.html>, 11.05.2017.

ташкил этилмоқда. У хорижий мамлакатларда фаолият юритувчи ўз мухбирлар тармоғига ҳам эга бўлади⁸.

80-йилларда жаҳон телеканалларида кузатилаётган ўзгаришлар миллий телеканалларда ҳам қайд этилди. Булар одамларнинг яшаш тарзидаги ўзгариш ва янгиликлар билан боғлиқ. Иқтисодий жиҳатдан тўқис яшаган аҳолининг янгидан-янги эҳтиёжлари юзага келади. Шунинг учун ҳам, дастлаб бу ўзгаришлар тараққий этган мамлакатларда кузатилди. Булар туб маънода ривожланиш, цивилизациянинг маҳсули саналади. Айнан шу йилларда АҚШда “Си-Эн-Эн” телеканали ўз фаолиятини бошлади. Канал дунёга ахборот етказишда етакчиликни қўлга олди. Кейинчалик бошқа телехизматлар ҳам пайдо бўлди. Бир сўз билан айтганда ахборот соҳасида кечаётган ўзгаришлар аҳолини керакли ва фойдали ахборот билан таъминлайди ва ахборий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Бугун бутун дунёда интернет ёки телевизион журналистикадек юқори мавқени эгаллаган ижтимоий институтлар санокли. Аудиториянинг анъанавий босма оммавий ахборот воситаларига муносабати олдингидек оммавий эмас. Жамоатчиликнинг рекреатив характер устувор аҳамият касб этувчи телевидение, кино, интернет каби соҳаларга қизиқишлари ортиб бормоқда. Журналистика назарияси ва амалиёти мутахассислари бу тенденция хусусида ўзларининг муайян фикр-мулоҳазаларини анчадан бери илгари сурмоқда. Янгиликлар журналистикаси 80-йилларда бутун дунёда кенг ёйилган бўлса-да, аммо кўнгилочар журналистика мавқеи кейинги йилларда кўтарилиб кетди.

Маълумки, рекреативлик дастлаб Япония, Фарб, сўнгра Россия ва ниҳоят миллий журналистикамизга кириб келди. Россияда кўнгилочар журналистика тараққиёти борасидаги айрим мулоҳазаларга эътибор қаратилса, ҳолат яққол намоён бўлади. “Босма нашрлар, айнан “сарик матбуот” ҳам ёш авлод орасида кенг оммалашмаяпти. Унинг ўрнини ялтироқ журналлар ва телевидение эгаллади. Ёшларда сиёсий ва ижтимоий масалаларга қизиқиш йўқолиб борапти. Улар учун социум – Интернетдаги виртуал ҳаёт ҳисобланади. Улар жаҳонда нима бўлаётганини глобал тармоқ орқали билмоқда.

Замонавий телевидениеда ҳам кўплаб дам олиш каналлари пайдо бўлди. Одамлар орасида нимани кўриш бўйича ички баҳслар кетганда, бир пайтнинг ўзида “Биринчи канал”да янгиликлар, “Пятница”да “Орел ва Решка” дам олиш кўрсатуви эфирга узатилганда, кўпчилик “Пятница” каналини танлайди. Чунки, янгиликлар ишдан кейин мияга оғирлик қилади. Жинсий нуқтаи назардан аёлларнинг рекреатив чиқишларга қизиқиши юқори бўлса, эркакларнинг сиёсатга қизиқиши ҳали-ҳануз давом этяпти”⁹.

Бу тенденция нафақат Россия, балки дунёнинг барча давлатларида кузатилляпти. Қозоғистонлик мутахассис Есенгўл Копқизи эфир вақтининг атиги 5-10 фоизини янгиликлар ташкил этаётганини таъкидлаб¹⁰, 31-каналнинг 24.06.2015 йилдаги чоршанба телекўрсатувлар дастурини таҳлил қилган. Тонгги соат 6:00дан “Ризамын” дам олиш дастури, кейинги соатларда

⁸ <http://kun.uz/news/2017/05/04/uzbekistonda-angi-uzbekiston-24-ahborot-talilij-telekanali-taskil-etiladi> , 11.05.2017.

⁹ Шеффер А. Журналистика в современном мире, <http://journalisti.ru/?p=40279>, 30.04.2016

¹⁰ Копқизи Е. Холдинги и шоу убивают умную журналистику, <http://365info.kz/2015/07/kto-prevratil-zhurnalistiku-v-instrument-agitacii-propagandy/>, 30.04.2016.

телесериал ва мультфильмлар, куннинг иккинчи ярмида дам олиш характеридаги “Ўзлестудио”, “Ералаш”, “KazaxStar” кўрсатувлари ва яна икки сериал эфир юзини кўради. Фақатгина кечки 8-9 оралиғидагина “Информбюро” янгиликлар ахборот хизмати экранга чиқишини келтириб ўтган.

Ўзбек миллий телеканаллари дастурларига ҳам эътибор қаратилса, рекреатив чиқишлар бир мунчақўплигига амин бўлиш мумкин. “Ўзбекистон” телеканалининг 2016 йил 16 март телекўрсатувлар дастури кузатилса, 24 соат ичида эфирга узатиладиган чиқишларнинг 12 таси телесериал, теленовелла, бадий фильм, ҳужжатли фильм ҳамда спектакллар намоишини ташкил этади. “Ассалом, Ўзбекистон!” дам олиш дастури эфирнинг 3 соатини эгаллаган. 1,5 соат вақтни банд этган иккита ток-шоу, 3,5 соатли турли мавзулардаги (ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий-маданий ва маърифий аҳамиятдаги) 10га яқин кўрсатув ҳамда 3 соату 20 минут вақт информацион чиқишларга ажратилган¹¹. Рекреация эфир вақтининг асосий қисмини эгаллар экан, информацион чиқишлар умумий йўналишдаги каналлар ҳажмининг камроқ қисмини ташкил этмоқда.

Янгиликлар йўналишидаги телеканаллар ахборот тайёрлаш ва аудиторияга тақдим этишнинг энг таъсирчан усуллари амалиётга жорий этмоқда. Инфотейнмент атамасининг амалда пайдо бўлиши ва қўлланилиши информацион дастурларда кўнгилочар элементларнинг кирибкелиши асносида бошланди. “Инфотейнмент (infotainment)” - “информация” (information) ва кўнгилочар (entertainment) деган икки сўзнинг қўшилишидан юзага келган¹².

Н.Зорков Россия телевидениесига инфотейнментнинг кириб келишига оид мақоласида дам олиш, кўнгилочар элементларнинг ахборот дастурларига кириб келиши Америка Қўшма Штатларида XX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлганини таъкидлайди¹³. CBS телекомпаниясининг “60 минут” ҳафталик чиқишида бошловчилар ўз репортажларида шахсий муносабатлари билан қаҳрамонлар иштирокида кадрда намоён бўладилар. Бу эса шу даврдаги АҚШ телевидениеси учун хос бўлмаган жиҳат эди. CBS канали тажрибаси тез орада АҚШдаги бошқа каналларни ҳам қамраб олди. Фикримизча, аслида бу тенденция биринчи булиб, Японияда бошланган, ундан кейин АҚШга ўтган.

NBC продюсери Нил Шапиро янгиликлар дастурининг сўнггисида ўзига тортадиган иллюстрация сифатида юқори, энг таъсирчан видеотасвир, графика, фантазия, махсус эффектлар билан бойитилган, шов-шувларга сабаб бўла оладиган телевизион сюжетларни эфирга узатишни йўлга қўйган¹⁴. Ҳафта охирида эса томошабинлар одатда асосий янгиликлар тафсилоти билан танишадилар. Айнан шу тамойил бўйича ABC (“20/20”), CBS (“48 hours”) каналлари иш юрита бошлади. Fox News инфотейнментни каналлар концепциясининг асосига қўйди. Инфотейнмент тарихига доир янада кенгрок маълумотларни Н.Голядкин¹⁵ ва Н.Картозия¹⁶нинг илмий чиқишларида кўриш

¹¹ “Адолат кўзгуси”, 10.03.2016. “Ўзбекистон” телеканаллари дастурлари.

¹² PR-гlossарий // PR-клуб Московской Международной Бизнес Ассоциации. – <http://www.mibas.ru/Mibas/idp/clubs/pr/spellshock/ar...>

¹³ Зорков Н.Н. Инфотейнмент на российском телевидении <http://www.relga.ru/Environ/WebObjects/tgu-www.wa/wa/Main?textid=735&level1=main&level2=articles>, 17.04.2016

¹⁴ Цит. по: Картозия Н. “Программа “Намедни”: русский инфотейнмент» // Меди@льманах. – 2003. – №3. – С. 11.

¹⁵ Голядкин Н.А. ТВ информация в США. – М.: ИПК работников телевидения и радиовещания, 1995.

мумкин. Инфотейнментнинг пайдо бўлиши аудитория қизиқишлари доирасини кенгайтириб юборди. С.А. Михайловнинг таъкидлашича, Америка жамияти жиддий материаллардан чарчади. 1970 йилларда олиб борилган ижтимоий тадқиқотлар натижаларига кўра, бир қолипда тайёрланган, куруқ ахборотлар ўқувчиларни қизиқтирмай қўйган¹⁷.

Айни шу даврда бошланган тенденция, янги асрнинг дастлабки йилларида янада тараққий топди. Америка телеканаллари орасидаги аёвсиз рақобат уларнинг ҳар бирида ўзига хос жиҳатлар бўлишини тақозо этади. Янгилик ва тезкорлик бўйича дунёда олд ўринларда турувчи АҚШ телевидениеси аудитория истеъмоли даражасидаги, унинг эҳтиёжини қондира оладиган информацион-дам олиш маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан чарчамаяпти.

90-йиллар бошида Иттифоқнинг парчаланиши, мустақил давлатларнинг юзага келиши айрим иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий муаммоларни келтириб чиқарган бўлса-да, ахборотга бўлган талабнинг сусайишига олиб келгани йўқ. Телевидение экрани орқали берилаётган ахборотга аксарият томошабинларнинг ишончи жуда баланд эди. Яшаш тарзидаги тезликнинг ошгани, иқтисодий муаммолар гирдобидида айрим стресс ҳолатларга дуч келинган, психологик босим кучайган бир пайтда руҳий хотиржамлик, ҳаловатга бўлган эҳтиёж ошиб борди. Ахборотнинг кўпайиши оқибатида дам олишга бўлган мойиллик кучайди. “Ҳозирда анъанавий дам олиш дастурлари ўсиб, кўрсатувларнинг янги шакллари пайдо бўлиб бормоқда ва уларнинг аксарияти ўзида кўнгилочарлик хусусиятини ифода этмоқда. Ҳаттоки дам олишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган турли йўналишдаги дастурлар (мисол учун, янгиликлар, ахборот дастурлари, сиёсий баҳслар, таълимга оид кўрсатувлар) ўз жанр хусусиятларини бирмунча ўзгартирди. Улар ахборот-дам олиш, ҳужжатли-дам олиш, таълимий-дам олиш дастурлари сифатида фаолият олиб бораёпти” – деб ёзади Петер Винтерхофф-Шпурк ўзининг “Медиапсихология. Асосий тамойиллар” китобида¹⁸.

Бугунги кунга келиб рекреатив журналистиканинг қуйидаги йўналишлари ва типологияси юзага келди.

- алоҳида гуруҳлар маданияти
- қизиқиш бўйича бирлашган ташкилотлар
- спорт журналистикаси;
- муסיқа журналистикаси;
- “аёллар” ва “эркаклар” журналистикаси;
- Дам олиш юмористик матбуот;
- Шов-шув, жанжал ва миш-мишни ўз ичига олган бульвар (кўча) матбуот;
- Фантастика, саргузашт ва саёҳат йўналиши;
- Эзотерическая пресса; сирли, динлар, матбуоти
- Хизмат ва товарлар ҳафталиклари;

¹⁶Картозия Н. “Программа “Намедни”: русский инфотейнмент” // Меди@льманах. – 2003. – №3. – С. 10 – 25.

¹⁷ Михайлов С.А. Журналистика Соединенных Штатов Америки. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2004.

¹⁸Винтерхофф-Шпурк П. Медиапсихология. Основные принципы. Пер.с нем. Харьков: Изд-во Гуманитарный центр, 2007. – С.288.

- Сервис матбуоти – таништирув хизмати
- Маълумот-тавсия нашрлари;
- Телегид-нашрлари;
- Рангли ва “сарик” матбуот¹⁹.

Матбуотда рекреативликнинг пайдо бўлиши, вақт ўтиши билан юзага келган бошқа медиаларда ҳам кўрина бошлади. Дунё медиалари бизнинг аудиторияни маҳв этишга киришди. Унинг оқибатлари ҳозиргача сезилади, маънавий тазйиқ ва ахборот хуружи кўринишида ўз таъсирини ўтказмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов ўз чиқишларида бу ҳақда бир неча марта тўхталиб ўтган. “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди”.²⁰

Глобаллашувнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ўтказаётган салбий таъсири эфирга узатилаётган телевизион лойиҳаларда намоён бўлади. “Оммавий маданият”га берилишнинг салбий оқибатлари ёш авлоднинг ўзини тутиши, муомала маданияти, кийиниш услуби, бир сўз билан айтганда – маънавиятида ўз аксини топади. Телевидениенинг кўп йиллик сайёравий тажрибасидан маълумки, бу восита “оммавий маданият”нинг асосий тарғиботчиси бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Материалларда хорижга кўр-кўрона тақлид, миллий менталитетни инобатга олмаслик, анъанавий мақсад ва вазифаларни тўла эътиборга олишнинг бузилиши оқибатида айрим муаммолар кўзга ташланмоқда. Мавжуд муаммолар илмий нуқтаи назардан ўрганишга мухтож бўлиб, уларни бартараф этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан саналади. И.А. Каримов таъкидлаганидек: “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.”²¹

Бу курашда ТВнинг ўрни ҳар қачонгидан ҳам юқори. Жаҳон телевидениеси таъсирида “оммавий маданият” домига илиниб қолаётган ёшларни асрашнинг бирдан-бир йўли, улар дидига, савиясига, дунёқарашига, маънавиятига ижобий таъсир этадиган, хориж каналлари дастурларидан сифати юқори бўлган, ижод майдонида баҳсга кириша оладиган, хориж лойиҳаларидан қолишмайдиган ҳар томонлама мукамал медиа матн асосига қурилган профессионал журналистларнинг сара асарларига эҳтиёж юзага келди.

Ва ниҳоят журналистиканинг навбатдаги учинчи йўналиши **маънавий-маърифий йўналиш**даги чиқишларга эҳтиёж юзага келди. Маълумки,

¹⁹Karimov A. Types and trends of recreational journalism, “Филология масалалари”, Т.: 2016 йил 2-сон, -Б.82-85.

²⁰Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. – Б.114.

²¹Каримов И.А.Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. – Б.119.

мамлакат мустақиллигидан сўнг ўзликни англаш, миллий урф-одат, анъана ва кадриятларга бўлган эътибор ҳар қачонгидан ошди. Бу эътибор босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳам ўз аксини топди. Ўтган йиллар давомида маданий-маънавий вазифани ўзида ифодалаган материалларга кенг ўрин ажратилди. Таълим-тарбия масалаларига бағишланган, ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган ижодий ишлар сони ортди. Аудиовизуал журналистиканинг ёш авлод тарбиясига, миллий ва умуминсоний ахлоқнинг шаклланишига таъсир кучи инобатга олиниб, шу йўналишдаги “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Бир ўлка-ки”, “Одамлардан бири”, “Яхшилик”, “Минг бир ривоят”, “Денгиздан томчи”, “Меҳр кўзда” сингари лойиҳалар намойишига эътибор кучайтирилди. Булар қаторида янги номдаги кўрсатувлар пайдо бўлди. Асосий эътибор, инсон маънавиятини бойитишга хизмат қилувчи унсурларга эмас, инсон маънавияти таҳлилига, илмий нуқтаи назардан маънавият сўзининг маъносига, кенг ҳажмдаги муҳокамаларга берилиб кетилди. Томошабин эса бундан безди. Бу мавзудаги кўрсатувлар нафақат телеэкранда кўпайди, балки матбуотда ҳам, радиода ҳам узлуксиз ёритилди.

Филология фанлари номзоди О.Тошбоев шундай фикрларни билдиради: “Мустақилликнинг илк йиллари матбуотимизда, телевидение ва радиода миллий анъана ва кадриятларни тиклаш, маънавий ва маданий меросни ўрганиш, тарғиб этиш борасида шу қадар кўп ёзилдики, охир-оқибат, шу мавзуда гап кетса, одамларнинг энсаси қотадиган бўлди. Биз энг азиз, нозик ва сирли мавзуларни ҳам сийқалаштириб, кўпчиликнинг ихлосини қайтардик. Меъёр бузилди, аниқроғи уни ўзимиз буздик! Истиқлол матбуотининг дастлабки беш йилида юқоридаги манзара устувор бўлди. кейин эса... воқелик тамомила бошқа ўзанга кўчди”²².

Муаллиф таъкидлаган жараёнларнинг юзага келишида телевизион журналистларнинг малакасизлиги, телевидение имкониятларини тўла ишга солинмаганлиги, режиссуранинг ночорлиги, тасвир ва матн уйғунлигининг йўқолиши, маърузабозликнинг юзага келиши, услубнинг эскилиги, бир услубдаги қолиплардан фойдаланиш, телевизион ракурсларнинг бузилиши, телесценарийларнинг бўшлиги, матбуот ва бадиий адабиёт тилига таяниш ҳолатлари, телевидение тилининг тўла инобатга олинмаганлиги сабаб бўлди. Бундай вазиятда томошабин ўзи учун янги ахборот манбаи қидиради. Кабел телевидениеси, сунъий йўлдош антенналари, интернет тармоғи имкониятлари орқали хориж ахборот воситаларига мурожаат этишга киришади. Бу нафақат Ўзбекистонга, шу билан бирга бутун дунё телевидениесига хос тамойилдир.

Бир қарашда беозор кўринадиган “мафтункор, жозибали” воситаларнинг, аудиовизуал журналистика – интернет, радио ва телевидениенинг, чиройли кўриниш ва манзараларга буркалган кўп серияли кино маҳсулотларининг, телевизион сериалларнинг, бир сўз билан айтганда, медиаларнинг аудиторияга таъсири юқори. Бунда айрим хориж телеканаллари асосий эътиборни ёш авлод онги ва қалбига таъсир ўтказишга қаратади. Мулоҳазаларимиз аввалида таъкидлаганимиздек, инсон ақлий тараққиётга қанчалик мойил бўлса, биологик нуқтаи назардан у дам олишга ҳам шунчалик эҳтиёж сезади. Ахборот

²²Тошбоев О. Глобаллашув ва миллий маданият. Тафаккур, 2006. 1-сон, - Б.23.

хавфсизлиги асосларини ўрганган одамга маълумки, томошабинга ҳузур бағишловчи кўрсатув замирида ахборот хуружи, маънавий тазйиқ ётиши мумкин. Ахборот бериш билан бирга, янгича ёндашув ва ракурсларга бой бўлган хориж телеканаллари кўрсатувлари томошасига шошаётган аҳолини ушлаб туриш учун миллий телеканаллар ижодкорлари олдида қатор вазифалар туради. Лекин аксинча, бунинг олдини олиш ўрнига хориж каналларида бериладиган айрим кўрсатувларга тақлид йўсинидаги дастурлар ҳам юзага келди.

1970-2000 йилларда Сан-Диегодаги Калифорния университетида профессор лавозимида фаолият олиб борган Герберт Шиллернинг фикрича: “Америка теледастурларининг энг асосий мақсади савдо ва дам олишга кўмаклашиш”²³ ҳисобланади. У фикрини давом эттириб кўрсатувлар самарадорлигини оширишда, ахборот узатишнинг энг мақбул йўли сифатида электрон ОАВ танланаётгани ва кўнгилочар чиқишлар жорий қилинаётганини келтириб ўтади. Бозор шароитида медиаларининг ўрни юксаклиги таъкидланади. Кўнгилочар дастурларнинг томошабини кўп. Бу йўсиндаги лойиҳалардан маҳсулотлар ва хизмат турлари рекламаси учун фойдаланиш мумкин.

Халқаро журналистиканинг муҳим йўналишлари саналар экан, тижоратнинг соҳага кириб келаётганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Мутахассислар “Реклама берувчилар ва ҳомийлар энг янги, самарали ва интенсив усуллар орқали “совға”ларини аудиторияга йўналтиришмоқда” дейилади²⁴.

Пулли телевидениенинг юзага келиши, ахборот кўринишидаги рекламалардан фойдаланиш, кино ва сериаллар оғушида реклама маҳсулотларини тарқатиш реклама берувчиларга катта фойда келтирмоқда. Тижорат телевидениелари ва шу йўналишлардаги кўрсатувлар кўпаймоқда. Тижорийлашувнинг телевидение соҳасига илдам кириб келиши миллий телеканалларда ҳам кузатилди. Товарлар ва хизматлар рекламаси йўлга қўйилди. Реклама беришнинг қонуний асослари ишлаб чиқилди ҳамда меъёрлар белгиланди. Тижорат кўрсатувлари вужудга келди. Бу – XX асрнинг охири – XXI асрнинг бошида Ўзбекистон телевидениесида жиддий тус олган ҳодисадир.

Корхона ва ташкилотлар маҳсулот ва хизмат турлари рекламасини беришда томошабин диққатини ўзига кенг жалб этадиган кўрсатувларни танлайди. Рекламадан тушадиган даромад телеасарнинг томошабинбоплигига боғлиқ. Дастурлар сифатини ошириш ва томошабинларга энг яхши лойиҳаларни тақдим этиш ижодкорларнинг асосий мақсади саналади. Дунёга машҳур КВС телекомпанияси энг катта даромадни рекламадан топади. Унинг 95 фоиз фойдаси шу орқали келади. Кўрсатув ва фильмлар сифати юқори даражада бўлмаса, бирор-бир хусусий компания ёки ташкилот телекомпанияга реклама бермайди. Демак, бунинг учун, энг аввало экрандаги чиқишларнинг мазмун ва сифатини яхшилаш талаб этилади. Мисол учун, Россияда

²³Уэбстер Ф. Теории информационного общества. Пер с англ. М.В.Арапова, Н.В.Малыхиной. Под ред. Е.Л.Вартановой. – М.: Аспект Пресс, 2004. – С.177.

²⁴Ўша манба.– С.177.

дастурларнинг бирор-бир маҳсулот белгиси остида ёки машҳур шахслар иштирокида ўтиши одатга айланган. Чунки, машҳур шахслар ҳаётига томошабиннинг қизиқиши доимо юқори. Эфир вақтининг асосий қисмини эгаллаётган кўнгилочар - “Аншлаг”, “Армейский магазин” (“Армия дўкони”), “КВН”, “Марафон -15”, “Поле чудес”, “Смехопанорама”, “Тема”, “Что?, Где? Когда?”, “Угадай мелодию”, “Я и моя собака” каби кўрсатувларда реклама берувчилар яхши даромад топади.

“Америкаликлар учун дам олиш дастурлари – энг машҳур маҳсулотлар ҳисобланади. Ана шу маҳсулотлар (кино, теледастурлар, шоу бизнес) орқали улар ўз ғоя, қараш ва ҳаёт тарзини сингдиради. Ғарб жамияти кино саноатини молиялаштиради, глобал реклама кампаниялари орқали ўз мафкурасини сингдириб боради”.²⁵ Замонавий теледастурлардаги ўзгаришлардан навбатдагиси кинонамоишларга кенг ўрин ажратилганидир. ОАВнинг дам олиш вазифаси кенг миқёсни эгаллагани боис, шу йўналишдаги нашрлар ва кўрсатувлар аудитория орасида машҳур бўла бошлади. Телетомошабинлар ўртасида ўтказилган сўровлар натижасига кўра телевидение соҳасида уч йўналишдаги кўрсатувлар (кинонамоишлар, ахборотлар ва дам олиш дастурлари) энг юқори рейтингни – 81,9 фоизни кўрсатган эди. Булар “Поле чудес”, “Городок”, “Сам себе режисёр” ва бошқалар.²⁶ Номии тилга олинган дастурларнинг аксарияти кинонамоишлардан иборат экани, аудитория талабининг натижаси саналади.

ОАВнинг рекреатив вазифаси одамларнинг даромади кўпайиши, бўш вақти ошиши омиллари билан маълум даражада боғлиқ. Профессор Я.Засурскийнинг ёзишича, “бўш вақт саноати, кўнгилочар дастурлар индустрияси замонавий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда, одамларда бўш вақт кўпайгани сари бу янги даромад бугунги кунда айнан хизмат кўрсатиш соҳаси, оммавий маданият ва ОАВ – яъни бўш вақтни тўлдиришга қаратилган соҳаларга айланмоқда”.²⁷

Замонавий жаҳон ва миллий журналистикада кечаётган янгиланиш жараёнларининг таҳлилидан қуйидаги хулосалар чиқарилди:

- журналистика ҳар қачонгидан шиддатли ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда;
- журналистикада ўзаро рақобат муҳити, аудитория учун кураш журналистлардан янада изланувчанлик, топқирлик ва касбий маҳоратга эришишни тақозо этмоқда;
- умумий ўзгаришлар майдонида миллий журналистикада ихтисослашув тенденция тусини олмоқда;
- ўзгаришлар тенденцияси ҳам давлат, ҳам нодавлат телеканалларида кузатилмоқда;
- жамият ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли психологиясига жиддий таъсир кўрсатмоқда, чунончи кишиларда дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва кўнгил очиш руҳидаги кўрсатувларга мойиллик кучаймоқда.

²⁵Ўша манба. – С.179.

²⁶Система Средств Массовой Информации России. Под редакцией Я.Н.Засурского. М.: Аспект Пресс, 2001. – С.27.

²⁷Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий. М.: Изд-во МГУ, 2000.– С.26.

Демак ҳозирда бутун жаҳонда кечаётган туб ўзгаришларни кузатган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, уч асосий ҳолат:

- ихтисослашув;
- тижорийлашув;

- хусусийлашув журналистлар фаолиятига, уларнинг ижодий маҳоратига ўз таъсирини кўрсатди. Буларнинг оқибатида ОАВда товарлар ва хизмат турлари рекламаси кўпайиб, ундан тижорат мақсадида фойдаланиш кучайди. Жамоатчилик талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кўрсатувлар тайёрлашга киришилди. “Аудиториянинг дам олишни исташи ва яхши кўриши”²⁸материалларда ҳам ўз аксини топди. Мусиқа, кино, шоу-бизнес билан боғлиқ бўлган кўнгилочар лойиҳалар тармоғининг кенгайгани замонавий журналистикага ўзгаришлар олиб кирди.

Телевидениенинг ахборот тарқатиш вазифаси ахборот дастурлари ривожининг уч ҳолатида акс этди

1. Турли мавзулардаги янгилик ва хабарлар етказишга мўлжалланган ахборот дастурларига бир қадар эътибор ошди.

2. Тор соҳадаги хабарларни етказишга ихтисослашган дастурлар пайдо бўлди.

3. Янгиликлар каналлари ташкил топди.

Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг миллий урф-одатлар, анъана ва кадриятларга бўлган эътибор ўсди. Бу босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида ҳам ўз аксини топди. Ўтган йиллар давомида **маданий-маънавий вазифа**ни ўзида ифодалаган телевизион лойиҳалар дастурлардан алоҳида ўрин эгаллай бошлади. Миллий кадриятлар, урф-одатлар, ўзбекона таълим-тарбия масалаларига бағишланган, бошқача айтганда ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган дастурлар сони ортди. Аудиовизуал журналистиканинг ёш авлод тарбиясига, миллий ва умуминсоний ахлоқнинг шаклланишига катта таъсири борлиги инобатга олиниб шу йўналишдаги “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Бир ўлка-ки”, “Одамлардан бири”, “Яхшилик”, “Минг бир ривоят”, “Денгиздан томчи”, “Меҳр кўзда”, “Маънавият”, “Олтин бешик” сингари кўрсатувлар яратилди.

Телекоммуникация соҳасидаги инқилоб натижасида айрим давлатлар яширмоқчи бўлган ахборотдан шу давлат аҳолиси хабардор бўлмоқда. Телекоммуникация чегара билмайди, сиёсий тузумни ҳам танламайди. Инсоннинг ахборотга бўлган қизиқишини сўндириш асло мумкин эмас, балки уни қондириш кераклигига кўпчилик амин бўлиб бормоқда.

Телевидение амалиётчиси И.Абдухолиқов ўз маърузаларининг бирида қуйидаги воқеани эслаб ўтади: 1980 йил... Москва... иттифоқ республикалари давлат телерадиокомитетлари раислари, марказий телевидение ва бутуниттифоқ радиосининг жойлардаги мухбирлари пунктлари мудирлари кенгашида Арманистон Давлат телерадиокомитети раиси шундай деган эди: “...Эрон билан мамлакатимиз (Арманистон) чегараси ҳудудида мафкурамизга тўғри келмайдиган, асосан АҚШ телекўрсатувлари намоиш этилмоқда. Миллий кўрсатувларимиз Америка теледастурлари билан рақобат қилолмайди.

²⁸Уэбстер Ф. Теории информационного общества. Пер с англ. М.В.Арапова, Н.В.Малыхиной. Под ред. Е.Л.Вартановой. – М.: Аспект Пресс, 2004. – С.198.

Телетасвирларимиз сифати анча паст ва радиосигнал узатгичларимиз уларникидан анча камқувватли. Агар тез орада уларга қарши курашни бошламасак, қудратли узатгичларни ўрнатмасак, ахборотни фақат улар тарқатса бу нимага олиб келишини, бизни нима кутаётганини ва охири нима бўлишини айтиш қийин. Бизга Иттифоқ ҳукуматининг, давлат ТРКСининг зудлик билан моддий техник ёрдами зарур”.

Ёрдам кўрсатилмади... Бироз ўтиб Американинг “Интелсетъ” сунъий ер йўлдоши орқали бутун дунёга АҚШ теледастурлари намоёиш этила бошланди. Параболик антенналар пайдо бўлди. Космосдан туриб бутун Иттифоқ ҳудудига ахборот ёғила бошлади. Иттифоқ каналлари дастурларида Ғарб тенденцияларига хос ўзгаришлар содир бўлди ва бу ҳозирги кунгача давом этмоқда. “Французский поцелуй”, “Любовь с первого взгляда”, “Каникулы в Мексике”, “Love машина”, “Следующие” сингари кўрсатувлар Шарқ менталитетига мутлақо зид ҳисобланади. Бундай теледастурлар жамоатчиликни безовта қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов “Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио-телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмақда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темир девор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди.”²⁹ деган фикрларни билдирган эдилар. Глобаллашувнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига кўрсатаётган салбий таъсири эфирга узатилаётган телевизион кўрсатувларда намоён бўлади. “Оммавий маданият”га берилишнинг салбий оқибатлари ёш авлоднинг ўзини тутиши, муомала маданияти, кийиниш услуби, бир сўз билан айтганда – маънавиятида ўз аксини топади. “Оммавий маданият” Ғарб дунёсида ўтган асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Уни Ғарбда “популяр” ёки қисқартирилган ҳолда, “поп-культура” (яъни “оммавий маданият”) деб аташади. Гарчи “маданият” деб аталса-да, аслида, туб мазмун-маъносига, мақсад-ниятига кўра “оммавий маданият” чинакам маданиятнинг кушандасидир. Мутахассислар (файласуф ва социолог олимлар)нинг фикрича, ҳали илм-фанда “антикультура” (“ғайримаданият”) деган илмий тушунча шаклланмаганлиги учун “Поп (оммавий) маданият” тушунчаси, ночорликдан қўлланилмоқда. Чунки, “оммавий маданият”, аслида маданиятсизлик, яъни маънавиятсизлик ва ахлоқсизлик синонимидир”³⁰.

Кўрсатувларда хориж каналлари дастурларига кўр-кўрона таклид қилиш, миллий менталитетни инобатга олмаслик, телевидениенинг анъанавий мақсад ва вазифаларини тўла эътиборга олишнинг бузилиши каби айрим масалалар кўзга ташланмоқда. Мавжуд муаммолар илмий-тадқиқот нуқтаи назаридан ўрганишга муҳтож бўлиб, уларни бартараф этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан саналади. Биринчи Президент таъкидлаганидек: “Ҳозирги вақтда кўз ўнгимизда дунёнинг геополитик, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-

²⁹ Каримов И.А. Юсак маънавият – енгилмас куч. Маънавият, Т.: 2008. - Б.114.

³⁰ Сафаров М. “Оммавий маданият”– маънавият кушандаси”, info.islom.uz “Маърифат” газетаси.

коммуникация манзарасида чуқур ўзгаришлар рўй бераётган, турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, барчамизга аёнки, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.”³¹. Телевидениенинг **мафкуравий вазифаси** ана шу баҳс ва тортишувларда намоён бўлади.

Телевидениенинг баркамол авлод тарбиясидаги ўрни юқорилиги кейинги йилларда яққол намоён бўлмоқда ва унинг **бирлаштирувчи (интегратив), ташкilotчилик** вазифалари чиқишларда кенг акс этмоқда. Наркомания, ОИТС, чекиш, терроризм каби бугун бутун дунёни ларзага солаётган иллатларга қарши қаратилган кўрсатувларга дастурларда кенг ўрин берилди. Бу иллатларнинг хавфи, қора доғлари ёш авлод камолотига ғов ясайди. Кўплаб кўрсатувларда бу мавзуларда махсус баҳслар ташкил этилди. 80-йилларда миллий телевидениеда ўсиб келаётган ёш авлоднинг қизиқишларини ўрганиш, томошабинлардан келаётган хатларни умумлаштириш мақсадида ташкил этилган, давримизнинг долзарб муаммоларини ўртага қўйиши билан ажралиб турадиган “Баҳс” кўрсатувида конкрет мисоллар билан унинг ижтимоий томонларини очиш, сабаб ва оқибатларини таҳлил қилиш кўзга ташланади: “...лоқайдлик, ичкиликбозликни фoш этган сонлари телеэкран қаршисида ўтирган ҳар бир томошабини кўрсатувнинг бевосита иштирокчисига айлантирди”³². Хориж телеканаллари тажрибасидан шу маълумки, маълум ғоя ва қарашлар атрофида бирлашган гуруҳ ва жамоалар оммавий тарзда хавф солаётган иллатларга қарши бош кўтаради. Бу тажриба миллий телеканалларда ҳам қўлланган. Мисол учун, А.Аброрхўжаевнинг “Ёшлар” телеканалида бир неча йил узлуксиз эфирга чиққан “Саломат бўлинг!” телелойиҳаси доирасида 2001-2003 йилларда мактаб, коллеж, олий ўқув юртларида иллатларга қарши ёшлар шиор ва чақириқлар билан бирлашиб оммавий кураш ташкил этилган. Ташаббус билан чиққан таълим муассасаларида иллатларга қарши расм, шеър, ҳикоя, театр томошалари танловлари уюштирилган. Бунда телевидениенинг ҳам бирлаштирувчи, ҳам рекреатив функциялари яққол кўринган. Кейинги босқичда рекреатив вазифа аҳамияти янада ортиб, пойтахтимиздаги “Туркистон” санъат саройида чекишга қарши хайрия концерт шаклидаги махсус акция, яъни шоу ташкил этилиб, унда ёшлар ва жамоатчилик эътиборига тушган санъаткорлар таклиф қилинган. Эътиборли томони, дастурга ташриф буюрган меҳмонларнинг биронтаси чекмаслиги, чекиб юрганлар кираверишда сигарет қутиларидан воз кечиб, махсус ясатилган ахлатга улоқтиришлари шарт қилиб қўйилган. Дастур якунида бу ахлат қутиси иштирокчилар кўз олдида ёкиб юборилган.

Телевидениенинг **маърифий вазифаси** жамоатчилик билим ва дунёқарашлари ошишига хизмат қилади. Ўзбекистон телевидениеси тарихида ўқув кўрсатувлари алоҳида ўрин эгаллаган. Ижтимоий-гуманитар, аниқ фанлар, чет тилларини ўргатишга йўналтирилган махсус дастурлар эфирга узатилган. Ҳозирда миллий каналларда бундай дастурлар унча кўзга ташланмасада, интеллектуал салоҳият ривожига ҳисса қўшувчи “Заковат”, “Интеллектуал

³¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Маънавият, Т.: 2008. – Б.119.

³² Ўтаев Ў. Телевидение – давр кўзгуси. Т.: “Ўзбекистон”, 2010. – Б. 46-47.

ринг”, “Ўйла, изла, топ!”, “Зийрак” каби ўйинлар маърифий хусусиятларни ўзида ифода этган.

Миллий телеканаллар аудитория талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда дастурлар тайёрлаш жараёнида ахборот оқими кўпайди, ҳаётнинг, одамларнинг яшаш сурати тезлашди, тезкорлик инсон ҳаётининг барча ҳолатларига кириб келди, стресс ҳолатлардан тезроқ чиқишга бўлган хоҳиш-истак ҳамда ташқи ахборот оқимининг кишилар онгига бўлган таъсири кучайди, аҳолига ахборотнинг шиддатли оқими орасида яшаш қийинчилик туғдира бошлади. Натижада асабийлик, ёлғизликка мойиллик кучайиб, ҳаётий муаммолар гирдобидан беталофат чиқиш хоҳиши кундалик заруриятга айланди. Мана шундай шароитда давр, замон ОАВ, хусусан энг таъсирчан ва кенг аудиторияга эга бўлган ТВ зиммасига масъулиятли вазифаларни кўйди. Ҳаётнинг ўзи тележурналистикадан мутлақо янгича ишлашни тақозо этди. Кенг маънодаги дам олиш кўрсатувлари мазкур зарурият асосида оммалаша бошлади. Телевидениенинг **рекреатив вазифаси** ана шу тўлқинда, қайд этилган эҳтиёжлар силсиласида вужудга келди, шаклланди ва ривожланди.

Рекреатив (лотин тилидан олинган бўлиб *recreatio* - тиклаш) – дам олиш, кўнгил очиш, ҳар хил стрессларни йўқотиш деган маъноларни англатади.³³ Бу ҳақда дунё олимларининг кўплаб фикр-мулоҳазалари мавжуд бўлиб, жумладан немис олими Петер Винтерхофф-Шпурк кўнгилочар кўрсатувлар телевидение дастурларидан кенг ўрин эгаллаётгани, уларнинг янгича шакллари пайдо бўлаётганини таъкидлаб: “Ҳаттоки, дам олишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган бошқа йўналишдаги дастурлар (мисол учун, янгиликлар, ахборот дастурлари, сиёсий баҳслар, таълимга оид кўрсатувлар) ўз жанр хусусиятини бирмунча ўзгартирди. Улар ахборот – дам олиш, ҳужжатли – дам олиш, таълимий – дам олиш дастурлари сифатида намоён бўлиб борапти,” – деб ёзади.³⁴ Олимнинг таъкидлашича, кўрсатувлар аудиториянинг дам олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга ҳам хизмат қилмоқда. Демак, экран рўпарасидаги томошабинлар тафаккурида ҳам фавқулодда, кутилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ахборотдан хабардор бўлиш истаги билан бирга, дам олишга бўлган эҳтиёжи ҳам ошди. Телевизион журналистика назариясида, телевидениенинг ахборот тарқатиш, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, таълимий, мафкуравий каби вазифалар қайд этилган бўлиб, шу даврга қадар унинг ахборот тарқатиш вазифаси етакчилик қилаётган бўлса, эндиликда ТВнинг рекреатив вазифаси устунлик қилаётибди.

Миллий телевидениемизда эфирга узатиладиган рекреатив дастурларнинг асосини :

- мусикий кўрсатувлар;
- ҳажвий кўрсатувлар;
- ток-шоулар;
- интеллектуал ўйинлар;
- бадий фильмлар ва телесериаллар ташкил этди.

³³ Кузнецов Г.В, Цвик В.Л,Юровский А.Я. Телевизионная журналистика. Изд-во МГУ. 4-е изд. М.: 2002.- С.52

³⁴ Петер Винтерхофф-Шпурк. Медиапсихология. Основные принципы. Пер.с нем. Харьков: Изд-во Гуманитарный центр, 2007. - С.253

Давлат ёки нодавлат, марказий ёки вилоят канали – бундай қатъий назар мазкур йўналишдаги дастурлар бугунги кунда эфир вақтининг асосий қисмини банд қилмоқда.



Кўрсатув қайси жанрда тайёрланмасин ёки қандай вазифани бажармасин, бундан қатъий назар, уни тайёрлашга қўйиладиган муайян талаб ва меъёрлар бор. Булар телемахсулотнинг сифатига таъсир кўрсатади. Кейинги мавзуларда ана шу талабларни бирма-бир кўриб чиқамиз.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Телевидениенинг асосий вазифаларини санаб ўтинг?
2. ТВнинг ахборот тарқатиш вазифасининг жаҳон телеканалларида тутган ўрни қандай?
3. ТВнинг мафкуравий вазифасига изох беринг?
4. Кўнгилочар кўрсатувлар ҳақида маълумот беринг ва улар ТВ илмида қандай аталади?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси, <http://uza.uz/oz/politics/tan-idiy-ta-lil-atiy-tartib-intizom-va-shakhsiy-zhavobgarlik-16-01-2017>
2. Винтерхофф-Шпурк П. Медиапсихология. Основные принципы. Пер.с нем. Харьков: Изд-во Гуманитарный центр, 2007.
3. Голядкин Н.А. ТВ информация в США. – М.: ИПК работников телевидения и радиовещания, 1995.
4. Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий. М.: Изд-во МГУ, 2000.

5. Зорков Н.Н. Инфотейнмент на российском телевидении
<http://www.relga.ru/Environ/WebObjects/tgu-www.woa/wa/Main?textid=735&level1=main&level2=articles>
6. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
7. Karimov A. Types and trends of recreational journalism, “Филология масалалари”, Т.: 2016 йил 2-сон, -Б.82-85.
8. Картозия Н. “Программа “Намедни”: русский инфотейнмент» // Меди@льманах. – 2003. – №3.
9. Копкизи Е. Холдинги и шоу убивают умную журналистику, <http://365info.kz/2015/07/kto-prevratil-zhurnalistiku-v-instrument-agitacii-propagandy/>,
10. Кузнецов Г.В, Цвик В.Л, Юровский А.Я. Телевизионная журналистика. 4-е изд. М.: Изд-во МГУ, 2004.
11. Михайлов С.А. Журналистика Соединенных Штатов Америки. – СПб.: Изд-во Михайлова В.А., 2004.
12. PR-гlossарий // PR-клуб Московской Международной Бизнес Ассоциации. – <http://www.mibas.ru/Mibas/idp/clubs/pr/spellshock/ar...>
13. Система Средств Массовой Информации России. Под редакцией Я.Н.Засурского. М.: Аспект Пресс, 2001.
14. Тошбоев О. Глоблалашув ва миллий маданият. Тафаккур, 2006. 1-сон.
15. Уэбстер Ф. Теории информационного общества. Пер с англ. М.В.Арапова, Н.В.Малыхиной. Под ред. Е.Л.Вартановой. – М.: Аспект Пресс, 2004.
16. Шефер А. Журналистика в современном мире, <http://journalisti.ru/?p=40279>.
17. <http://kun.uz/news/2017/04/04/uzmtrk-raisiga-urinbosar-tajinlandi>
18. <http://dia.uz/uz/yangiliklar/ozbekiston/2017/04/04/prezident-tanqididan-song-jonlanish-axborot-jonli-efirda>
19. <http://sputniknews-uz.com/news/20170417/5211239/Tahlilnomadagi-nou-xau-ozbekistonliklarni-hayratlantirdi.html>
20. <http://kun.uz/news/2017/05/04/uzbekistonda-angi-uzbekiston-24-ahborot-talilij-telekanali-taskil-etiladi>

2-ДАРС 2-МАЪРУЗА

Мавзу: Телевидениенинг ОАВ тизимида туган ўрни ва телевидениеда журналистик фаолият турлари

Режа:

1. Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари
2. Тележурналистга қўйилаётган талаблар.
3. БЖРТМ формуласи
4. ТВда журналистик фаолият турлари

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Тележурналист;
- ✓ Репортаж;
- ✓ Интерактив;
- ✓ Режиссёр.

1. Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари

Телевизион журналистика нима? Уни оммавий ахборот воситаларининг бошқа турларидан фарқи нимада? Тележурналист бўлиш учун инсон қандай қобилият ва хислатларга эга бўлиши керак, қандай талабларга жавоб бериши лозим? Телевидение назариясининг асосларини нима ташкил этади? Уни ўқиш, ўрганиш, пухта ўзлаштириш учун талабаларда қандай қилиб жиддий иштиёқ, қизиқиш уйғотиш мумкин?

Телевидениенинг ўзига хос хусусиятлари нимада? Маълумки, телевидение асарлари бошқа ОАВ материалларига қараганда анча мураккаб бўлиб, энг замонавий электрон техника воситалари ёрдамида яратилади. Космос орқали, сунъий ер йўлдошлари ёрдамида телевизион тасвирни узоқ масофага узатиш, кўчма телевизион станция (КТС), видеокамера имкониятлари ниҳоятда кенг ва улар ёрдамида ҳақиқатдан ҳам мўъжизалар яратиш мумкин! Яна бир муҳим мавзу – бу телевизион тасвир билан сўз мутаносиблигига қандай эришишдир. Электрон монтаж ва ўғридан-тўғри репортаж ҳам ТВда муҳим аҳамият касб этади. Нима учун репортаж энг оммабоп телевизион жанр деб тан олинган?

Ташвиқот ўзи хизмат қилаётган сиёсатдан яхши, ундан пухтароқ бўлиши мумкин эмас, деган қадимги бир ҳақиқат бор. Жаҳон амалиётида ТВ га мафкура яратиладиган, уни шакллантирадиган даргоҳ, қурол сифатида эмас, балки турли ижтимоий-сиёсий дунёқарашларни томошабинларга етказадиган, ташвиқот қиладиган оммавий ахборот воситаси деб қаралади.

Кўрсатувларда ҳаётни ёритишда катта ҳақиқатдан келиб чиқиб ёндашиш, кенг халқ оммаси мақсадларини кўзлаб ҳаракат қилиш билан бирга ички шахсий, худбин манфаатларини илгари суриш, шароитга мослашиш ҳоллари, томошабинлар орзу-умидлари, ишончлари, эзгу мақсадлари бир томонда

қолиб, реклама бериш, “хомийлик қилиш” ниқоби остида ОАВни ўзларининг тор мақсадларига хизмат қилдириш, тўла назорат қилишни қўлга олиш ҳоллари ҳақида ҳам гап боради.

ТВ турли ижтимоий-сиёсий доираларнинг, катта мулк ва капитал эгаларининг давлат ва ҳукумат билан, хусусий бизнес тарафдорлари билан халқ манфаати ва сиёсий партиялар нуқтаи назарлари баъзида шафқатсиз тўқнаш келадиган даргоҳдир. Шу сабабдан уларнинг ҳар бири ТВ нинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўзлаштиришга, ТВ да ташвиқот сирларини яхшироқ эгаллашга, телекомпанияни қўлга олишга ҳаракат қилади. Бу айниқса давлат ва ҳукумат органларига сайловлар даврида кўпроқ ўз ифодасини топади. Шу сабабли кўп давлатларда бу ҳолат ва меъёрлар махсус қонун ва ҳужжатларда ўз аксини топган.

Телевизион журналистика, бир сўз билан айтганда, замонавий электрон техника воситалари ёрдамида яратиладиган сиёсат ва амалга ошириладиган ижодиётдир. Телекўрсатув ёки телефильм аниқ ижодий гуруҳ махсули бўлиб, у маълум сиёсий, ижодий ва техник талабларга жавоб бериши керак.

Телевидение бу оғзаки нутқ, кадрда кўрсатув олиб бораётган шахснинг тили, лексикаси, сўз бойлиги, эфирда чиройли фикрлаш қобилияти ҳамдир. Оғзаки нутқ эса ўз қонун-қоидаларига, ички қурилиш структурасига эга. Дейлик, яхши кўрган қизи билан учрашувга чиққан йигит ўз муҳаббат сўзларини қоғозга қараб ўқиб берса, қиз йигитни устидан қулган бўлур эди. Айни бир пайтда йигит шу қоғозни мактуб қилиб севгилисига юборса бу ўқилган сўзлар, қиз қалбини сеҳр билан чулғаб, дил-дилигача бориб етган бўлар эди.

Агар ўқитувчи ўз дарсини китобга қараб ўтса, бундан ўқувчининг ҳурмати ўқувчилар олдида юқори бўлмас эди. Бирон-бир ғояни тарғибот қилаётган шахс, “ҳа” деганда қоғозига қараб гапирса у ҳеч кимда бу ғояга нисбатан қизиқиш уйғота олмас эди. Агар бирон киши судда қоғозга қараб кўрсатма берса, бу кўрсатмага ҳеч ким ишонмайди.

Уйдан олиб келган қоғозидан кўзини узмай маърузасини ўқиган лектор энг ёмон маърузачи деб айтилади. Агар шу маъруза чоп этилса у жуда ҳам қизиқ, ибратли маъруза бўлиши мумкин. Бу маъруза маъноси юзаки бўлганлиги учун эмас, балки ёзма матн кафедра минбаридан туриб ўқилганлиги сабабли у қизиқ бўлмаган.

Сабаби нимада, сабаби жонли мулоқотга кириш имконияти бўлмаган тақдирдагина ёзма матн билан алоқа ўрнатиш лозим. Бу ҳолда матн ёзма нутқ муаллифининг номидан унинг фикрини билдирувчи унсур вазифасини бажаради. Муаллиф ўзи гапириши мумкин бўлган жойда ёзма матн халақит беради.

Адабиёт ҳам бир даврлар ёзма ҳолда бўлган. Ёзма адабиётдан аввал халқ оғзаки ижоди мавжуд эди. Бадиий ижод аҳли: шоир, ёзувчи, бахши, оқин, эртаки, нотик, воиз шаклида фаолият кўрсатишган. Одамлар саводини чиқариб, ёзиш-чизишни ўрганганда ҳам ўқиш учун китоблар кам бўлганлиги, ҳаттотлар хизмати қиммат бўлганлиги сабабли адабиёт оғиздан-оғизга ўтиб ривожланган, хизмат кўрсатган.

Шундан сўнг босма дастгоҳ кашф қилинди. Инсон 500 йил давомида эҳтироссиз, овозсиз, шовқинсиз ўз фикри, мақсадини билдиришга, жонли нутққа ўрганди.

Буюк адабиётлар, эҳтиросли публицистика, катта илмий асарлар пайдо бўлди. Лекин, уларнинг биронтаси оғзаки нутқ кучи, қудратини, унинг нафосати ўрнини боса олмади.

Одамлар мана даврлар оша барибир инсон билан жонли мулоқотда бўладиган – нотик, маърузачи, ўқитувчи, воиз, моҳир тарғиботчи-ташвиқотчи, бахши, оқин, оғзаки нутқ усталарини эъзозлаб қадрлаб келмоқда. Адабиётнинг буюк ёзма турлари, шакллари пайдо бўлса ҳам жонли сўз ўзининг ибтидо жозибасини йўқотгани йўқ. Йўқотмаса ҳам керак.

Даврлар ўтиб бормоқда. Инсон ҳам оғзаки нутқ талабларини, ҳам ёзма матн талабларини ўрганмоқда. Ўз фикрини тўғри, образли, киши онги ва қалбига етиб борадиган ҳолда сўзлашга, чиройли ёзиш ва гапиришга ўрганмоқда.

Радио ва телевидение ҳаётимизда мустаҳкам ўрин эгаллай бошлагани боис, адабиёт билан публицистика мураккаб ҳолатга тушиб қолди. Янги техник имкониятлар жонли сўзга (оғзаки нутққа) ўзининг дастлабки шакли ва мазмунини қайтармоқда. Фақат энди уни ўн минг киши эмас, миллион-миллион кишилар бир йўла сўзнинг пайдо бўлишига, фикрнинг туғилишига гувоҳ бўлмоқда. Бу эса ўзининг буюк сеҳрловчи кучига эга.

Адабиёт билан публицистика эса ҳамон ёзма ҳолда, шпаргалка шаклида фаолият кўрсатмоқда.

Йўқ, биз оғзаки нутқ, ёзма нутқни бекор қиляпти, деб айтаётганимиз йўқ. Рақамлар билан ғиж-ғиж тўла дипломатик нота, телеграмма ёки маърузани ёддан айтишнинг хожати ҳам йўқ.

Муаллиф саҳнага чиқиб романдан парча ўқиб бермоқчи бўлса унга: “...Йўқ, сиз гапириб беринг!” – деб ҳеч ким талаб қўяётгани йўқ. Муаллиф роман лавҳаси қандай ёзилган бўлса, сўзлар қандай кетма-кетликда битилган бўлса, тиниш белгилари қандай қўйилган бўлса худди шундайлигича ўқиб беради.

Гап шундаки, ёдлаб олинган ва хотирадан, ёддан гапириб берилаётган сўзлар ёзма матндаги сўзлар, илгариги матн, илгариги услуб эмас. Сабаби, ёзилган матн билан оғзаки нутқ структураси бир-биридан кескин фарқ қилади. Фикр билан бирга туғилаётган сўзлар, жонли нутқ структураси бошқа-бошқа. Столда ўтириб, эга-кесимини жойига қўйиб ёзилган матн мутлақо бошқачадир. Ёзилган матнда муҳими муаллиф эҳтироси ўз аксини топмайди, у ўтиб кетган бўлади. Оғзаки нутқда эҳтирос, аудитория ёки суҳбатдошингиз муносабати, унинг ҳис-ҳаяжони сизнинг нутқингизга ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ёзма нутқ бошқа, гапирган оғзаки нутқ бошқа, газетага берадиган мақола услуби бошқадир. Президентлар, раҳбарлар, депутатларнинг спичрайтерлари — махсус нутқ ёзувчилари, маъруза тайёрловчилари мавжуд. Улар бу ҳолатни эътиборга олишлари шарт. Агар улар бўлмаса раҳбар нутқининг таъсирчанлиги йўқолади. У олдига қўйган мақсадга эриша олмайди.

Шу тариқа телевидение янги оммавий ахборот воситаси сифатида оғзаки нутқнинг жозига тўла ўз услуби, ўз структурасини, ўз мантикий урғуларини яратди.

Бугунги ҳаётимизда телевидениенинг таъсир кучи шу даражадаки - Давлат раҳбарлари: Президентлар, Қироллар, Амирлар, Султонлар расмий ташриф билан сафар қилаётган мамлакатига ўз самолётларини қўниш жадвалларини

атайлаб, шу давлатдаги телевизион ахборот дастури эфирга чиқишдан биров олдин тўғри келишини режалаштирадилар. Улар юксак меҳмон учун ажратилган қароргоҳларига келасолиб телевизор орқали уни қандай кутиб олганликлари тўғрисидаги репортажни кўришни одат қилиб олганлар.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистон телевизион журналистикаси олдида принципиал янги ёндашувлар, янги талаблар, оригинал мавзулар пайдо бўлди. Янги қаҳрамонлар дунёга келмоқда. Янги ёш, талабчан, XXI асрнинг ақлли, зукко авлоди тарбияланмоқда. Улар янги, электрон ОАВ нинг ўзига хос хусусиятларини чуқур билишлари зарур.

2. Тележурналистга қўйилаётган талаблар.

“Теле-радио индустрия бозорини ривожлантириш, тижорий ва ҳудудий нодавлат телерадиостудияларнинг фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиш, бу соҳада ғоялар ва дастурларнинг ижодий рақобат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак.

Замонавий рақамли ахборот технологияларини жорий этишни жадаллаштириш зарур. Афсуски, бугунги кунда вилоятлар телеканаллари ва студияларининг моддий-техника базаси ва уларда ишлаётган ходимларнинг касб маҳорати ҳали-бери заифлигича қолмоқда”³⁵. Мамлакатимиз раҳбарининг ана шу маърузасидан сўнг олиб борилаётган ишлар кўлами ошди. Марказий телеканаллар билан бирга вилоятларда жойлашган давлат ва нодавлат телеканалларнинг моддий-техник базасини яхшилаш йўлида қатор ишлар қилинди. Журналистлар малакасини ошириш ишларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Замонавий телевидение журналистлари олдида қўйиладиган бир қанча талаблардан хабардор бўлмаган мутахассис ҳар томонлама сифатли ва мазмундор кўрсатув тайёрлай олмайди. Аудиториянинг қабул қилиши ҳам қийин кечади. Буни тўлиқ англаш учун аввало телевидениеда бошқа оммавий ахборот воситалари журналистларидан фарқ қилувчи айрим жиҳатларни яхши ўрганиш ёш ижодкорлар учун жуда зарур. Мисол учун, газета ёки журнал ходими тадбир бўлаётган жой – объектга бориб бир ўзи ўрганиши ва мақола ёзиши мумкин. Бирор-бир танқидий-таҳлилий хат-хабарда баён этилган долзарб муаммони синчиклаб текшириш ҳам муҳим натижа беради. Бир неча йил муқаддам аввал фотожурналистларнинг газетадаги ўрни бирмунча юқори эди. Бугун эса деярли ҳар бир ижодкорнинг кўлида фотоаппарати бор, ўзи суратга тушириб, газета саҳифаларига ўз фотоасарларини бериши мумкин. Демак, матбуот журналисти кўлида қоғоз, қалам ва фотоаппарат бўлса мавзунини бемалол ёритиш имкони бор. Радиожаурналист учун энг асосий қурол эса диктофон ҳисобланади. Демак, матбуот ва радиостудия журналисти яқка ҳолда истаган жойга бориб ўз ижодий асарини тайёрлаб келиши мумкин. Бу нуқтаи назардан тележурналистлар фаолияти бирмунча фарқ қилади. Яъни, тележурналист ижодий гуруҳсиз йўлга чиқолмайди. “Телевидение асосан

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сенатининг қўшма мажлисида сўзлаган маърузасидан, 2005 йил 28 январь

ахборот, маърифий ва кўнгилочар замонавий электрон техник воситасидир”³⁶. Телевизион асар бир кишининг меҳнати эмас. Ҳақиқий телеасар кўпчиликнинг ақли, иқтидори, тажрибаси билан вужудга келади.

И.Абдухолиқов ўзининг кўп йиллик тажрибасига таянган ҳолда тележурналист воқеани экранга олиб чиқишда қуйидагиларга эътибор бериш кераклигини келтириб ўтади:

- эҳтиросли сўз;
- чиройли рамзлар;
- телетомошабин ақли ва қалбига етиб борадиган тасвирлар;
- ёқимли овоз;
- характерли шовқин;
- кўрсатув моҳиятини очиқ берувчи мусиқа;
- ва бошқа ноқабал воситалар ёрдамида яратади.

Профессионал журналист:

- тасвирий санъатдан;
- кино сиру-синоатларидан;
- ёзувчилик маҳоратидан;
- мулоқот қилиш, муносабатга киришиш – дипломатия санъатидан;
- электрон техникадан ва бошқа соҳалардан яхши хабардор бўлмоғи керак.

Бу йўналишда ёзилган материаллар талабалар учун ҳам илмий, ҳам амалий нуқтаи назардан катта ёрдам беради. Назарияда билдирилган фикрлар амалиёт билан чамбарчас боғлансагина, бўлажак журналистларнинг ўз соҳасининг чинакам ва ҳақиқий устаси бўлиб етишига ёрдам беради.

Қуйида тақдим қилаётган формула соҳага киришга ҳаракат қилаётган ёшлар учун мўъжазгина йўлланма бўлади.

3. БЖРТМ формуласи

“БЖРТМ” формуласи нима?

Одатда “формула” сўзи физика, математика каби табиий фанлар соҳасида қўлланилади. Ана шу сўзни шартли равишда журналистика соҳасида ҳам ишлатиб кўрсак. Тележурналистика асослари, масс медиа типологияси ва техникаси, интерактив журналистика каби фанларни ўқитиш, машғулоти олиб боришда бу формуладан фойдаланиш анча қўл келади. Талабаларга тақдим қилинаётган бир қанча сўзларнинг бош ҳарфларидан иборат бўлган мазкур формула номи улар томонидан таҳлил қилинар экан, кўп ҳолларда “Ж – журналистика”, “Р – радио”, “Т – телевидение”, “М – матбуот” сўзлари бўлса керак деган жавобларни эшитамиз. Бу албатта уларнинг тахмини. Уларда озгина бўлса-да ўйлашга, фикрлашга, мавзунинг муҳимлиги, муаммо моҳияти тагига етишга қизиқиш пайдо бўлади. “Б” ҳарфига келганда кўпчилик жавоб топишга қийналади. Бунга жавоб топишга ҳаракат қилайлик.

“Б” нинг хосияти.

Азиз талаба! Сиз журналистикага қачон кириб келгансиз? Қандай кириб келгансиз? Кимларга ҳавас қилгансиз? Саволга жавобни ўзимдан кидирсам. 20-асрнинг 90-йилларида Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга чиқадиган “Ҳаёт қувончлари ва ташвишлари” деган кўрсатув бўларди. Кўрсатув

³⁶ Абдухолиқов И. Тележурналист устахонасидан, “Садо” газетаси, 2007 йил 1 февраль

муаллифининг юртимизнинг турли бурчакларидан тайёрлаган телекўрсатувлари, Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида бўлиб ўтган зилзила, Тожикистон Республикасининг Шалола қишлоғидаги тошқинлар оқибатига доир чиқишларига ҳавас қилиб журналистика оламига қадам қўйганман. Иккинчи, учинчи синфда ўқиб юрган кезларимда қандайдир гап тузиш керак бўлса журналист бўлишни орзу қилишимни ёзардим. Газета ҳам ўқиганмиз, радио ҳам эшитганмиз, аммо журналистикага йўл бошловчиларга ҳавас қилган ҳолда бошланган.

Катта боғимиз бўларди. Ўзбекистон телевидениеси дикторлари Насиба Қамбарова, Дилором Умарова, Фарҳод Бобожонов, Абдумўмин Ўтбосаров, Мирзоҳид Раҳимовларнинг чиқишларига ҳавас қилиб, боққа қарата, баланд овозда санъаткорларга навбат берардим. Кўзгу қаршисида туриб, уйимизга ҳар ҳафта кириб келадиган “Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз” газетасидан кўрсатувлар тартибини эълон қилардим. Бу машқлар нутқни соғлом ривожланишига, суҳандонлик маҳоратини ошишига маълум маънода хизмат қилганлигини таъкидлаш керак.

Бугун эса талаба бўлиш бахтига сазовор бўлган ёшларнинг кўпчилиги бошловчиликка кириб келган кейинги авлод вакиллари Гули Икромова, Шаҳноза Мирпўлатова, Гулмира Мусажонова, Муҳаббат Ҳамроева, Толибжон Исроилов, Илмира Раҳматуллаева сингари ижодкорларга ҳавас қилиб, журналистика оламига қадам қўйганлар. Формуламизнинг биринчи ҳарфини **бошловчилик** деб белгиласак. Замонавий тележурналист нафақат бошловчи фаолиятдан хабардор бўлиши, ўзи ҳам ана шу касб эгасининг машаққатини ҳис этиши лозим. Сценарий муаллифи кўнглидан ўтказиб ёзган матндаги ҳиссиёт, дард, қувонч – буларнинг барчаси бошловчига етганда сусайиб, камайиб кетишига йўл қўймаслик, бошловчи орқали етиб бориладиган матнлардаги жамики ҳис-туйғуларни томошабин ҳам теран ҳис этиши керак. Сизда малакали тележурналист бўлмоқ истаги бўлса, бошловчилик касби сир-асрорини ўрганинг ва керак бўлса журналист-бошловчи бўлиб фаолият кўрсатинг. Шунда сиз кўзланган 100 фоизли марранинг 20 фоизини қўлга киритасиз. Сиз ҳис қилган дардларни бошловчингиз сизча ҳис қилолмайди, барибир.

Формуламизнинг биринчи ҳарфини англадик. Иккинчи ҳарф эса “Ж” – **журналист** дегани. Нега журналист иккинчи? Одатда бошловчилар ҳақида гап кетганда уларни телекўрсатувнинг юзи деб атаймиз. Мисол учун, “Ўзбекистон” телеканалида эфирга чиқадиган “Ойдин ҳаёт” ток-шоусини актёр Рихситилла Абдуллаев билан Азиза Расулова олиб боради. Муаллифлар бутунлай бошқа одамлар. Лекин, экран қаршисидаги томошабинда кўрсатувни ана шу икки бошловчи тайёрлаган деган хулоса пайдо бўлади. Саломни ҳам, хайр-хушни ҳам, суҳбатларни ҳам улар олиб боришади. Одатда бошловчилардан мавзу ва матнни тўлиқ ўзлаштириб олиш талаб этилади. Кўпгина хориж телеканалларида бошловчилар машҳур кишилар (кўпинча актёр, шоир, адиблар) орасидан танланади ва шу орқали кўрсатув тез оммалашади. Ана шуларни инобатга олган ҳолда журналист учун кўзланган 100 фоизли марранинг 20 фоизига сценарий муаллифи – журналист нуктаи назаридан эгалик қилишини назарда тутмоқчимиз.

Телевизион асар ютуғи **режиссура, тасвирга олиш** жараёни билан боғлиқ. “Режиссёр” сўзи латин тилида “бошқарувчи” деган маънони англатади. Бироз таҳрир қилиб гапирадиган бўлсак, “режиссёр” бу – сахна, экран, эфир асарлари: театр, кино, радио, телевидение ва бошқа оммавий сахна асарларининг тўлақонли муаллифи, ижодий раҳбари, сўзга, воқеага жон бағишловчи мутахассис ҳисобланади. Муаллифнинг режиссурадан хабардор бўлиши, тасвир имкониятларини чамалай олиши дастур ютуғини таъминлайди. Мисол учун, журналист “Биринчи муҳаббат” мавзусида топшириқ олди. Биринчи муҳаббат муаллиф наздида бутунлай бошқача кечган бўлиб, масалага шу нуқтаи назардан ёндашади. Режиссёр эса буни бошқача кўради. Чунки, муаллиф имкониятлари сўзда, режиссёр имкониятлари тасвирда акс этади. Тасвирчи эса бутунлай бошқа нуқтаи назардан тасаввур қилади. Муаллифнинг ижодий гуруҳ таркибига кирувчи журналистик фаолият турларидан хабардор бўлиши кўрсатувнинг чинакам муваффақиятини таъминлайди. Журналистнинг **монтаж** жараёнидан хабардор бўлиши кўрсатув сифатини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Замонавий журналистика ижодкордан универсалликни талаб қилмоқда. Журналист кўлида камера бўла туриб, тасвирчи йўқлиги учун ҳодисанинг тасвирга олинмаслиги бугунги кунда кечирилмас ҳолдир. Хориж телеканалларида уяли алоқа воситалари, оддий видеокамералар орқали тасвирга олинган ўнлаб янгиликлар эфирга берилмоқда. Ижодий гуруҳ зиммасидаги вазифаларни бугунги кунда биргина журналистнинг ўзи ҳам режиссёр, ҳам тасвирчи, ҳам бошловчи, ҳам монтажчи бўлиб амалга оширмоқда. Бу ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган замоннинг талабига айланмоқда. Қуйидаги жадвалда тақдим этилган бешала фаолият туридан журналист хабардор бўлмаса, уни замонавий, маҳоратли журналист деб бўлмайди. Жадвал орқали ҳар бир ижодкор ўз-ўзини баҳолайди.

Фаолият тури	Бошловчи	Журналист	Режиссёр	Тасвирчи	Монтажчи
Энг юқори балл	20	20	20	20	20
Ўз-ўзига объектив баҳо					

4. ТВда журналистик фаолият турлари

Муҳаррир - (продюсер) – ижодий жараён ташкилотчиси.

Телемухбир - (телерепортёр).

Телешарҳловчи(телекомментатор) ва телетаҳлилчи (телеобозреватель)

Бошловчи, суҳбат олиб боровчи, шоумен, модератор

Ахборот дастури бошловчиси. Анкерман - "Муҳитни шакллантирувчи шахс", “янгилик жарчиси”.

Ток-шоу (томоша-мулоқот) шаклида олиб борилаётган дастур хусусиятлари олиб борувчи шоуменнинг тезкор, ақлли ва нозик-нафис реакцияси, сўз бойлиги ва артистик маҳорати, кўрсатувларнинг тили ва услуби. мулоқотнинг фаол ва сушт иштирокчилари билан эфирда ишлаш йўл-йўриқлари. Ошкора нотиклик маҳорати. Тингловчининг нуткий фаоллиги. Бошловчининг ижтимоий онгни шакллантиришдаги, уни бошқаришдаги роли ва ҳуқуқий чегара масалалари. Бошловчи – ижтимоий нотик, ширин суҳбатдош, саволга тутувчи (интервьюер) сифатида. Аудиториянинг мулоқотга муносабатини фаоллаштириш масалалари. Мулоқотнинг техник воситаларга асосланганлиги ва улардан унумли фойдаланиш. Нуткий алоқа ҳамкорлиги масалалари. Макон ва замон бирлиги. “...Воқеа шу ерда, шу пайтда содир бўлаяпти ва Сиз унинг шоҳиди бўлмоқдасиз!...”

Модератор. Ўртакаш – унинг бошловчидан, олиб борувчидан фарқи нимада? Модераторнинг сўз бойлиги, малакаси ва касбий маҳорати. Аудитория эътиборини ўзига жалб эта олиш сир-асрорлари хусусида.

Ахборот дастури бошловчиси. Бошловчининг тили, билими, салоҳияти, нуткий лаёқати. Оммавий мулоқотни олиб бориш маданияти. Бошловчининг ахлоқ-одоби. Журналистнинг нуткий фаолияти ва умумий лисоний муҳит. **АҚШ телестудияларида бошловчиларни аввал ёш, ёқимтой, келишган йигит-қизлардан танлаш одат қилинган эди. Лекин, бу тажриба ўзини оқламади. Натижада бу йўлдан воз кечилиб, ёши каттароқ бўлса ҳам, нутқи бой ва равон, тажрибали, чуқур мулоҳаза-мушоҳада қила оладиган, ақлли, зиёли бошловчиларга қайтишди. Ва ниҳоят, ахборот дастурларининг рейтинги яна ошди.**

Бошловчи жисмонан соғлом, ёқимтой, ахлоқий пок, яхши ташқи кўринишга, ёқимли овозга эга, сўзларни тўғри талаффуз қиладиган, чуқур, атрофлича билими бор, ҳаётни, инсон психологиясини яхши биладиган, тўғридан-тўғри эфирда учраб турадиган турли қалтис вазиятларда ўзини йўқотмай, керакли сўз айтиб, тўғри йўл топа оладиган ва бошқа қатор ажойиб ҳислатларни ўзида мужассамлаштирган шахс бўлиши керак.

Бошловчи ҳам маълум бир мавзуда, жанрда ихтисослашиши мақсадга мувофиқдир. Шундай ҳоллар учрайдики, маиший мавзуларда ёки дейлик, портрет жанрида донг таратган таниқли журналист бирон-бир давлат арбоби ёки сиёсатчи билан яхши суҳбат уюштиролмай том маънода мағлубиятга учрайди, телетомошабинларни ғашини келтиради.

Янгиликлар борасидаги ажойиб бошловчи эса таҳлилий шарҳда ёки аудитория билан мулоқот олиб боролмай қийналади. Бундай ҳолларда режиссёрлар бошловчи билан узоқ ва тинмай ишлаши керак, уни тарбиялаши лозим. Яна бир нарсани таъкидлаш жоизки, **минг яхши ташқи қиёфага эга бўлиб яхши ёза олмаса бундай журналистдан яхши бошловчи чиқмайди.**

Бошловчилик ҳам Худо ёрлақан истеъдод. Шунинг учун ҳам Американинг оддий телемухбири 80-йилларнинг охирида йилига 100 минг доллар қалам ҳақи олса, умуммиллий телеканаллардаги бошловчиларнинг қалам ҳақи — 3 миллион долларни ташкил қилар эди.

Американинг қора танли телеюлдузи Опра Уинфри...

Опра Уинфри коллежни тугатиб Американинг энг йирик 3 та

телетармоғидан Си-би-эс каналига ишга киради. Талаба чоғидан у йилига 15 минг доллар олиб хизмат қилди. Опра Уинфрининг фиқат битта унитизи 29 минг доллар туради.

Унинг кўрсатувларини кунига Америка аҳолисининг 99 фоиз телетомошабини кўради. Бундан ташқари унинг дастурлари яна 63 мамлакатга трансляция қилинади. Бу телеюлдуз Америкада энг катта ижодий ва молиявий ютуқни кўлга киритмоқда.

АҚШ нинг “Форбс” журналининг ҳисоб-китобига кўра Опра Уинфрининг 2000-йилги иш ҳақи 150 миллион долларни ташкил этди. Сўнгги 20 йилдаги эса унинг соф даромади 800 миллион доллар бўлди.

Бугунги кунга келиб эса, АҚШнинг Forbes журнали 2017 йилнинг энг катта ҳақ олувчи телебошловчилари рейтингини эълон қилди³⁷.




Фото:

REUTERS

Бу рейтингнинг 1-поғонасини “Доктор Фил” дастурини олиб борувчи руҳшунос ва ёзувчи Фил Макгроу эгаллади. У 2016 йил 1 июнидан 2017 йил 1 июнигача 79 млн **доллар** ишлаб топган.

2-ўринни Эллен Деженерес (77 млн), 3-ўринни Райан Сикрест (58 млн) эгаллаган. Кейинги ўринларда “судья Жуди” каби маълум бўлган Жудит Шейндлин (4-ўрин, 47 млн), Саймон Коуэлл (5-ўрин, 43,5 млн), Стив Харви (6-ўрин, 42,5 млн), Билл О’Рейли (7-ўрин, 37 млн) келмоқда.

Етакчи ўнталикнинг охириги ўринларини Шон Хэннити (8-ўрин, 36 млн), Майкл Стрейхэн (9-ўрин, 21,5 млн) ва Хайди Клум (10-ўрин, 21 млн) эгаллаганлар.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. ТВнинг ОАВ тизимида тутган ўрни қандай?
2. ТВнинг асосий хусусиятларини санаб беринг?

³⁷ <http://kun.uz/97652731>

3. Тележурналистга қўйилаётган асосий талаблар нималардан иборат?
4. Журналистик фаолият турлари деганда нима назарда тутилади?
5. Тасвир ва сўз мутаносиблиги нима?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

3-ДАРС
3-МАЪРУЗА
Мавзу: Жаҳон телевидениеси

Режа:

1.АҚШ, Араб, Еврона, Марказий Осиё давлатлари, Италия, Россия, Туркия, Япония телевидениелари ҳақида маълумот.

2. Дунёнинг энг йирик медиа магнатлари (Тед Тернер, Сильвио Берлускони, Рупорт Мердок ва бошқалар).

3. Телевидениенинг ихтиро этилиши (1925-28) Тошкент. Шайхонтохур маҳалласи. Ҳамзахон опа Мирзамухаммедовлар ҳовлисида содир бўлган техник кашфиёт – мўъжиза. “Тошкент телефоти”. 1928 й. Германия рейхспочтаси ўтказган тажриба — синов телекўрсатувлари ҳақида.

4.1936 йил Англиянинг Би-Би-Си телерадиокомпанияси кўрсатувлари тўғрисида. 1939 й. Нью-Йорк... Америка Радиокорпорацияси президенти Давид Сарновнинг Умумжаҳон кўргазмасида айтган тарихий сўзлари: “...Энди биз товушга тасвирни қўшиб кўрсатамиз!”

5.Телевидениенинг жаҳон бўйлаб зафарли юриши. 1941 йилда Франция, Голландия, Япония телевидение студияларининг ишга туширилиши. Иккинчи жаҳон уруши йилларида жаҳонда ТВ кўрсатувларининг тўхтатилиши ҳақида.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Телестудия;
- ✓ Кўчма телестудия;
- ✓ Радиокорпорация
- ✓ Медиа- магнат

Урушдан кейинги дастлабки йилларда (1950 йил) телевидениени ишга тушириш учун катта маблағ, катта харажатлар талаб қилинарди. Бундай замонавий оммавий ахборот воситаси фақат Америка Қўшма Штатлари, Англия ва Совет Иттифоқида фаолият кўрсатар эди. 1952 йил Польша, Бельгия, Швейцария, 1953 йил Чехословакия, Дания, ФРГ, Италия, ГДР, 1954 йил Люксембург, телевидениелари, 1955 йил Австрия, Португалия, Швеция, 1956 йил Ўзбекистон, (Тошкент. Шайхонтохур телеминорасининг қад кўтарилиши ва Ўзбекистон телевидениесининг ишга тушиши.), 1957 йил Руминия, 1958 йил Венгрия, 1959 йил Болгария, 1960 йил Финляндия, Норвегия телестудиялари ишлай бошлади.

Шундан сўнг, Эй-Би-Си, Си-Би-Эс, Эн-Би-Си, Си-Эн-Эн, ФОКС, Евроньюс, РТФ, РАИ, Би-Би-Си каби каналлар пайдо бўлди. Японияда япон миллати миллий мафкурасига, миллий маънавиятига тўғри келмайдиган фильм ва кўрсатувларни эфирга бермасликлари тўғрисидаги махсус кўрсатма

берилган.

1982 йил. Ироқ - Кувайт уруши. Бағдод. АҚШнинг “Сахродаги бўрон” операцияси...

Америка ҳарбий самолётлари томонидан Бағдодни бомбардимон қилиш арафасида Ироқ пойтахтини барча дипломатик ва халқаро миссиялар, журналистлар ташлаб чиқиб кетишади. Лекин, Бағдодда фақат Си-Эн-Эн телекомпаниясининг мухбири Питер Арнест билан оператори қолади. Улар Бағдодни бомбардимон қилиниши ҳақида ўзлари яшаётган меҳмонхона деразасидан туриб бутун жаҳонга тўғридан-тўғри жонли репортаж олиб борадилар.

Вашингтон. Оқ уй. Президент қабулхонаси... Президентнинг ёрдамчиси АҚШ мудофаа вазирининг: “...Мени Президент билан уланг, унга айтадиган муҳим гапим бор, - деганига шундай деб жавоб беради: “...Кечирасиз, Президентни телефонга чақириб бераолмайман. Президент жаноблари ҳозир Си-Эн-Эн орқали Бағдоддан тўғридан-тўғри репортажни кўраяптилар” – деб жавоб беради.

1991 йил. Октябрь. Тошкент. Ўзбекистон СССР Олий Совет 7-сессияси. Собиқ Марказ тарбиялаган ва тезлаган партия-совет номенклатураси томонидан Ўзбекистон Президентини ағдаришга бўлган уринишлар. Тўғридан-тўғри трансляция.

1994 йил 3-4 октябр. Москва. Оқ уй. Останкино телемаркази мажмуи... Си-Эн-Эн телекомпанияси жойлашган бино томига ўрнатилган телевизион камералардан туриб бутун жаҳонга трансляция қилинган.

1998 йил 16 феврал куни Тошкентда содир бўлган портлашларни бир чет эл телекомпанияси мухбири томонидан Ўзбекистон ОАВ ларидан 17 мингунг илгари Жаҳонга берилган.

Москвадаги Россия парламенти жойлашган Оқ уйга Россия ҳукумати қўшинларининг ҳужумини танк тўплардан ўққа тутилишини, Останкинога қилинган ҳуруж ва бошқа тўполонларни жаҳон АҚШнинг Си-Эн-Эн компанияси орқали кўрган.

2001 йил 11 сентябр ... Нью-Йорк. Жаҳон савдо уйининг 110 қаватли қўшалок биноларига террорчилар бошқараётган самолётларнинг келиб урилиши.

АҚШ да 1800 даи зиёд телекомпаниялар мавжуд бўлиб, улардан бирортаси ҳам давлатга тегишли эмас. Давлат департаменти томонидан маблағ билан таъминланадиган ягона телерадиокомпания “Америка овози” бўлиб, унинг АҚШ ичкарасига ахборот тарқатиш ҳуқуқи йўқ. Давлат шунингдек ўз наشريга, радио ёки телевизион органига эга эмас. Америкада 4 та жамоатчилик умуммиллий телевидение тизими фаолият кўрсатади. Улар давлат томонидан сезиларли даражада молия билан таъминланади. Улар жамоатчилик кенгаши томонидан назорат қилинади.

Эй-Би-Си (Америкен бродкастинг корпорейшн);

Си-Би-Эс (Колумбия бродкастинг систем);

Эн-Би-Си (Нейшенл бродкастинг систем);

ФОКС телевидениеси тизими.

Америкада ОАВ ҳукумат фаолияти устидан ўзига хос “қўриқчи кўппак”

вазифасини бажаради, халқнинг кўзи, қулоғи ва тили сифатида фаолият юритади. Американинг Си-Эн-Эн телекомпанияси ва унинг эгаси Тед Тернер сувда елканли қайиқ (яхта)да учиш бўйича 1977 йилги Америка чемпиони бўлган. У телебошловчи сифатида ўз капиталини телебизнесда тўплади. Унинг отаси ҳам миллионер эди. Тернер 1970 йили Атланта шаҳридаги инқирозга юз тутаётган маҳаллий телестудияни сотиб олади. Сўнгра Ернинг суний йўлдоши орқали Америка кабель тизимига уланган барча телестудияларига ўз кўрсатувларини трансляция қилишни йўлга қўйди. 1986 йили Ти-Би-Эс (“Тернер Бродкастинг систем”) телестанцияси бори-йўғи 35 оилага хизмат кўрсатар эди. 1980 йилда Тернер “Си-Эн-Эн” (“Кейбл ньюс нетуорк”) номи билан юритиладиган янги телевизион студия ташкил этади. Шу йилдан бошлаб у Ернинг сунъий йўлдоши орқали ҳамон ўша 35 оиладан иборат аудиторияга ўз кўрсатувларини бера бошлайди.

Тед Тернер нафақат таниқли телеахборот дастури бошловчиси, балки бугунги кундаги қудратли Си-Эн-Эн умумжаҳон телеахборот тизимининг эгаси ҳамдир. У ўз ахборот дастурларини сунъий Ер йўлдошлари орқали Ғарбий Европа, Лотин Америкаси ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига трансляция қилади.

Си-Эн-Эн ўзига хос ахборот бериш услубини яратди. Битта ахборот бир суткада бир неча бор қайтарилиб, ҳар гал тўлдирилган, янгиланган ҳолда, таҳрир қилиниб бериб борилади. “...Сиз ниҳоятда бой ва обрўли шахссиз, катта давлат лавозимларидан бирига ўз номзодингизни кўрсатсангиз албатта ғалаба қозонар эдингиз, нега шундай қилмайсиз? – деган саволга Тед Тернер: “...Жаҳон жамоатчилиги фикрини шакллантириш бирон-бир давлат раҳбари лавозимига қараганда анча муҳимроқ ишдир!...” - деб жавоб беради.

Си-Эн-Эн ўз янгиликларини бугун дунё бўйича тарқатади. Нью-Йорк-Токио телекўприги ёрдамида кунига 17 соат ҳажмида Япония Си-Эн-Эн кабель телевидениес орқали ўз кўрсатувларини трансляция қилади.

Канаданинг 2 миллион телетомошабини (абоненти) Си-Эн-Эн нинг “нон-стоп” ахборот дастурини кечаю-кундуз Атлантадан қабул қилади.

Тед Тернер ўзининг умумжаҳон ахборот телехизмати “Интелсет” номли Ернинг сунъий йўлдоши орқали Италия жанубидаги шаҳар-қишлоқлардан тортиб, йўл йўлакай Франция, Шарқий Европа мамлакатларидан ўтиб, то шимолдаги Финляндиягача ахборот тарқатиш лойиҳасини таклиф этди.

Бу лойиҳа амалга ошгач “Америка овози” ёки Англиянинг “Би-Би-Си” умумжаҳон янгиликлар хизматига қараганда ҳам тезкор ва салмоқли ахборот тарқатиш хизмати бўлар эди. Европа лойиҳаси учун Тед Тернер 250 миллион доллар миқдорида маблағ ҳам ажратиш ниятини билдиради.

1985 йили Канн ва Париж шаҳарларининг энг нуфузли отелларида ўз тажрибасини синаб ҳам кўрди. Тернер ўз телеахборотини Европа мамлакатларига бепул беришга ҳам тайёр эди.

Тед Тернер ўз лойиҳаси билан Европага Американинг глобал мақсадларини, унинг турмуш тарзини олиб келмоқчи бўлди. 1985 йил 15 сентябрда Си-Эн-Эн Атлантадаги штаб хонасидан Ғарбий Европага 90 кун бепул телесигнал берабошлади.

- Тед Тернер,

- Гастон Торн,

- Сильвио Берлускони,
- Руперт Мердок,
- Жером Сайду,
- Роберт Максвелл,
- Борис березовский
- Леонид Гусинский
- Фирдавс Абдуҳолиқов
- Шухрат Аҳмедов

Буларнинг барчаси телевидение орқали аҳоли нима кўришини ҳал қиладиган медиа-магнатлар, бизнесменлардир.

Италияда Сильвио Берлускони қарамоғида 3 та телесеть мавжуд. Булар: 5-Канал, “Италия-1”, “Ретекуатро” номли телерадиокомпаниялардир.

Руперт Мердок австралиялик миллиардер бўлиб 1985 йили Америка фуқаролигини қабул қилиб, бу ерда ўз телебизнесини бошлаб юборди. АҚШнинг 20 фоиз ҳудудини қоплаган 6 та регионал телестанциясининг эгаси. У шунингдек, Лос-Анжелесдаги “XX аср – ФОКС” номли таниқли Голливуд киностудиясига ҳам эгадошлик қила бошлади.

Аҳоли дидини шакллантириш ва бизнесда катта даромад қилиш бири-бирига анча зид бўлган фаолиятдир. Америка кино ва телевидениеси мана шу икки тушунчанинг ўртасида гоҳ у томонга қараб, гоҳ бу томонга қараб чайқалиб, турадиган ОАВ, санъат турларидир.

Жаҳонга машхур киносанъаткорлар – кинорежиссёрлар Феллини, Скуола, Рози Феррари ўзларининг фильмлари телевидение орқали намойиш этилаётган найтда реклама берилиб бўлиниб тургани ва бадий асарни қабул қилиш психологик ҳолати, унинг телетомошабинларга бадий таъсири бузилаётганлиги учун Сильвио Берлусконини судга берганлар.

Италия миллий аудиториясининг 80 фоизи С.Берлусконининг 3 та канали орқали дунёда содир бўлаётган воқеалардан воқиф қилади. Берлускони кўплаб давлатлардаги телеканалларни сотиб олган. Италиялик ношир Арнольдо Дондадори ўзининг “Ретекуатро” 4-хусусий канали акциялар пакетининг ярмини 105 миллиард лира (65 миллион АҚШ долаларига яқин) Сильвио Берлусконига сотган.

Италиялик ва ватиканлик мафиялар жиноий гуруҳининг собиқ ҳазиначиси, сицилиялик банкир Микеле Синдона машхур “П-2” массонлар ложаси билан боғлиқ бўлган жанжалдан сўнг ложа бошлиги Личо Джелли мамлакатни ташлаб Лотин Америкасига қочиб кетади. Банк директори Роберто Кальвини эса Лондондаги катта кўприк остида осиб кетишади. Синдонини эса фирибгарлиги учун АҚШ да 25 йилга қамоққа ташлайдилар. Сўнгга каттиқ назорат остида қамоқ муддатини ўтаётган Синдонини ҳам захарлаб ўлдиришди.

“Монд” газетасининг ёзишича (22.XI.85 й.) “П-2” номли машхур массонлар ложаси аъзолари рўйхатида Сильвио Берлусконинг номи ҳам бўлган. Лекин, у ўзини бу жанжаллардан безавол олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлади. Берлускони банкдаги кредитини ҳам сақлаб қолаолган.

Сильвио Берлускони оддий камбағал оиладан чиққан. 1987 йили 50 ёшида у кўчмас мулк сотиш бўйича агент бўлиб ишлаган.

1985 йили у Испаниядаги 3 та энг йирик хусусий телесетнинг биттасини сотиб олиб унинг тўлақонли эгаси бўлди. Бу Берлусконига келажакда Лотин Америкаси мамлакатларига эшик очиб беради.

1985 йилнинг декабрида Берлускони 3,6 миллиард долларга Испаниядаги

кинофильмлар ишлаб чиқарадиган бир қатор етакчи хусусий киностудияларни сотиб олади.

"Монд" газетасининг ёзишича 1986 йилнинг февралида 40 % акцияларини сотиб олган Берлускони Франциянинг 5-хусусий телеканални ҳам бошқара бошлайди.

Франциядаги прогрессив жамоатчилик: "Агар биз давлат бошига келсак биринчи навбатда Берлусконини мамлакатдан ҳайдаб чиқарган бўлур эдик" - деб баёнот берадилар. Шундай қилиб 50 ёшида кўчма мулк сотиш бўйича бўлган оддий агент (1987 й.) 65 ёшга келиб (2002 й.) Италия ҳукумати бошлиғи, Италия бош вазири лавозимига кўтарилди. Бу сердаромад телебизнес билан катта сиёсатнинг уйғунлашишидан пайдо бўладиган мўъжизалардан биридир.

Италия бош вазири Сильвио Берлускони замонамизнинг энг ёрқин, энг мураккаб сиёсатчиларидан биридир. Унинг табассуми ҳақида ОАВ шундай деб ёзишади: "...Жилмайса қуёш чиққандек, ҳамма ёқ ёришиб, чарақлаб кетгандай бўлади. Бу табассум кишини беихтиёр ўз асрига олади. Хатти-ҳаракатлари ишончли, кескин. Италиянинг анъанавий сиёсатчиларига хос – ўткир сўзли".

Европа сиёсатчиларининг айримлари уни "масхарабоз", "варвар", деб мазах қилишади, Муссолинига ўхшатишади ва: "...Уни қамоқхонанинг баланд битон деворлари соғиниб ётибди", - деб заҳарханда қулишади. Сильвия Берлусконининг иши 4 марта терговда бўлган. Лекин, ҳар гал унинг ҳимоячилари ғолиб келишиб, жиноий ишдан сақлаб қолишган.

У Италиянинг энг бой кишисидир. Қурилиш бизнеси ва савдо-сотиқ ишларидан ташқари унинг қарамоғида қудратли ОАВ – телевизион тармоқ ҳам бор. Италиядаги 30 та газетани назорат пакетлари ҳам С.Берлусконининг қўлида. Душманларининг айтишларича, у қамоқдан қутулиш учунги катта сиёсатга аралашган ва Италия Бош вазири лавозимини эгаллаган. Бу гапларга қарамасдан Италияда барибир уни яхши кўришади. "Сильвио худди ўзимизга ўхшаган инсон, шунинг учун биз уни яхши кўрамыз" - дейишади италияликлар. Берлускони биронта футбол ўйинини ўтказиб юбормайди. Оддий халққа ўхшаб пиццани хуш кўради. Ўз сайловчилари билан ҳам тез-тез мулоқотга киришиб туради. Италия бизнеси тарафини олиб, Европанинг барча сиёсатчилари билан қаттиқ ва кескин баҳслашишга, ташлашишга доимо тайёр.

Берлускони Италияни мустақил, ўзига хос давлат бўлишини, сиёсатини мустақил юритишини хоҳлайди, ўз юзини йўқотиб юборишига қарши, у айниқса италияликларни европаликлар билан сингишиб кетишига кескин қарши чиқади.

Сильвио Европа маданияти Ислом маданиятидан юқори, деган ғояни илгари суради, иммиграция масаласидаги фикри уни ирқчи, деб айблашга асос берса ҳам, булар унинг обрўйини ҳеч ҳам туширгани йўқ.

Рақиблари унга гард юқмайди, - дейишади. Берлускони 3 та нарсани хуш кўради: булар – тартиб, барқарорлик ва ота-боболар анъаналаринининг муқаддаслигидир.

Италияда сўнгги 50 йилда 50 нафар Бош вазир алмашди. Йилига биттадан бош вазир тажрибасига барҳам бериш керак, дейди Сильвио Берлускони. Рақиблари уни шафқатсиз яккахокимликда, диктаторликда айблашади. У ваъда

беришда устаси фарангдир. Берлускони бажариши кўлидан келмаса ҳам халққа маъкул бўладиган сайловолди ваъдаларини беравериш керак, усулида йўл тутиб сайловда ютиб чиқди ва ҳукумат бошига келди. У мамлакатда порахўрликни тугатишга ваъда беради. Касаба иттифоқига 1,5 миллион янги иш жойи, табдиркорларга бюрократик чекловларни олиб ташлашни, ўрта қатламга эса солиқларни камайтиришни, футбол ишқибозларига ўзи қўллаб-қувватлаётган миланликларнинг севимли футбол клуби командасининг кетма-кет ғалаба қилишларигача ваъда қилди.

Журналистларининг фикрича, Италияликлар ўз бош вазирининг ваъдаларига қараганда, унинг ўзига кўпроқ ишонадилар, сабаби Берлусконининг домио омади келиб туради. Ўз бизнесини аввал мактабда шпаргалка сотишдан бошлаган С.Берлускони кейинроқ "Тадбиркорликдаги катта муваффақиятлари учун" каби мамлакатнинг энг нуфузли ҳукумат нишони совриндори бўлди.

Келиб чиқиши оддий бўлишига қарамай (унинг отаси банкнинг оддий хизматчиси эди) у Европанинг энг бой кишисига айланди. Арзон кафеларда ўтириб гап сотадиган бекорчилар: "Сильвио бахт қушининг думидан шундай маҳкам тута биладики биронта патини ҳам қўлдан чиқариб юбормайди, баччағар. У билан бизнинг ҳам омадимиз келиб қолар" – дейишади.

Ёлгон гапириб ишини битириб оладиган одамни эса бутун Италияда ҳеч ким фирибгар деб атамайди. Бунга эришмоқчи бўлган одамнинг бундай хатти-ҳаракатига шунчаки катта бир гуноҳ, дев ҳам қарамайди. Шунинг учун ҳам италияликларни энг яхши кўрган мақолида: "Агар Сен алдашни билмасанг, нимага қодирсан ўзи!" - дейилади. Бошқа бир вариантда эса: "Агар алдаш қўлингдан келмаса, нима қўлингдан келади!"

Берлускони: "... Мен сиёсатчилар билан эмас халқ билан шартнома тузганман, дейишни яхши кўради. Берлускони жуда чапани одам. Бир кун, журналистларнинг "...Бўйингиз паст бўлгани сабабли, сиз пошнаси баланд бўлган пойафзал кийиб юрасиз," - деб айтган айбловларига жавобан Италия Бош вазир хамманинг олдида шартта туфлисини ечиб, пойафзалининг пошнаси қалин эмаслигини намоиш этади.

У оддий, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган шахс. У мактабда ўқиётган пайтларида синфдошлари учун назорат ишларини ёзиб донг таратган эди. Милан университетининг юридик факультетини аъло баҳолар билан битирган Берлускони адвокат бўлишни унчалик хуш кўрмади. Ва биринчи имкониятдан фойдаланиб у ўзини бизнесга урди. Ўзининг қурилиш компаниясини ташкил этди. Миландаги "Линита" аэропорти ёнидаги катта шовқин билан қўнишга кетаётган самолётлар коридори остидаги ерларни сотиб олди. Шу ерларга ҳашаматли уйлар, маҳаллалар кураман, деганда бу "бироз ғалатироқ табдиркор" деб, миланликлар устидан роса қулишган эди. Бахтга, омадга қарангки, уйлар қурилиши тугагач, самолётлар ҳам қўниш йўналишини ўзгартирди. Шундай қилиб арзон-гаровга сотиб олган ерлар ва уйларнинг нархи осмон баробар ортади.

Берлускони ҳаётида коррупция билан боғлиқ биринчи жанжал содир бўлади. Аммо тергов жиноят мазмуни йўқлиги сабабли иш тўхтатилади. Берлускони ўзини сиёсий табдирларни ташкил этувчи шахс сифатида айниқса

ёркин намоён қилди. У янги типдаги "Италия Олға!" номли партиясини ташкил этди. Халқ ичида обрў орттириш мақсадида 80-йилларда унчалик машҳур бўлмаган "Милан" футбол клубини ўз ҳомийлигини олиб, унинг оёққа туриши учун бир йилда 20 миллион доллар маблағини сарфлади. Кўп минг сонли клубларини у сайлов учаскалари сифатида фойдаланганда эса харажатлар бир неча бор ўзини оқлади, деса бўлади.

Ўз қўли билан ташкил қилган телевидениеси эса тарғибот-ташвиқот майдонига айланди. Сайлов олдидаи ўтказилган телекўрсатувларнинг бирида, у "...Мен ўз шахсий муваффиқиятимни бутун мамлакатим, бутун халқимнинг муваффиқиятига айлантираман,- деб ваъда беради. Ва ўз сайловчилари билан ҳамкасбларининг кўзи олдида шартномага имзо чекади ва "...Мен бу контрактни ётоқхонамга осиб қўяман, сабаби мен кечаси ҳам халқимни ўйлашим керак" – дейди. Бундай сиёсатчи дунёга маъқулми, йўқми барибир у ҳақда ҳозир кўп ёзишмоқда.

Сўнгги пайтларда Сильвио Берлускони Владимир Путин билан кўп марта учрашди.

Австралия ОАВ. "Менинг компаниям - бу яхшими ёки ёмонми, бундан қатъий назар бу менинг фикрим, менинг характерим, менинг ёндошишим, менинг ўйим-ёдим, менинг кадриятларимдир". Бу, бор-бўйича, очикчасига айтилган сўзлар Жаҳон Медиа бозорининг асосий фигураси бўлган Руперт Мердокка тегишлидир.

Австралия ОАВ ларининг асосий муаммоларидан бири бу мамлакат Медиа бозоридаги барча ҳокимият битта оила қўлида марказлашганида. Мамлакат бозоридаги барча Медиа корпорациялари — Невс Корп. Руперт Мердокнинг ўғли — Лэчлэн, Бродкастинг энд Рублишинд Лтд. Кэри Пакернинг ўғли Джеймс, (Джон Фэйрфакс эса Фейрфакс директорлар кегашининг аъзосидир) қўлида мужассамлашгандир.

Руперт Мердок. Ҳозир Австралия, шунингдек, бутун Жаҳон Медиа бозорида биринчи ўринни Руперт Мердокнинг Невс Корп.Лтд корпорацияси эгаллайди. Бу Медиа магнат 1987 йили Австралиянинг "Геральд и Уикли Таймс Груп" нашриёт концернини сотиб олгандан кейин "Матбуот қироли" унвонини қўлга киритди. Айтгандек, "Матбуот қироли" деган унвон унинг ягона унвони эмас, газета ва журналларда уни тез-тез "Ахборот цирки халқаси"нинг ягона ҳукмдори, "газета шохзодаси" ёки "Австралия арслони" деб ҳам атайдилар.

Невс Корп. Дунёнинг бошқа мамлакатларида ҳам турли коммуникация корпорациялари, телевизион каналлари, радиостанциялар ҳамда "XX аср Фокс" номли Американинг бош телевидение ва кино студиясига ҳам эга. Ҳозир Руперт Мердок компанияси Австралия газета бозорининг қарийб 60 фоизини назорат қилади.

"Австралия арслони" ўзининг Медиа империяси қурилишини 1952 йили унчалик катта бўлмаган меросга қолган Невс Лимитед ноширлик компаниясидан бошлади. Бу ярим асрдан зиёд вақт муқаддам бўлиб, омма орасида кенг маълум бўлмаган ва умуман келажаги йўқ, деб ҳисобланган ишдан бошланган эди. Бу нашрга муҳолифатда бўлган газета эса агар Мердок

ва унинг онаси бу нашрни арзон баҳода ўзлари сотиб юбормасалар Мердоклар оилавий бизнесини умуман йўқ қилиб юборамиз, деб дағдаға қилувчи хат юбордилар.

Шунда ҳали ёш бўлган Мердок қора-бозорнинг ёзилмайдиган барча қонун-қоидаларни бузиб, шундай йўл тутди. У ўз газетасининг биринчи саҳифасида: "Матбуот монополиясига дағдаға!" сарлавҳа остида муҳолифларининг хати матнини эълон қилиб юборди. Мердок мақолада онасига юборилган яширин хатнинг фотокопиясини ҳам беради. Мердок бу мақоласи билан Аделаиданинг нуфузли деб ҳисобланган клублари эшикларини ўзига ёпиб қўяди. Аммо газеталар ўртасида авж олган жангда у ғолиб чиқади, кейинроқ эса у ўз муҳолифини синдириб ўзига қўшиб олади ҳам.

Ёш Руперт Мердок шундай одам эди. У барча қонун-қоидаларни бузадиган, ҳеч нарсадан тап тортмай қўл остида бор бўлган барча имкониятлари билан уруш олиб борадиган ва қарийб ҳар гал ғолиб келадиган шахс эди. Мердок учун ишбилармонлар дунёси бу қонун-қоида нима эканлигини билмайдиган, уни тан ҳам олмайдиган, лекин ҳар бир дарахт орқасида битта хавф турган джунгли эди. Бу джунглига кирар экан Мердок ўз олдида битта, у ҳам бўлса шу дунёдаги "ҳайвонларнинг подшоси" бўлишдек мақсадни қўяди. Унинг худди ўша мақсади, нияти Невс Корпорейшен компаниясини битта кишига тўла бўйсинадиган жаҳондаги энг йирик ОАВ империясига, кўнгил очадиган ва хордиқ чиқарадиган энг катта ва ягона индустрияга айлантиришга имкон берди.

1964 йили Невс Лтд. "Острейлиен" номли ҳар куни чиқадиган Австралиядаги биринчи миллий газетасини чоп эта бошлади. 60-йиллар охирида у Невс оф Ве Ворлд ва Ве Сун каби иккита инглиз газетасини сотиб олиб Буюк Британияга юриш бошлади. Невс Корп "Острейлен" газетасидан ташқари яна юзлаб бошқа газеталарни чоп этади. Бундан ташқари унинг Англияда яна 5 та газетаси бор. Уларнинг орасида 1981 йили сотиб олган Лондонда чиқадиган энг нуфузли "Таймс" газетаси ҳам мавжуддир.

1985 йили Американинг 13 та журнаlinesи сотиб олади. Улар орасида "Нью-Йорк пост", "Чикаго Сан Таймс" каби энг нуфузли газеталар ҳам бор. Мердок сўнгги пайтларда диққатини телевидениега қаратди. 1985 йили компания АҚШда телевидение кўрсатувлари ҳамда кинофильмлар ишлаб чиқарадиган ХХ аср Фокс компаниясини сотиб олди. 1986 йили Невс Корп. Американинг 4-умуммиллий телевидение тармоғини ташкил этиши ҳақида эълон беради. 1987 йили эса ҳафтада бир марта эфирга чиқадиган прайм-тайм (тиқилинч пайт) кўрсатуви пайдо бўлди. Хозир эса, Американинг ABC, NBC, CBS каби учта энг йирик умуммиллий каналлари билан бемалол рақобатлашаоладиган телеканаллардан бирига айланди. Мердок пайдо бўлгунга қадар Америка медиа бозорида у билан беллаша оладиган биронта телеканал бўлмас эди. Мердок эса бу анъаналарни бузишга муваффақ бўлди.

Даромади пасайиб кетаётган компания ўз рейтингини сақлаб қолиш мақсадида бепул, текин газета нашр этишга қарор қилди. Бир компания текин газета чиқара бошлагандан кейин, иккинчи газета ҳам текин газета чиқара бошлади. Лекин, бу рақобатдан фойда бўлмагач, улар ўзаро келишишга мажбур бўлдилар. Шундай қилиб компаниянинг бири эрталаб бепул газета чиқарса

иккинчиси тушдан кейин чиқара бошлади. Бу рақобатнинг нима билан тугаши номаълум. Буни вақт кўрсатади.

ЯПОНИЯ телевидениеси сўнгги йилларда ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳулосасига кўра, японияликлар кунига 3,5 соат телевизор кўрадилар, газета ўқишга эса 40 минут вақт ажратадилар. Ойлик абонент тўлови ҳисобига фаолият кўрсатадиган Эн-Эйч-Кэй телерадиокорпорациясига тижорат узатувлари ҳамда реклама ҳисобидан ҳам маблағ тушади. Эн-Эйч-Кэй корпорацияси иккита ўрта тўлқинли радиоканал ва иккита телевизион каналлардан иборат бўлган умуммиллий тармоқдир. Эн-Эйч-Кэй корпорацияси Ернинг сунъий алоқа йўлдоши орқали кунига 24 соат кўрсатувларни намойиш этади. Ҳозир чет мамлакатларда яшовчи 98 фоиз японлар ушбу каналнинг барча кўрсатувларини кўра олади. 1999 йилнинг март ойидаги ҳисоб-китобга кўра, Японияда 127 тижорат телевизион компанияси бор эди. Ҳозир эса уларнинг сони 1,5 баробарга ошган. Бу компаниялар Ердан телетасвир узатиш тармоғи орқали фаолият юритади. Уларнинг кўпчилик қисми, шу жумладан Токионинг 5 та энг йирик телерадио станцияси, япон газеталари билан ҳамкорлик қилди.

Эн-Эйч-Кэй (Нихон-хосо-кекай) Япониядаги энг йирик, ярим давлат телевидение ва радио корпорациясидир. Японияда радиоэшиттиришлар 1925 йили уч станция орқали берила бошланган. Кейинчалик эса, яъни 1926 йилда Токио, Осака, Нагоядаги шу уч станция бирикиб Эн-Эйч-Кэй корпорациясини ташкил қилди. 1950 йилда "Телерадио тўлқинларини тарқатиш ҳақидаги қонун" қабул қилингандан кейин Япониянинг ягона узатув корпорацияси мақомини йўқотган Эн-Эйч-Кэй корпорацияси ўз фаолиятини янада кучайтириш мақсадида ягона принциплар ишлаб чиқиб, шу асосда ишлай бошлади.

Эн-Эйч-Кэй корпорацияси 1953 йилдан тўхтовсиз ўз телекўрсатувларини намойиш эта бошлади. Ҳозир у 2 теле ва 3 радиоканал орқали умумжаҳон ва ҳудудий узатувларини амалга оширмакда. Эн-Эйч-Кэй 1987 йилдан бошлаб Ернинг сунъий йўлдоши орқали узлуксиз кўрсатувлар олиб боради. Бундан ташқари чет мамлакатларга 22 тилда жаъми - 49 соат кўрсатувлар узатади.

Корпорациянинг барча харажатларининг 97 фоизини Эн-Эйч-Кэй хизматларидан фойдаланган телетомошабинлар абонент тўлови орқали тўлайди. Бу корпорация давлат ёки тижорат ташкилотларидан инвестициялар олмайди. Йилига 1,9 миллиард доллар (иен) субсидиялаштириладиган қисқа тўлқинли чет эл радиоузатувларидан ташқари албатта.

Эн-Эйч-Кэй корпорацияси ҳукумат томонидан назорат қилинмайди. Бироқ, корпорациянинг ўзи унинг кўрсатувлари ҳукуматнинг талабларига жавоб берадиган ва юксак мақсадларга хизмат қиладиган кўрсатувларни яратишни кузатувчи 118 кишидан иборат бўлган МКБ ни яъни марказий консультация бўлимини ташкил қилган. МКБ таркибига турли касб эгалари аъзо бўлганлар. Ўқитувчи, деҳқон, журналист, шифокор, спортчилар ва ҳатто истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилот вакиллари ҳуллас жуда кўп касб эгалари ҳам кирган. Ва шу "танланганлар" бир ойда бир маротаба Эн-Эйч-Кэй маъмурий, техник ва ижодкор бош ходимлари билан учрашиб, йиллик теле ва радио узатувлари сифати ҳақида муҳокама уюштиридилар. Қарор қабул қилишга ҳақли бўлган корпорация бош бошқармаси эса 12 кишидан иборат.

Улар Япония парламентининг икки палатаси томонидан тасдиқланиб бош вазир томонидан тайинланади. Бошқарув кенгаши корпорация президентиини ишдан олиш ва тайинлаш ҳуқуқига ҳам эга. Бутун Япония бўйича 53 та шундай ташкилот ташкил этилган бўлиб, улар Эн-Эйч-Кэй корпорациясининг ишларини сарҳисоб қиладилар. Бу эса ўз навбатида радиотингловчи ва телетомошабинларнинг хошиш ва истакларидан бохабар бўлишни таъминлайди.

Эн-Эйч-Кэйнинг иккинчи канали том маънода илм дунёсига кенг очилган ойнадир. 80-йилларда ушбу канал ҳафтасига 60 тагача телерукнлар: ўрта мактабларда ўргатиладиган 20 одоб-ахлоқ тўғрисида, 10 та колледж (кўр) дастурлари, сиртки телеуниверситет, инглиз, француз, хитой, рус, испан ва немис тили курслари, техника ўқув курсларини эфирга узатади. Буларга яна мусиқа асбобларини чалишни ўргатувчи ўқув курслари ва бошқа кўпгина ўқув курсларини айтиш мумкин. Ўқув кўрсатувларининг 80 фоизи болалар боғчалари, 95 фоизи бошланғич мактаблар ва 50 фоизидан кўпроғи юқори синфларда қўлланилади.

Япон қонун чиқарувчи органи телекўрсатувларнинг мундарижасига шундай талаб қўйган:

- Одамлар маданий ва маънавий даражасига мос, юқори сифатли кўрсатувлар бериш.
- Умумжаҳон ва минтақавий кўрсатувларни тенг кўрсатиш.
- Маданий қадриятларга ҳисса қўшган ҳолда замонавий маданиятни тарғиб қилиш
- Бутун япон телеузатув ва радиоузатувларга қуйидаги муҳим принциплар яратилган:
 - Ижтимоий барқарор ва ахлоқ-одобни ҳимоя қилиш.
 - Сиёсий бетараф бўлиш.
 - Мураккаб саволлар бўйича ҳар томонлама муҳокама ўтказиш.
 - Ахборот, маърифий, маданий ва кўнгил очар кўрсатувларни тенгликда сақлаш.

Японияда кабел телевидениеси.

Японияда кабел телевидениеси дастлаб фақатгина сигнал ёмон қабул қилинадиган жойларда: Тоғли ва чекка оролларда ривожланган. Кейинчалик шаҳарларга ҳам келди ва 5 та энг йирик тижорат каналига қараганда кўпроқ эътибор қозонди. Токионинг биринчи кабел телевидениеси 1987 йилнинг баҳорида ишга тушди. 1998 йилнинг март ойида бутун Япония бўйича 6234 та кабел телестанцияси ва 14,5 миллион абонент мавжуд эди. Ҳозир станцияларда Интернетга кириш имконияти ҳам пайдо бўлди.

Янги технологиянинг пайдо кириб келиши, кўрсатувларнинг ранг-баранг бўлишига олиб келди. Кабел телевидениеси юксак тасвирни таъминлайди. Бу эса ўз навбатида санъат, медицина ва ўқув кўрсатувларини янада қизиқарли қилади. Кўрсатилаётган нарсанинг ҳатто майда элементларини ҳам кўриш мумкин. Келажакда эса бундан ҳам юқори даражали тасвирни таъминловчи юқори сифатли телевидение яратилиш ҳақидаги тахминлар мавжуд. Буни амалга ошириш учун тадқиқотлар ўтказилмоқда.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Телевиденининг пайдо бўлиши ҳақида маълумот беринг.
2. Дунёда ТВнинг тарқалиши?
3. Жаҳон медиа-магнатлари ҳақида ахборот беринг?
4. Японияда ТВ ривожига ва кабел ТВ?

Мавзу юзасидан тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

4-ДАРС 4-МАЪРУЗА

Мавзу: Тележурналистика жанрлари

Режа:

1. Ахборот жанрлари
2. Таҳлилий жанрлар
3. Бадиий-публицистик жанрлар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Видеосюжет
- ✓ Брифинг
- ✓ Репортаж
- ✓ Ток-шоу

1. Ахборот жанрлари

Видеосюжет (қисқа хабар). Ҳисобот. Давлат ва ҳукумат делегацияларининг расмий ташрифлари тўғрисидаги кўрсатувлар. Репортаж. Тўғридан-тўғри репортаж, Репортаж-трансляция. Воқеий репортаж. Режалаштирилган (ташқил этилган) репортаж (бундай репортажлар одатда маълум бир мақсад билан долзарб мавзуларда ташқил этилиши хусусида). Муаммоли репортаж. Репортаж – портрет. Интервью. Экспресс-сўров. Савол бериш сир-синоати. Қаҳрамон портретини яратиш мақсадида олинадиган интервью.

Бу маърузада ТВнинг ахборот дастурларидан ўрин олган энг кичик, энг оддий жанр бўлган – видеолавлардан тортиб, ТВ табиатини ўзини тўла мужассамлаштирган телерепортажга қадар бўлган барча ахборот жанрлари: маъруза, суҳбат, интервью, лўқма (реплика) ҳақида маълумотлар берилади. ЎзМТРК, Биринчи канал, CNN, BBC, ABC, Россия, НТВ, ТВ-6, ТНТ, МУ5 каби телеканаллардаги мазкур жанрлар усталари, тажрибали журналистлар фаолияти ҳақида гап боради.

Аср шиддати ва замоннинг тезкорлиги журналистдан ихчамликни, асосан фактларни тақдим этишни тақозо қилмоқда, батафсил шарҳ ва тафсилотлар аҳолининг маълум бир қисмини қизиқтиради холос. Бозор иқтисодиёти кучли ва эркин ОАВни шакллантириши керак. Телетомошабин кўраётган томошасига ишониши учун “маҳсулот” унга ишонч уйғотиши керак. Агар вазият аксинча тус олса, миждоз бошқа каналга ўтиб кетади яъни, сотиб олмайди), натижада телекомпания инқирозга учрайди. Жамиятга хизмат қилиш туйғуси, фойда топиш истаги ОАВ мулкдорини халқнинг ишончини қозониш мақсадида ҳақиқатни ёзишга, эшиттиришга ёки кўрсатишга тинимсиз ундаб туради.

Бошловчи. Шахслаштирилган (персонифицированный), журналистнинг

шахсий сўзлаш услуби акс этган ахборот нима? Бундай ахборотда бошловчининг ўзига хос индивидуал хислатлари қандай ўз аксини топади. Воқеа-ходисалар журналистнинг ички дунёси, руҳиятидан ўтган ички кечинмалари, тажрибаси, малакаси билан йўғрилган, шахсий нуқтаи назари, яхши ёки ёмон муносабати (симпатия ва антипатиялари) билан суғорилган. Ҳиссиётлар туғени, овоз шираси, воқеага журналистнинг ёндошуви бўлиши лозим. Ҳар бир одам — бир дунё. Бошловчи ақлли, зукко шахс бўлганлиги сабабли, у ҳиссиз бир кимса каби эмас, балки дунёқараши шаклланган, сиёсий фаол ва бадийий етук шахснинг муносабатини билдиради. Унинг воқеа-ходисага ёндошуви яққол сезилиб туради. У воқеа-ходисаларни ўзига хос тарзда талқин қилади ва бу унинг овози, оҳанги, гап-сўзи, қўл ва юз ҳаракатларида сезилиб туради.

Шахслаштирилган ахборотда бошловчи ахборотни эфирга ўз шахси, индивидуаллиги акс этган ҳолда беради. Ахборотни фақат ўзига хос услубда эфирга бериши, ўзининг сўз бойлиги, образли гаплари, мақол-маталлари, қочирма ва киноялари, овозининг оҳанги билан бойитади, ўзининг сўзга, урғу бериш услубига эга бўлади. Бошловчи овози оҳангида ҳайрихоҳлиги ёки норизолиги, ҳайратланиш ёки очиқ қоралаш, истехзо ёки тарафини олиш маълум маънода сезилиб туради. Шарҳловчи ўқиётган матн мазмунига овозининг оҳанги билан ўз муносабатини ўз характериға, лексикасига хос ҳолда шахслаштриб беради. Миллий телеканалларда ана шундай хислатларга эга бўлган шарҳловчилар сифатида Маҳкам Рихсиев, Қуддус Аъзамов, Муҳаммаджон Обидовлар фаолият олиб боришган. Бу шахслаштирилган ахборот деб юритилади.

Диктор. Диктор – расмий шахс. Унинг фаолиятида одатда давлатнинг расмий позицияси, муносабати, ёндошуви ўз аксини топади. Дикторларнинг кўпчилиги матнни тўғри, тоза, тиниқ, ҳар бир сўзнинг мантикий урғуларини қўйган ҳолда бехато ўқишга ҳаракат қилишади. Шўролар давридаги давлат позицияси, маъмурий-буйруқбозлик тузуми, монополия, диктатура пайтида ҳам дикторнинг расмий одам эканлиги яққол кўзга ташланади.

Мустақиллик йилларида турли ОАВнинг сони ошиши, мухбирларнинг кўплиги боис, воқеа-ходисаларни турли ижтимоий-сиёсий нуқтаи назардан туриб ёритиш жараёни кечди. Айниқса, сўнгги бир йилда бу жараён кучайди. Бунда биз ОАВларининг демократик принципларини кўрамыз.

Интервью жанри. Савол бериш санъати, маҳорати. Александр Тихомиров “Время”, Владимир Повзнер – Фил Донахью СССР – АҚШ телекўприклари, (“Человек в маске”) – “Ниқобдаги шахс” телерукни, Андрей Караулов (“Момент истины”) – “Ҳақиқат онлари” кўрсатуви, Урмасс Отт телесуҳбатлари, Фурқат Яқвалхўжаев “Озодлик” радиостанциясининг Ўзбекистондаги мухбири (1995-2001 йиллар) телекўрсатув ва радиоэшиттиришларда берган саволлари таҳлилини мисол сифатида келтириш мумкин.

Суратга тушириш жараёнида камера олдида турган бошловчи юқори малакали мутахассис бўлиши жуда муҳим. Соҳа мутахассисларининг бир гапи бор: “Ҳақиқий инсон бўлишнинг ўзи юқори малакали мутахассис бўлиш демакдир”. Бошловчининг эфирда ўзини тутиш маданияти етарли даражада бўлса одатда бу билинмайди, аммо унинг маданият даражаси нисбатан паст

бўлса бу тезда ва яққол кўзга ташланади.

Ҳозир биз бир қатор талабларни санаб ўтамизки, агар интервью олувчи бу камчиликларга йўл қўйса уни ҳақиқатдан ҳам катта мутахассис, зўр журналист деб бўлмайди.

- Агар у гапни ёнида ўтирган суҳбатдошини кўкларга кўтариб мақташдан бошласа. Суҳбатдоши эса уялганидан ўзини кўярга, кўзи ва қўлларини яширгани жой тополмасдан, ноқулай вазиятда қолса.

- Агар у суҳбатдошига ёки кўрсатувнинг бошқа қатнашчиларига бир йўла бир неча савол билан мурожаат қилса. У ҳолда, суҳбатдоши қайси саволга жавоб беришини билмай, ўзини йўқотиб қўяди. Саволларнинг бирига жавоб бериб, бошқаларига жавоб беришни эса унутади. Бундай ҳолатда саволларни яна қайтадан беришга тўғри келади.

- Агар суҳбатдоши ўз фикрини тугатмасдан, уни ярим сўзида бўлиб, яна бошқа бир саволга жавоб беришни илтимос қилса. Одатда суҳбатни шундай мохирлик билан бўлиш керакки, суҳбатдош уни ҳатто сезмай қолиши керак. Бу мухбирнинг юқори малакасидан дарак беради.

- Саволга жавоб бераётиб суҳбатдош телетомошабинлар ёки суҳбатнинг бошқа иштирокчиларига нисбатан у экранда орқа ўгириб ўтириб қолса.

- Агар суҳбатдош саволларга жавоб беришга розилик билдирсаю ва у кутган энг муҳим савол мухбир томонидан берилмаса.

- Мухбир қаҳрамондан энг қалтис саволга нима қилиб бўлса ҳам жавоб олишга ҳаракат қилса ва у журналист этикасини унутиб, бу мақсадда ҳеч нарсадан тап тортмаса.

- Ёзиб олишдан аввал суҳбатдоши билан савол- жавобларини келишиб, репетиция қилиб олса. У ҳолда савол ҳам сохта, жавоб ҳам сохта, умуман интервьюнинг ҳаммаси сохта бўлади.

- Агар у саотига қараб, "... Афсуски, вақт етмади, доимо шунақа бўлади- да..." – деб хўрсиниб қўйса. Ахир студияга ёки камера ва микрофон олдида келган у меҳмон, телевидениеда эса вақтни мухбирнинг ўзи режалаштиради.

- Агар у суҳбатни тугатишни, хулоса билан якунлашни унутиб қўйса, қаерда нукта қўйишни билмаса ва ҳар гал саволида яна илгариги мавзуларга кетма-кет қайтаверса.

Мухбир ўз ҳаяжони ва муносабатини яшира олмай билдириб қўйса. Бу – журналист эҳтироссиз бўлиши керак, дегани эмас, албатта. Журналист кўпчиликни қизиқтираётган муаммолар бўйича ўз фикри ва муносабатини билдириши ҳам керак эмас, деган гап эмас.

Агар журналистнинг сўзларида унинг шахсий муносабати, меҳри ёки нафрати-ғазаби, муҳокама қилинаётган масала маъқул ёки маъқул эмаслигини мухбир билдириб қўйса.

Агар журналист суҳбатда телетомошабинларни қизиқтираётган муҳим масалалар эмас, балки ўзининг сўзлари, фикрини, муносабати, саволларини энг муҳим, деб ҳисобласа.

Агар суҳбатдошининг сўзларини диққат билан эшитиш ва тинглашни билмаса ва унинг ўйлаш учун сақлаган сукутини навбатдаги савол учун қилинган пауза деб тушунса. Интервью бераётган шахс фикрини тугатмасдан мухбир томонидан берилган саволдан ёмони йўқ!

Агар суҳбатдошингиз, сиз – мулоқотдагиларнинг бирини томонини олаётганингизни сезиб қолса. Бир томонни ёнини олиб, маъқул кўриб, унга ҳайрихоҳлик билдириб иккинчи томонга қарши эканлигингизни билдириб қўйсангиз ва шу билан сиз қайси томонда эканлигингиз ошкора бўлиб қолса. Бу одатда бир томонни – диққат билан эшитиб, иккинчи томонни жавоб бераётган пайтидаги бепарво бўлиб туришингизда, ўзингизни тутишингизда маълум бўлади.

Агар журналист амалдорлар олдида ўзини йўқотиб қўйса, амалдорни савлати босаётганини, ҳақиқатни гапиришдан хайиқаётганини, кўрқаётганини, сездириб қўйса, уни яшира олмасдан, билдириб қўйса. “Лаббай акажон, буюринг!” - дейдиган ахволга тушиб қолса. Маълумки, одатда суҳбатдошнинг лавозимига қараб эмас, балки у қанчалик яхши гапираётгани, ўз фикрини қанчалик асослаб бераётганлигига қараб хулоса чиқарилади.

Агар суҳбатдошингиз ўтқир саволдан қочиб, умумий сўзлар билан жавоб беришдан нари ўтмаса ёки ҳазил-мутуйиба билан кутулиб кетаман, деб ҳаракат қилса-ю ва шу вазиятдан чиқиб кетишга унга имконият берилса. Ёки суҳбатдош мавзунини йўналишини ўзгартиришга муваффақ бўлса.

Агар савол жуда илмий, назарий тус олса, унда суҳбатдош ҳам ўша услубда жавоб беради. Маслаҳат шу: аниқ жавоб олмоқчи бўлсангиз, аниқ савол беринг.

Агар журналист суҳбатдош жавобини гўёки тушунмаганликка олиб, унииг нуқтаи назарини бузиб, ўзига маъқул йўналишда талқин қилса.

Агар “...Сиз ҳақиқатдан ҳам шундай деб ўйлайсизми?”, “Агар виждонан ёндошадиган бўлсакчи?”. “...Сиз кимнинг тегирмонига сув қўяётганингизни ўзингиз тушунайсизми, ахир!?” – деган саволлар билан мурожаат қилинса. Одатда, бундай луқмалар “... Наҳотки сиз шунақа ахлоқ бўлсангиз?”, ёки “... Сиз нима телбамисиз?”, “...Сиз шунақа ёлғончимисиз?”, - деган маъноларни билдиради. Шунинг учун бундай луқмалардан иложи борица қочиш керак. Сўнгра сизнинг “...Ахир мен бундай бўлишини мутлақо кутмаган эдим!”, “...Унинг муносабати шунақа бўлишини тасаввур ҳам қилганим йўқ, ахир!”, - деган кейинги пушаймонлар одатда, ўзингизга душман бўлади.

Воқеани бундай тус олишини малакали журналист билиши керак. Бу унинг касбий вазифасига, мажбуриятларига киради ва албатта малакасига ҳам боғлиқ. Агар журналист суҳбатдошига нисбатан ўзини қўпол равишда тутса. Маслаҳат шундай: ҳатто суҳбатдошингиз қаттиқ жавоб бериб, кўнглингизни оғритса ҳам, қўполлик қилса ҳам – оғир, босиқ бўлишингизни маслаҳат берамиз. Агар сиз одоб доирасидан чикмай ўзингизни мулойим тутсангиз, суҳбатдошингизнинг қўполлиги экранда кўриниб туради. Айниқса, танқидий мазмундаги саволни ниҳоятда эҳтиёткорлик билан, суҳбатдошингизни хафа қилмайдиган шаклда беришингиз керак. Танқид қанча ўтқир бўлса муносабат шунча майин, мулойим бўлишини яна бир бор тавсия этамиз.

2. Таҳлилий жанрлар

Таҳлилий жанрларга телешарҳ (телекомментарий), телетаҳлил (телеобозрение), суҳбат, баҳс, ток-шоу, матбуот анжумани, брифинг, корреспонденция, телекўприк киради

Телешарҳ – журналистдан юксак истеъдод, катта қобилият, ақл

(интеллект), нозик таъб, чукур билим, бой ҳаёт тажриба, бағрикенглик, дипломатик қобилият, одилона ва принципиал ёндашувни талаб қилади. Шарҳ - таҳлилий публицистиканинг анъанавий доимий жанри бўлиб, унинг бош мақсади ижтимоий-сиёсий воқеаларни ёритиш, айрим ҳолларда телетомошабинлардан яширин бўлган воқеа-ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлигини очиб бериш, келажакда уларнинг воқеа ривожига таъсирини тушунтириб беришдан иборат.

“Итоги”, (“Якун”), “Однако”, (“Аммо, лекин”), “Ахборот 24” шарҳлари таҳлил этилди. Халқаро воқеалар, мусиқа дастурлари, театр, спорт шарҳлари. Сухбат, матбуот анжумани, баҳс жанрлари — савол-жавоб тарзида - диалогик шаклда бўлиб икки ёки бир неча киши иштирокида ўтади.

Сухбат – таҳлилий публицистиканинг ўзига хос телевизион жанри сифатида. Сухбат одатда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ахлоқ-одоб, илмий ва бошқа мавзуларда бўлиб, тез-тез катта баҳсларга айланиб кетиш ҳоллари учраб туради. Сухбат аввалдан пухта ишлаб чиқилган сценарий асосида ташкил этилади.

Баҳс (дискуссия) “discussio” латин тилидан олинган бўлиб, тадқиқ этиш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш деган мазмунни билдиради. Баҳс (мунозара) телевидение экранидаги киши диққатини ўзига тортувчи жанрлардан биридир. Баҳсда телетомошабин жонли фикрнинг туғилиши, унинг ривожланиши, мақсадга қараб йўналишини яққол кўриб туради. Телетомошабин унда, турли фикрлар тўқнашуви жараёнининг шохиди бўлади.

Фикрлар тўқнашуви одатда кўрсатувни томоша қилиб ўтирган телетомошабинларни ҳам муаммони тадқиқ этиш жараёнига жалб қилиш хусусиятига эга. Бошловчи бу ҳолларда студияга таклиф этилган ва баҳсда иштирок этаётган аудитория билан мутахассислар ўртасида воситачилик вазифасини бажариши тўғрисида.

Ток-шоу – бошловчи олиб бораётган интервью, баҳс, ўйин, савол-жавоб, залда тўпланганлар билан сухбатдан иборат бўлган жанр бўлиб, ток-шоу бошловчиси ақлли, кутилмаган ноқулай, қалтис вазиятлардан тез ва муваффақиятли, ғалаба билан чиқиб кета оладиган, сўзга чечан, ҳазил-мутуйибага мойил, тингловчини ўзига ром қила оладиган, студияда йиғилганлар ўртасида тез, енгил ва мулойим ҳаракат қиладиган ёқимтой журналист бўлиши керак.

Ток-шоу телетомошабин орзиқиб кутадиган кўрсатувлар қаторида бўлиши шарт. Ток-шоу пайтида студияда телетомошабин уланадиган телефонлар ўрнатилиши улар билан мулоқот қилиш имконияти бўлгани маъқул.

Матбуот анжумани. Матбуот анжумани – давлат бошлиғи, ҳукумат ва мамлакат ташқи ишлар вазирлиги раҳбарлари ёки фан ва санъат юлдузлари, давлат ва ҳукумат раҳбарлари матбуот котибларининг муҳим воқеа арафасида ёки воқеа содир бўлгач оператив суратда муҳим баёнот билан чиқадиган бирон бир мутасадди шахснинг журналистлар билан учрашуви, мулоқотидир.

Брифинг. Агар шу шахс фақат баёнот ёки бир муҳим ахборот билан чекланса бу – брифинг дейилади.

Корреспонденция. Бу жанрда тайёрланган материалда бирор-бир актуал воқеа ёки ҳодиса ҳақида хабар қилиниб, факт ва рақамлар чукур, пухта,

атрофлича таҳлил қилинади, умумлаштирилади. Телевизион публицистикада воқеа-ҳодисалар тез-тез шахслаштирилган ҳолда учраб туради.

Қитъалар оша қурилган кўприк.

1983 йили АҚШ кўшинлари Гренадага бостириб киради. Бир қатор ғарб давлатлари матбуоти буни қаттиқ қоралайди. Шу пайтда ЮСИА директори Чарльз Уик Европада сафарда юрган эди. Жаҳоннинг айрим оммавий ахборот воситалари АҚШнинг Кариб денгизи бассейнидаги сиёсатини нотўғри талқин эта бошлайдилар. АҚШ кўшинларининг Гренадага киришининг асл сабабларини тушунтириш мақсадида Ч.Уик телевидение орқали матбуот анжуманини ўтказишни таклиф этади.

1983 йилнинг 3 ноябрида 5 давлат пойтахтидаги 40 нафар журналист “Уорлднет” телекомпанияси уюштирган телекўприк ёрдамида Нью Йоркда АҚШнинг БМТ даги доимий вакили Джин Киркпатрик билан, Барбадос шаҳрида Кариб денгизи бассейнидаги икки давлат бош вазирлари билан, Вашингтонда бўлган АҚШ Давлат Департаментининг 2 вакили билан боғланиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу телекўприк орқали можароли муаммога аниқлик киритилиб жамоатчилик фикрини ўзгартиришга эришилади. Телевидение ўзининг қудратли кучини намоён этади.

“Уорлднет” компанияси ташкил этган телекўприкларда АҚШ Давлат котиби Джорж Шульц, АҚШ мудофаа вазири Каспар Уайнбергер Ливия террорчилари ҳақида, АҚШ президенти Рональд Рейган шу куннинг долзарб масалалари ҳақида давлат сиёсати билан икки марта қатнашади.

ЮСИАнинг телевидение ва кино хизмати директори Алвин Снайдер шундай дейди: “...АҚШ давлат арбоблари ва Президентининг олдига кириб интервью олиш қанчалик машаққат бўлса, “Уорлднет” орқали улар билан суҳбат қуриш шунчалик осондир”.

Ернинг сунъий йўлдошлари ёпиқ ёки очиқ мамлакатни танлай олмайди, у чегара билмайди барча давлатлар ҳудудларига бирдай кира олади.

СССРда Чернобил АЭСда бўлган портлаш ва бу ҳалокат ҳақида халққа нимани айтиш мумкин ва нимани айтиш мумкин эмас деб, Совет халқи ва Жаҳон жамоатчилигидан тўла ахборот яширилаётган бир пайтда Ғарб сунъий йўлдошлардан олинган фотосуратларни кўрсатиб бор овоз билан бутун дунёни бундан огоҳ қилди.

“Америка овози” радиостанциясининг бюджети 1980 йиллар охирида бир миллиард долларни ташкил этди.

“Евроњьюс”дан аввал АҚШ президентининг яқин дўсти, ЮСИА агентлиги директори Чарльз Уик “Евронет”ни ташкил этиш ташаббуси билан чиқади. “Евронет” 1983 йил 3 ноябрь куни АҚШнинг Гренадага бостириб кириши, ядро ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш арафасида эфирга чиқади.

Р.Рейган иштирокида очикчасига голливудчасига суратга олинган “Польша, Польша бўлиб қола қолсин” номли телефильми намоиш этилади. Бу “Евронет”нинг объективлигига ишонган ишқибозларини анча ташвишга солиб қўяди.

1985 йил 5 декабр кунги дастурда президент Р.Рейган ва Германия Федерал канцлери Г.Коль иштирок этадилар. Улар экипаж таркибида Ғарбий германиялик мутахассис ҳам бор бўлган “Колумбия” космик кемаси космонавтлари билан суҳбат курадилар.

ЮСИАнинг телевидение ва кино хизмати директори Алвин Снайдернинг айтишича, космос орқали телекўприкни ташкил этишда 5 та сунъий ер йўлдоши иштирок этган ва бу теледастурни Ғарбий Европада яхши қабул қилишган. Телекўприкларнинг кечки дастурида Европа Иттифоқига аъзо бўлган 27 мамлакатнинг ҳар биридан 5 дақиқалик лавҳалар кўрсатилган. Бу дастурни Ғарбий Германиянинг 5 миллион, РАИ-ТВ Италиянинг 8 миллион томошабини кўрган.

ЮСИАнинг “Евронет” телевизион хизмати экспансиясига қарши Европа мамлакатлари, Европа Иттифоқи ўзларининг етти тилдаги “Евроњьюс” ахборот дастурини ташкил қилдилар.

3. Бадиий-публицистик жанрлар

Лавҳа, эссе, очерк, зарисовка – бадиий-публицистик жанрларнинг энг асосийлари ҳисобланади. Уларда қаҳрамон, характер, образ муҳим аҳамият касб этади. ТВда сатирик жанрлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, телефельетон алоҳида аҳамият касб этади. Телефильм, телесериал, кўрсатув, дастур, телеканал моҳияти ҳақида ҳам сўз юритамиз.

Телевидение табиати, унинг спецификасидан тўғри ва моҳирона фойдаланган ҳолда ТВда инсоннинг теран ақли, нозик қалбига бориб етадиган, унинг ички дунёсини бойитадиган, миллий мафкурасини шакллантирадиган ажойиб телевизион асарлар яратиш мумкин. Ўзбекистон, Россия ва жаҳоннинг бошқа телевидение студияларида яратилаётан янги оригинал асарлар таҳлил қилинади. Рус режиссёри Сергей Герасимовнинг “Кўл бўйида” телефильмида, хорижий телекомпанияларнинг “Леонардо да Винчи”, “Моцарт”, “Микеланджело” каби сериалларида телетомошабин билан экранда содир бўлаётган воқеа ўртасида воситачи ролини бажарувчи қаҳрамон – фильм бошловчиси бўлган телеасарлар тўғрисида алоҳида гапириш мумкин.

Журналист тайёрлаётган материалнинг мавзусига қараб унга мос бўлган жанрни тўғри танлай олса ўз олдига қўйган вазифани юқори савияда, сифатли қилиб бажара олиш имконияти кенг бўлади.

Очерк – бадиий публицистиканинг асосий, бош жанри. Хужжатли очерк бадиий ҳикояга яқин. Лекин, очерк содир бўлган воқеалар ҳаётда ҳақиқатдан ҳам бўлиб ўтганлиги, воқеа содир бўлган вақт ва манзилнинг аниқлиги, қаҳрамонлари ҳаётда бор бўлган реал шахслар эканлиги билан ажралиб туради. Публицистикада очеркдек муаллифдан катта истеъдод, маҳорат, ижод талаб қиладиган бошқа жанр бўлмаса керак.

Очерк – публицистиканинг телеэкранда учрайдиган энг мураккаб жанрларидан бири бўлиб, улар реал ҳаётнинг, конкрет шахснинг эстетик мушоҳадасидир. Очеркда ҳаётда содир бўлган воқеа қандай содир бўлган бўлса худди шундай бадиий тўқимасиз ҳикоя қилинса ҳам образлар бироз типиклаштирилади, характерлар бадиий ташбеҳлар ёрдамида яратилади.

Очерк композицияси жанр хусусиятлари бўйича драматик асарнинг ички тузилишига яқин ҳисобланади.

Бошқа жанрлар хусусиятлари ҳақида “Телевизионная журналистика” китобида (Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., М.: “Высшая школа” 2002.) батафсил гапирилган.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Телевизион журналистика жанрларини санаб ўтинг?
2. Информацион жанрларнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?
3. Таҳлилий жанрларнинг мақсад ва вазифаларига нималар киради?
4. Очерк жанрининг бош хусусиятлари?
5. Ток-шоу ва телекўприк жанрларини тавсифланг?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

5-ДАРС 5-МАЪРУЗА.

Мавзу: Телевизион сюжет компонентлари

РЕЖА:

1. Видеоқатор
2. Графика
3. Интершум
4. Муסיқа
5. Лайф
6. Синхрон
7. Стенд-ап
8. Титрлар
9. Кадр ортидаги матн

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Графика
- ✓ Интершум
- ✓ Муסיқа
- ✓ Лайф
- ✓ Синхрон
- ✓ Стенд-ап
- ✓ Титрлар

Телевизион сюжет – телевидениенинг асосий жанрларидан бири. У босма нашрлардаги чиқишлардан кўп узви асар эканлиги билан ажралиб туради. Унинг асосий узвлари ва қўйиладиган талаблар қуйидагилардан иборат.

1.Видеоқатор. Видео аксарият ҳолларда телевизион сюжет учун махсус профессионал мутахассис томонидан тасвирга олинади. Бундан ташқари:

- архив материалларидан;
- тезкор тасвирлардан;
- ҳаваскорлик ишларидан ҳам фойдаланилиши мумкин.

Видеоқатор монтажчи томонидан матн ва сюжет мазмунидан келиб чиқиб терилади. Телевидение усталарининг кўпчилиги видеоқаторга асосий тасвирий восита сифатида қарайди. Ҳаттоки, “телевидение – бу картинка!” деган шиор ҳам бор. “Картинка” термини ТВда шу қадар мустаҳкамки, одатда қўштирноқсиз ёзилади. Видеоқаторга қўйиладиган асосий талаб тасвирларни техник нуқсонларсиз олиш ҳисобланади.

- тасвирга тушираётганда қўл қимирлаб кетиши оқибатида;
- ёғин-сочин бўлган пайтда;
- қуёш нуридан тушадиган ёруғлик туфайли камера объективига турли доғлар ўтириб қолса ана шундай нуқсонлар юзага келади.

Шунинг учун ҳам иложи борица тасвирга олаётганда камерани штативга ўрнатиш, объективга доғ йўқлигига амин бўлиш шарт.

2.Графика. Схема, харита, диаграмма, спорт турнирлари жадваллари ва бошқалар компьютер технологиялари ёрдамида тайёрланади. Ёки аввал чизилиб, сўнгра тасвирга олинади. Ҳозирда иккинчи усулдан бирорта канал деярли фойдаланмайди. Графикада ранглардан фойдаланиш, безатиш, шрифтларни танлаш кўрсатувнинг бадиий савиясига таъсир этади.

3.Интершум – бу табиий овоз бўлиб, тасвир билан бирга ёзилади. Қоидага кўра, у кадр ортидан ўқиладиган матн билан бирга эшитилади ва қимматли тасвирий воситаларни юзага келтиради. Интершум видеога мос бўлиши керак. Баъзида монтаж пайтида интершум ўз сифатини йўқотади ёки унинг сифатсизлиги билиниб қолади. Чунки, интершум камеранинг ўзида жойлашган микрофон тури – “замбарак (пушка)” ёрдамида ёзиб олинади.

4. Мусиқа. Ундан интершум ўрнида фойдаланиш мумкин. Ижодкорлар ахборий сюжетларда камдан-кам ҳолатларда истисно тарзида мусикадан фойдаланишади. Биринчи қор ёққанда, ўрик гуллаганда ва бошқа ҳолларда. Мусиқа ўйланиб ва кўпчиликка ёқадиган мантикий асосда танланиши лозим.

5.Лайф. Инглиз тилидан таржима қилинганда life - “ҳаёт” деган маънони билдиради. У видеотасвирнинг бир қисми бўлиб одатда 10 сониягача давом этади. Муайян маънони англатувчи табиий шовқинлар – олқишлар, ишқибозлар қичқириғи, сувнинг шилдираб оқиши кабилар лайф вазифасини бажаради. Уларнинг овози эшитилаётганда кадр ортидаги матнлар ўчмайди. Лайф томошабинга воқеа-ҳодиса рўй бераётган жойда бўлгандек ҳиссиётни кечиш имкониятини беради. У сюжетга ўзгача руҳ бахш этади.

Информацион телесюжетда лайфнинг хронометражи 5 сониядан ошмаслиги керак (“ўқ овозидек”).

6.Синхрон – сюжет қаҳрамони ёки иштирокчисининг экрандаги гапи бўлиб, грек тилидан таржима қилинганда “sin” – бирга, “chronos” – вақт деган маънони билдиради. Синхронни интервьюнинг бир бўлаги ҳам дейишади. Мазкур атама соҳага овозли кинодан кириб келган. Асосий талаб синхрон хронометражи 25 сония (баъзи манбаларда 20)дан ошмаслиги, интервью бераётган шахснинг боши бошқа томонга бурилиб қолмаслигига, тасвирга олинadиган жой, орқа фонга аҳамият қаратиш зарур.

7.Стенд-ап мухбирнинг экрандаги гапи бўлиб, англиз тилидан таржима қилинганда “stand up” – тик туриш деган маънони англатади. Одатда мухбир ундан воқеа-ҳодиса содир бўлаётган жойда иштирок этиб, томошабин билан мулоқот олиб бориб, қандайдир самарага эришиш учун фойдаланади. Бунда мухбир ўзининг ташқи кўринишига аҳамият қаратиб, тасвирчи билан келишган ҳолда, орқа планда нима акс этишини гаплашиб олиши зарур.

8.Титрлар – телеэкрандаги ёзувлар бўлиб, улар синхронларда (қаҳрамоннинг исми-шарифи, лавозими) ҳам берилади. Ундан ташқари титрларнинг қуйидаги турлари ҳам мавжуд:

1. Геотитр (харитадан воқеа содир бўлган жойни кўрсатиш). Одатда ҳеч қандай видеоматериал бўлмаган пайтда, портлаш ёки шунга ўхшаш ҳодиса рўй берганда давлат ёки шаҳар жойи, номи белгиланиб тиник рангда кўрсатилади.

2. Субтитр (экран пастида хабарнинг бошқа тилдаги таржимасини бериш). Мисол учун, Малайзия аҳолисининг эллик фоизини малай миллатига мансуб аҳоли ташкил этса, ўттиз фоизи хитойлик, ўн фоизи ҳиндлар ва яна турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Эфирга узатиладиган радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар асосан малай, хитой, инглиз тилларида берилади. Агар кўрсатувлар инглиз тилида олиб борилса, унинг таржимаси титрларда хитой ёки малай тилида, малай тилида берилса, титрлари инглиз тилида ёзилади. Бу тажриба дунёдаги бошқа мамлакатлар телевидениесига ҳам учрайди.
3. “Югурувчи сатрлар” (экран пастида хабарларни бериб бориш). Бу тажриба “Спорт” телеканалининг “Янгиликлар” дастурида кўпроқ учрайди. Унда асосан спорт мусобақалари, халқаро турнирлар натижалари, видеоматериали бўлмаган спортга оид тезкор хабарлар қисқа сатрларда тақдим қилинади. Қуйида югурувчи сатрларга мисол келтирилган:

(РИА – Новости, Астана) Қозоғистоннинг Жанаозен шаҳридаги оммавий тартибсизликлар натижасида 11 киши ҳалок бўлган, 70 киши жароҳатланган. – Генпрокурор.

(“Сейчас” ахборот дастури, “Бешинчи канал”, Россия, 2011 йил 17 декабрь)

(РИА – Новости, Москва) Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев Жанаозен шаҳридаги оммавий тартибсизликлар туфайли шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилди.

(“Сейчас” ахборот дастури, “Бешинчи канал”, Россия, 2011 йил 17 декабрь)

Ҳар иккала хабар битта мавзуда бўлиб, фақат РИА – Новости ахборот агентлигининг икки пункти орқали етказилган. Кўрсатув аввалида Жанаозен шаҳридаги тартибсизликлар ҳақида телесюжет эфирга узатилиб, дастур мобайнида бу икки хабар куннинг муҳим янгилиги сифатида бир неча марта такрорланди. “Сейчас” ахборот дастури ижодкорлари югурувчи сатрлардаги янгиликларни “РИА-Новости”, “ИТАР-ТАСС” каби ахборот агентликлари манбаларига таяниб тақдим этишган.

4. Изоҳловчи титрлар. Баъзида эфирга узатиладиган кадрларнинг сифати талабга жавоб бермайди. Унда ҳар хил нуқсонлар кўзга ташланади. Мисол учун, камера объектида доғлар ўрнашиб қолиши, экран бурчагида йил, ой, кун, соат ва дақиқаларнинг қўйилиши, кишилар юзининг хиралиги, кадрларнинг тиниқ эмаслиги, эскирган видеоматериаллардан фойдаланиш. Бундай пайтда, телеэкран бурчагида “Архив”, “Тезкор тасвирлар”, “ФВВ тасвирлари” каби изоҳловчи-тушунтирувчи титрлар берилади.

Титрлардан жаҳон телеканалларида турлича фойдаланилади. Мисол учун, эфирга узатилаётган телесюжет мазмунидан келиб чиқиб, телеэкран пастида унга сарлавҳа қўйилади.

Мисол учун, *Владимир Путиннинг Магадан шаҳрига бориши тўғрисидаги сюжет пайтида “Путин в Магадане (Путин Магаданда)”, кўчадаги ярим-ялонғоч, ҳирсни кўзгатувчи афишалар, рекламаларга доир Бошқиристон, Татаристонда яшовчи мусулмон аҳолининг муносабатига оид лавҳа эфирга кетаётганда “Происки Шайтана (Шайтон васваси)” каби.*

(“Сейчас” ахборот дастури, “Бешинчи канал”, Россия, 2011 йил 17 декабрь)

Томошабин диққатига тақдим қилинаётган титрларни ёзаётган журналистга қўйиладиган энг асосий талаб фактларни тўғри ва саводли тарзда етказишдир. Баъзида, экранда берилган титрларни умуман ўқиб бўлмайди. Бу айниқса рекламаларда сезилади.

Кадр ортидаги матн – муаллиф томонидан ёзилади. Кадр ортидаги матнни ким ўқийганини томошабин кўрмайди. Уларни баъзида мухбирлар, баъзида бошловчилар ўқишади. Мисол учун, “Спорт” телерадиоканали “Хабарлар” информацион дастурида аксарият ҳолларда матнларни бошловчиларнинг ўзи ўқийди. Агар репортёрнинг овози талабга жавоб бермаса ёки оҳанги дастур йўналишига мос келмаса шу усуллардан фойдаланилади. Буни кўп ҳолларда канал раҳбарияти белгилайди.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Телевизион сюжет компонентларига нималар кирада?
2. Титрларнинг турлари ҳақида маълумот беринг?
3. Стенд-апга баҳо беринг?
4. Тележурналистикада лайфнинг ўрни қандай?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

6-ДАРС 6-МАЪРУЗА

Мавзу: Телесюжет яратишнинг технологик босқичлари

Режа:

1. Пре-продакшн.
2. Продакшн
3. Пост- продакшн

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Пре-продакшн;
- ✓ Пре-продакшн;
- ✓ Пост-продакшн.

1.ПРЕ-ПРОДАКШН.

ОАВ тахририятида фаолият олиб боришнинг ўзи ишлаб чиқариш ҳисобланади. Унинг сўнгги маҳсулоти – ахборот етказишнинг конкрет формати: газета, журнал, радиоэшиттириш ва телекўрсатувдир. Оммавий ахборот тайёрлаш технологияси ҳам ижодий, ҳам техник жараёни қамраб олган. Бу айниқса юқори технологияларни ўзида ифода этувчи – электрон оммавий ахборот воситаларида кўпроқ намоён бўлади.

Телевизион асар яратишнинг босқичлари.

Бу ғоя кинематография соҳасидан телевидениега уч асосий блок кўринишида кириб келган:

1. Пре-продакшн – тасвирдан олдинги фаолият.
2. Продакшн – бевосита тасвирга олиш пайти.
3. Пост-продакшн – материалга ишлов бериш ва уни эфирга тайёрлаш.

Пре-продакшн

1.Ғоя танлаш ва топшириқ олиш. Технологик жараён бошланишининг икки варианты мавжуд:

а) мухбир ғоя билан чиқади, муҳаррир эса ғоянинг ижобий ва салбий жиҳатлари, муҳимлигига қараб рухсат беради;

б) муҳаррир топшириқ беради. Мухбир ғояни бугунги кун мавзусидан, муҳитдан келиб чиқиб танлайди. Ахборий сабаб мухбир топшириғида ўз аксини топади. Бош муҳаррир ёки продюсер ахборот агентликлари ва Интернетдаги блогларда кўтарилаётган муҳим мавзулар, тахририятнинг электрон почтасига келаётган хатларда билдирилган фикрлар, телефон қўнғироқларига таяниб – ахборий сабаб бўлган мавзуларни мухбирга топшириқ сифатида беради.

2. Маълумот йиғиш босқичи:

- Интернетдан мавзуга доир ўхшаш материллар ва тафсилотларни қидириш;

- пресс-релизларни ўрганиш;

- олдин мазкур мавзуда тайёрланган сюжетларни кўриб чиқиш ва бошқалар. Маълумот йиғиш босқичи мавзу хусусиятидан келиб чиқиб 10 дақиқадан бир неча кунгача давом этиши мумкин.

Рисёч (рисёчр) (инглизча research – ўрганиш, тадқиқот) – воқеа ҳақида батафсил, ярим ёпиқ маълумотларни йиғиш, шунингдек, бэкграунд деган маънони билдиради. Рисёчёр – ўрганишлар билан шуғулланувчи таҳририятдаги мутахассис.

Бэкграунд (инглизчадаги background – фон) – фонли, воқеа ҳақида қўшимча маълумот берувчи ўхшаш воқеалар ҳамда қатнашчилар тўғрисида далиллар.

Рисёчнинг асосий саволлари:

1. Олдин бундай воқеа содир бўлганми?
2. Унда кимлар иштирок этган?
3. Воқеанинг асосий қатнашчилари қайси ўринда ёрқинроқ намоён бўлган?
4. Бунга ўхшаш воқеалар одатда қандай якун топади?
5. Воқеага қандай статистик далиллар алоқадор?
6. Воқеа ривожининг қандай вариантлари бор?
7. Бу воқеанинг бошқа шунга ўхшаш воқеалар билан боғлиқлиги?

Буларнинг барчаси текширилиши керак.

3. Сюжетнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш.

Концепция (лотинчадан conception – тушуниш, тизим, мажмуа) – ҳолат ҳақида етарлича маълумот бера олувчи ғоя, қараш, тамойиллар мажмуаси. Концепцияда воқеа ҳақида тасаввур ҳосил бўлишга ҳисса қўшувчи барча жиҳатлар ўз аксини топади. Концепция доирасида:

- сюжет нимага тасвирга туширилиши;

- сюжетда нима ҳақида гап бориши (фабула);

- сюжетнинг асосий ғояси қандай бўлиши;

- ким, нима, қаерда ва қачон тасвирга олишни кузатиш орқали бу ғояни бойитишга хизмат қилувчи омиллар ҳисобга олинади.

Репортёр концепцияси тасвирга тушириш жараёнигача бўлган даврда ишланиши керак, тасвир жараёнида фикрлар яна бир бора пишитилади. Ғоясиз тасвирга чиқиш тавсия қилинмайди.

4. Мухаррир билан фикрни муҳокама қилиш. Профессионал жамоада бу мажбурий босқич ҳисобланади. Мухаррир мавзуга алоқадор бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этиши, ғояни ривожлантириши, шу орқали сюжет ҳажми кенгайтириши, умумлашмалар ортиши, сюжет салмоғи бир қадар кўтарилиши мумкин. Бу бош муҳаррирнинг мажбурияти ҳисобланади.

5. “Кўнғироқ қилиш” ёки “продюсерлик” босқичи: потенциал қаҳрамонлар билан кўнғироқлашиб сюжет мақсадига кирувчи деталлар – тасвирга туширишни келишиб олиш, вақт ва жойни аниқлаштириш кабилар киради. Аксарият телестудияларда бу иш билан продюсерлар шуғулланади. Агар улар билан мухбирнинг ўзи боғланидиган бўлса, унга қўшимча ахборот олиш учун имконият юзага келади.

Тасвирга олишни таъминлаш: продюсер билан ёки усиз тасвирга олиш учун шарт-шароитларни кўриб чиқиш керак:

- 1) транспорт билан тасвирга олиш жойига кира олиш;
- 2) тасвирга тушириш ишлари олиб бориладиган жой учун рухсатнома олиш;
- 3) кутилмаган об-ҳаво пайтида тасвирга тушириш учун кўшимча вариант – жой ҳозирлаш;
- 4) воқеани бир неча камера тасвирга тушираётган бўлса рақиблар билан ўзаро муносабатда бўлиш;
- 5) овқатланиш масалаларини ҳал этиш кабилар киради.
6. Тасвирчи билан ғояни муҳокама қилиш. Тасвирчининг асосий вазифаси тасвирга тушириш ҳисобланади. Муаллиф мавзунини унга тушунтириб, кўрсатма бериши лозим.

2. Продакшн

Тасвир жараёни. Сюжет учун керакли бўлган асосий элементлар – тасвирга тушириш, синхрон ва стенд-аппларни ёзиш.

Пост-продакшн

1. Тасвирга олинган видеоматериалларни кўриқдан ўтказиш. Бунда тайм-код (дақиқа ва сониялар)да муваффақиятли чиққан ва муҳим кадрлар, потенциал лайфлар белгилаб олинади.

2. Синхрон ва стендапплар расшифровка қилинади. Уларнинг давомийлиги, қайси сўздан қайси сўзгача сюжетда фойдаланиш мумкинлиги оддий қоғоз ёки компьютерда ёзилиб, тайм-кодда белгилаб олинади. Уларнинг ҳар биттасини сўзма-сўз расшифровка қилиш тавсия этилади. Бу жараёнда синхрондаги гапларнинг қайси бўлагини сюжетга қўйишни ўйлаб, белгилаб олиш учун имконият мавжуд. Қаҳрамонларнинг қандай гапиргани, уларда мантиқий изчилликнинг бузилмаганлиги, муҳаррир кўриги пайтида ҳам ёрқин кўриниб туриши керак;

3. Телесюжет матнини ёзиш.

4. Ўз-ўзини таҳрир қилиш: матнни тил ва услуб юзасидан, мантиқий нуқтаи назардан қайта ўқиб чиқиш.

5. Матнни муҳаррир билан бирга ўқиб чиқиш.

6. Кадр ортидаги матнни ўқиш(начитка).

7. Монтаж билан монтажчилар шуғулланади. Улар монтаж режиссёрлари деб ҳам аталади. Аммо, муаллиф бу жараёнда иштирок этади ва ғояни айтиб туради. Монтажчилар аксарият ҳолатларда уларнинг ғояларига буйсунадилар.

8. Тайёр сюжетни кўриқдан ўтказиш. Сюжет сифатини текшириш ва титрларнинг грамматик жиҳатдан тўғри ёзилганини кўздан кечириш.

Янгиликлар дастуридаги чиқишларда сюжет типлари:

Бош янгилик – хэдлинер (инглизчадан head line - сарлавҳа) – янгилик, информацион дастур одатда нисбатан муҳим ва тез етказиш керак бўлган хабар билан очилади.

Клифхэнгер (инглизчадан cliffhanger – таранг пайт, cliff - қоя) – аудиториянинг қабул қилиши биров қийин бўлган дастурдаги оғир сюжетли материал.

Дастур миhi – энг жиддий ва ҳамжмдор материал. Одатда бундай материалларда тахлилий журналистика узвлари мавжуд бўлади.

Янгиликларда ажралиб турадиган – кикер (инглизчадан *kicker* – тузоқ, қопқон, *kick* - тепки) – алоҳида хабар бўлиб, кўрсатувга алоҳида рух бағишлаб ва томошабин диққатини тортади. Одатда бундай янгиликлар дастур сўнгида берилади ва дам олиш кайфиятини юзага келтиради. Унинг бошқача профессионал номи бўлиб – у “бантик”, “капалак” деб ҳам аталади. Мисол учун, “Биринчи канал” (Россия) “Новости” ахборот дастури якунида Юрий Никулиннинг туғилган куни (2011 йил 18 декабрь) муносабати билан махсус телесюжет тайёрланиб, эфирга узатилди. Сюжетда у ижро этган фильмлардан лавҳалар, унинг чиқишларидан кадрлар, синхронлар тақдим этилди.

Дунёдаги айрим телекомпанияларда телемахсулот тайёрлаш технологияси тамойиллари бутунлай бошқача. Уларда репортёрлар умуман матн ёзишмайди. Буни EuroNews муҳаррирлари фаолиятида кўришимиз мумкин.

ПРОДАКШН. ТАСВИРГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДА МУХБИР - ТАСВИРЧИ МУНОСАБАТИ

1.Тасвирга олиш жараёнида мухбирнинг асосий вазифаси – маълумот тўплаш. Демак бу:

- далилларни аниқлаштириш;
- гувоҳлар, экспертлар ва иштирокчиларга саволлар бериш, улардан синхронларни ёзиб олиш;
- муҳим ҳужжат ва артефактларни топиш;
- қизиқарли тафсилот ва деталларга аҳамият қаратиш;
- сюжет учун асосий зиддиятларни аниқлаштириб олиш;
- воқеанинг ҳиссий-руҳий ҳолатига кириш кабилар.

Назарий жиҳатдан мухбир видеоқатор ҳақида ўйламаслиги керак. Сюжет муваффақияти кўп томондан маҳоратли тасвирчига боғлиқ. Воқеа билан алоқадор кадрларни тасвирга тушириб, видеокассетага тарихни муҳрлаётган операторнинг тажриба ва маҳорати сюжет томошабинбоплигини таъминлайди ва шунинг учун ҳам у мухбирнинг бу жараёндаги ягона ҳамфикри ҳисобланади.

2. Барча мухбирлар тасвирга олиш тартибини ва қайси кадрни нимадан кейин суратга олиш кераклигини билиши жоиз:

- ишни воқеа ёки вазиятнинг энг фаол кечаётган даврларини тасвирга туширишдан бошлаш керак, чунки бу жараён тез тугаб қолади ва бошқа қайтарилмайди;
- синхронларни воқеадан олдин ёки кейин ёзиш мумкин. Синхронни олдин ёзишнинг ижобий томони қаҳрамон кетиб қолиши ёки интервью учун кейин вақт етмаслиги мумкин. Аммо, тадбирдан олдин олинган интервью таассурот эмас, шунчаки шарҳ бўлиб қолади. Кўп ҳолларда воқеанинг мақсади тушунарли бўлгандан кейингина синхронга ўтилади;
- тасвир жараёнида турли пландан туриб, воқеа ривожини ва унинг экстремаллигини кўрсатиш керак;
- манзилни кўрсатувчи умумий план ёки “географик” жойлашувга аҳамият қаратилиши, воқеа қаерда содир бўлаётгани ҳақида аудиторияда муайян тушунча ҳосил бўлиши жоиз. Имкон борида, турли нукталардан туриб тасвирга тушириш тавсия этилади;

- синхронлар учун “перебивка”ларни тасвирга олиш. Одатда интервью бераётган шахснинг кийими, кўл ва кўзларининг йирик пландаги кўриниши, орқа фонда турган деталлар перебивка вазифасини ўтайди;

- панорама, яқинлаштириб-узоқлаштириб олиш тавсия этилмайди. Янгиликларда қатъий, бир жойдан туриб олинadиган кадрлар ишлатилади;

- тасвир жараёнини штативда олиш тавсия этилади. Аммо, истисно ҳолатлари ҳам мавжуд:

а) тезкор тасвирлар;

б) яширин камерада олинган тасвирлар;

в) жанжалли пайтлардаги оломон иштирокидаги тасвирлар;

г) штатив қўйиш мумкин бўлмаган жойларда (мисол учун, сувда ёки жудаям тор бўлган ҳорда);

д) ифодали восита ҳосил қилиш керак бўлган пайтларда штативдан фойдаланмаслик мумкин.

- қандайдир маъно касб этувчи гапирувчи деталлар йирик планда албатта керак;

- қизиқарли лайфлар жоиз;

- биринчи ва охири кадр лозим;

- 1 дақиқали эфир учун 6 дақиқали тасвир (“исходник”) зарур. Бу тахминий норматив. Белгиланган дақиқадан тасвирнинг кўпайиб кетишида на мазмун бор, на мантиқ. Қолаверса бу монтаж жараёнида ҳам жамоага мураккаблик келтириб чиқаради.

3. РенТВ талабига кўра, долзарб мавзудаги репортаж учун турли тоифадаги одамлардан энг камида учта синхрон бўлиши керак. Телемахсулотда битта одамдан интервью олиниши репортаж бўлолмайди.

Синхронларни ёзаётганда қуйидагиларга диққатни қаратиш керак:

1. Интервью бераётган шахс камерага қарамаса, бу энг яхши синхрон ҳисобланади.

2. Синхрон инсон нима биландир банд бўлган табиий иш жараёнида олинса анча самарали чиқади.

3. Синхронда фон муҳим аҳамият касб этади. У сюжет мавзусига алоқадор ва мос бўлиши зарур.

4. Интервью берувчининг мулоқот оҳанги – дўстона-холис бўлиши лозим. Айрим одамларда шундай кайфият мавжуд бўладики, улар ўзини камерадан четга олади. Баъзида ҳиссиётни юзага келтириш учун провокацион, атайлаб қитмир саволлар ҳам берилади.

5. Мутахассислар шахснинг орқа фонида жараён яққол намоён бўлишини назарда тутиб мухбирга ярим бурилган ҳолда интервью берилишини қўллаб-қувватлайдилар.

6. Интервью берувчи шахснинг ташқи кўриниши, яъни юзи кадрда яққол намоён бўлиши жоиз. Айрим ҳолатларда чироқнинг нотўғри қўйилиши, қуёш нурларининг юзга тушиб қолиши натижасида бу қоида бузилади. Бу ассистентларга боғлиқ ҳолат ҳисобланади.

7. Кадрда интервью берувчининг боши экраннинг тепа қисмига тегиб қолмаслиги, очиқ жой қолгани маъқул. Жараённинг кейинги босқичида

қўйиладиган титрлар юзнинг қуйи қисмини ёпиб қўйиши мумкин. Шу сабабли тасвирчи субтитрни эътиборга олган ҳолда кадрни тасвирга тушириши жоиз.

4. Тасвирга тушириш пайтида мухбир хатти-ҳаракатининг умумий қоидалари.

1. Тасвирга тушириш жойида кимгадир ёрдам керак бўлса, аввал тасвирга тушириб, сўнгга ёрдам бериш лозим.

2. Мухбирнинг жойи – тасвирчи билан бир қаторда.

3. Агар тасвирга тушириш жараёнида бир қанча рақиб телекомпанияларнинг мухбирлари фаолият олиб бораётган бўлса, рақибларга билдирмаган ҳолда қандайдир эксклюзивларни – қизиқарли гувоҳ, гапирувчи деталларни излаб топиш тавсия этилади.

4. Брифингларда бир қанча камералар ишлаб турган бўлса, бундай пайтда хушмуомала бўлиб, ўзаро бир-бирига ёрдам бериш керак. Мисол учун, микрофонларни ушлаб туриш мумкин.

5. Тасвирга тушириш пайтида диққатни тортадиган намоёишкорона ҳаракат қилмаслик жоиз. Фақатгина сув ёки шарбат ичишга рухсат берилади.

5. Тасвирчи билан ўзаро муносабатнинг умумий қоидалари.

1. Тасвирчида бўлажак сюжет ҳақида аниқ тасаввур бўлиши керак. Унга тадбирдаги жараён тўғрисида, воқеа жойида нима содир бўлаётгани, нимага диққатни кўпроқ қаратиш кераклиги ҳақида батафсил гапириб бериш жоиз.

2. Тасвирчини деярли ҳеч қачон ёлғиз қолдириб бўлмайди:

а) тасвирга олиш қийин бўлган жойларда – у дуч келиши мумкин бўлган тўсиқларни бартараф этиш, бинога кириш, юқори объектларга чиқишида тасвирчига ёрдам бериш;

б) тасвирчига жараён пайтида ҳеч ким ҳалақит қилмаслиги учун уни ҳар хил юзага келиши мумкин хавфлардан ҳимоя қилиш;

в) тасвирчига қизиқарли планларни тасвирга олишида атрофда содир бўлаётган муҳим ўзгаришларни ўтказиб юбормаслигида кўмаклашиб туриш;

г) тасвирчига кассета, батарея, микрофонни ўрнатиш ва штатив жойини ўзгартиришда кўмаклашиш кабилар киради.

3. Йирик мажлис ёки тадбирларни тасвирга олиш пайтида иштирок этаётганларнинг кўп қисми тасвирчи назарида бўлиши керак. Бу жараёнда тасвирчи билан ўзаро мулоқотда бўлиш, тушунтиришлар бериш, синхронлар ёзиш керак бўлган пайтда ишлатиладиган қуйидаги махсус белгилар бор:

а) қўл ёки бармоқни айлантериш – “ёзамиз”;

б) қўл ёки бармоқни хоч кўринишида кўрсатиш – “стоп, етарли”;

в) бармоқ билан қулоқнинг тепасини ушлаб кўрсатиш – “овоз муҳим, керак”;

г) қўл билан қулоқни кўрсатиб норози кайфиятда бошни қимирлатиш – “синхрон керак эмас, картинка етарли”;

д) бармоқлар билан тепани кўрсатиш – “диққат, кутамиз!” деган маънони билдиради.

4. Журналист тасвирчининг нима олаётганини кузатиши жуда зарур. Бу йиғилган кадрлардан келиб чиқиб сюжет матнини тайёрлашда нималарга аҳамият қаратиш, қайси жиҳатларга урғу бериш ва ифодалаш кераклигига ёрдам беради.

5.Тасвирчиларга “перебивка”лар кераклигини эслатиш фойдали.

6.Тасвирчини шошилтирмаслик, мавхум вазифалар қўймаслик ва гаплашиб чалғитмаслик керак.

7. Тасвирга олиш жараёни тугагач, операторнинг тадбирга алоқадор барча жиҳатларни тасвирга туширганлиги, қайси кадрлар жуда зарурлиги ва қайси кадрлар кераксизлиги ва уларни олиб ташлаш мумкинлигини ундан сўраш ҳам зарар қилмайди.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Телесюжет яратишнинг технологик босқичлари ҳақида маълумот беринг?
2. Пост-продакшн босқичи тўғрисида гапириб беринг?
3. Продакшн нима?
4. Пре-продакшн хусусида маълумот беринг?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

7-ДАРС 7-МАЪРУЗА

Мавзу: Телекўрсатув тайёрлаш технологияси

РЕЖА:

- 1.Сценарий ёзиш босқичи
- 2.Тасвирга олиш жараёни
3. Монтаж кетма-кетлиги
- 4.Умумий техник назорат

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

- ✓ Сценарий;
- ✓ Монтаж;
- ✓ Рақамли телевидение;



Олдинги мавзуларда репортёр фаолиятининг асосий хусусиятлари, телесюжет тайёрлашда аҳамият қаратиш керак жиҳатлар, маҳоратни оширишга хизмат қилувчи ижодий қирралар, жараёнда иштирок этувчи бошқа касб эгалари билан муносабат масалалари кўриб чиқилганди. Асосан ахборот жанридаги телемахсулотлар – репортаж, лавҳа, очерк, ҳисобот кабиларда қўлланиладиган кетма-кетликлар ҳақида сўз юритилганди. Эндиги жараёнда таҳлилий ва бадий-публицистик жанрлардаги кетма-кетликлар тўғрисида сўз боради. Биринчи бўлимда ўрганилган билимларни мазкур бўлим тўлдиради.

Телевидение учун профессионал, тематик, туркум кўрсатув тайёрлаш бир неча босқични қамраб олади. Одатда телемахсулот тайёрлашда кўпчилик аксарият ҳолларда биринчи босқич сифатида тасвирга олишни тилга олади. Аслидачи? Жараёни талабаларга ва умуман бўлажак ёш тележурналистларга тушунтиришнинг энг осон йўлларида бири бу ноанъанавий усуллардан фойдаланишдир. Қуйида педагогик технологиялардан бирини қўллаш орқали телекўрсатув тайёрлаш босқичлари кўриб чиқилади ва талаба мавзунини ўзлаштирмай туриб, мустақил ўқиганлари, тасаввурларга асосланган ҳолда мазкур жадвал ёрдамида ўз билимини синовдан ўтказиши.

№	Жараён номи	Тингловчи жавоби	Аниқ жавоб	Изоҳ ёки баҳо
1	Тасвирга олиш			
2	Объект танлаш			
3	Сценарий ёзиш			
4	Сценарийни тасдиқдан ўтказиш			
5	Оддий монтаж			
6	Мураккаб монтаж			
7	Кўрик (просмотр)			
8	Кўрик (просмотр)			

9	Кўрик (просмотр)			
10	УТН (умумий техник назорат)			
11	Қайта монтаж			

Объект танлаш

Телекўрсатув тайёрлаш учун бу дастлабки босқич ҳисобланади. Одатда журналист ижоди мавзу танлашдан бошланади. Кўп ҳолларда ҳаваскор ижодкорлар объект деганда суратга олиш учун мўлжалланган жойни назарда тутишади. Аслида бу жуда тўғри. Шунинг эса тутиш керакки, объектнинг асосини мавзу ташкил қилади. Мавзу йўналишига қараб, объект танлаб олинади. Мисол учун, телекўрсатув тайёрлаш учун **театр** мавзуси танлансаю, тасвирга олиш учун объект сифатида **кинотеатр** танланса бу мантиқсизлик бўларди. Шунинг учун ҳам, дастлабки жараён ўз ичига икки кичик босқич:

а) мавзунини аниқлаб олиш;

б) тасвирга олинadиган жойни белгилашни қамраган.

Сценарий ёзиш

(Бу босқич ҳақида олдинги мавзуда сўз юритилганди.)

Сценарийни тасдиқдан ўтказиш

Телевидениеда кузатилаётган ҳолатлардан бири, аксарият ижодкорлар аввал съёмкага чиқиб, тасвирга туширилган кадрларга таяниш асосида сценарий ёзадилар. Ваҳоланки, жаҳон журналистикасида бирор-бир мавзуда кўрсатув тайёрланар экан, аввал сценарий ёзилиб, сўнгра съёмкага чиқиш зарур. Бу эса энг аввало кўрсатувнинг мазмунан пишиқ бўлишига, иккинчидан режиссура нуқтаи назаридан кўрсатувнинг томошабинбоп чиқишига ёрдам беради. Энг асосийси, бу ҳуқуқий жиҳатдан ҳам жуда тўғри ҳисобланади.

Муаллиф томонидан ёзилган матн, режиссёр ва тасвирчи томонидан кўриб чиқилиши, суратга олинadиган жой, объектда мавжуд бўлган деталларнинг инобатга олиниши – барча асосий нуқталар батафсил ўрганилиб, сценарийнинг янада бойитилиши кўрсатувнинг профессионал чиқишининг асосий омил бўлиб хизмат қилади. Ўқувчида бир савол туғилиши мумкин. Айрим ҳолларда тезкор тасвирга олишга тўғри келади. Мисол учун, фавқулodда ҳолатларда – портлаш, ёнғин, йўл транспорт ҳодисаси, уруш кетаётган нуқталарда сценарий ёзиш кейинги даражага тушиб қолади. Яъни, сценарийни тасдиқлатиш тугул, муҳаррир топшириғи ҳам амал қилинмайди. Аммо, тезкор янгилик тайёрлаш учун маълум талаблар борлиги олдинги мавзуларда айтиб ўтилган эди. Дунёнинг етакчи телекомпанияларида фавқулodда ҳолатлар, давлат ва жамоат арбоблари, президентлар ҳаёти билан боғлиқ видеоматериаллар йиғиб борилади. Бу иш билан компанияларда алоҳида бўлимлар шуғулланади. Таниқли шахслар ҳаёти, уларнинг умри давомида содир бўлган энг асосий воқеалар билан боғлиқ маълумотлар, тасвирга олинган, аммо, томошабинларга тақдим этилмаган ноёб телетасвирларни ана шу бўлим архивидан топиш мумкин. Ҳар бир таниқли шахс ҳаёти билан боғлиқ кадрлар алоҳида дискка ёзиб қўйилади.

Мисол учун, 2003 йилда Америка Қўшма Штатларига уюштирилган сафар давомида ABC телекомпаниясидаги ана шундай бўлим фаолияти билан танишдик. (А.К.) Бирор таниқли шахснинг оламдан кўз юмиши, криминал

ҳолатларга аралашиб қолиши, ким биландир ишқий муносабатига доир миш-мишларга жавоб тариқасида ёки аудиторияни экран олдига кенгроқ жалб қилиш мақсадида ана шу бўлим фаол иш олиб боради. Натижада эса, биринчилик учун кетаётган жангда телехизмат ғалабага эришиши мумкин. Клинтон билан Мониканинг можаросини телеэкранларга намойиш этишда баъзан тарихий, баъзан ҳали экран юзини кўрмаган кадрлар ҳам намойиш этилган. Демак, бу айниқса ахборот жанридаги телеасарларда кўпроқ асқотади.

Телевизион журналистиканинг ахборот жанридан бошқа барча жанрларида тайёрланадиган кўрсатувларда албатта мавзу олдиндан танланиши, тасвирга олинадиган объект белгиланиши, сценарий ёзилиши ва албатта у бош муҳаррир томонидан тасдиқланиши зарур. Тасдиқланмаган сценарий билан телестудиядан на камерани, на съёмка учун мўлжалланган автоуловни олиб чиқиш мумкин. Сценарийни тасдиқдан ўтказиш телевидениенинг ички-тартиб қоидаларига амал қилиш билан бирга, тасвирга олиш жараёнида кетадиган барча харажатлар, ишчи кучи учун кетган маблағларни тўғри сарфланишига ҳам олиб келади. Демак, бу жараённи кўрсатув тайёрлашнинг алоҳида муҳим босқичи сифатида эътироф этиш керак. Ҳаваскор журналистлар бу жараённи ён дафтарларига йирик ҳарфлар билан ёзиб қўйганлари маъқул.

Тасвирга олиш

Тасвирга олиш телекўрсатув тайёрлашнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Телеасар учун ёзилган матннинг сифатига муаллиф, олинган тасвирлар сифатига режиссёр ва тасвирчи жавоб беради. Аммо, камера тасвирчи қўлида экан матн учун жавоб берадиган муаллиф ҳам, режиссура учун жавоб берадиган режиссёр ҳам унинг имкониятини тан олмасдан иложи йўқ. Бу ҳақда “БЖРТМ” формуласи” параграфида кенгроқ гапирилган эди.

Кўрик (просмотр)

Агар диққат билан қарайдиган бўлсак жадвалнинг учта жойида кўрик (просмотр) ўз аксини топган. Бу аудиторияда ўтирган тингловчи учун қизиқиш ва ҳайрат уйғотади. Нега бир марта эмас, уч марта? Ана шу уч босқич талабани чалғитиш билан бирга, машғулот охиригача саволга жавоб топиш учун қизиқиб ўтиришига олиб келади. Шу орқали у кўрсатув тайёрлашнинг ҳар бир босқичини тўлиқ тушунади.

Энди бевосита биринчи кўрикка эътибор қаратамиз. Биринчи кўрик одатда муаллиф ва режиссёр иштирокида амалга оширилади. Кўпгина телесудияларда монтаж хонасига киришдан олдин, тасвирга туширилган кадрларни кўриб чиқиш учун махсус хона ташкил этилган. Мисол учун, оддий монтаж жараёни учун атиги икки соат вақт ажратилган. Йиғилган кадрлар ҳажми эса 1 соату 35 дақиқа. 2 соатли вақт давомида кадрлар кўриб чиқилса, кўрсатув монтажи охирига етмаслиги мумкин. Кадрлар кўрикдан ўтмай, пала-партиш монтаж қилинса, кўрсатув сифатига путур етади. Шунинг учун ҳам, оддий монтажга кирмасдан илгари кадрларнинг сценарий муаллифи ва режиссёр томонидан кўрикдан ўтказилиши жуда зарур.

Мазкур кўрик жараёни давомида сценарийга мос тарзда олинган кадрларнинг дақиқа, сонияларигача тайм-кодда расшифровка қилиниб,

сифатлилари сараланиб, ҳаммаси ёзиб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Мисол учун, видеоёзувнинг 7-дақиқаси 23-сониясидан 8-дақиқа 55-сониясигача сценарийнинг асосий қисмини ташкил этувчи тасвирга мос матн мавжуд бўлса, бу рақамлар журналист ён дафтарига албатта ёзиб қўйилиши керак. Матн ва тасвир вобасталиги ана шу йўл билан аниқланиб, оддий монтажга тайёр бўлиб кирилади. Шунингдек, олинган интервьюларнинг асосий қисми, мағизи шу жойда белгилаб олинishi оддий монтаж жараёнидаги ишни бироз енгиллаштиради. Яъни, суҳбатдош 7 дақиқаю 10 сония гапирган бўлиши мумкин. Бизга эса унинг 2 дақиқали сўзи керак, холос. Биз ана шу икки дақиқани суҳбатдош сўзини обдон тинглаб, саволнинг тўлиқ жавоби қайси дақиқа, сонияларда акс этганига қараб белгилаб оламиз ва оддий монтаж жараёнида осонгина кесиб, кадрни кадрга улаб кетаверамиз. Бир сўз билан айтганда, мазкур босқич оддий монтаж учун пойдевор вазифасини бажаради.

Оддий монтаж

Мазкур босқичларни навбати билан қайд этишда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси журналистлари тажрибаларига таянилган. Монтаж босқичларини оддий ва мураккабга ажратмасдан бир йўла фақат “монтаж” деб ҳам аташ мумкин эди. Аммо, босқичларни тингловчиларга тўлиқ, кенгрок ва қизиқарли тарзда тушунтириш, жараёнларнинг икир-чикирларигача етказиш мақсади билан уни икки қисмга ажратиб тақдим қилдик.

Оддий монтаж столи учун зарур техникалар:

- тасвир узатувчи магнитофон;
- тасвир қабул қилиб, монтаж қилувчи магнитофон (мастер);
- овоз колонкаси;
- микрофон;
- тасвир узатувчи магнитофон монитори;
- монтаж қилувчи магнитофон монитори.

Оддий монтаж жараёни съёмка қилинган материаллар кўрик қилиниб, керакли кадрлар белгилаб олингандан сўнг бошланади. Дастлаб, кўрсатувда бериладиган тасвирлар ва интервьюлар навбати билан бирма-бир териб чиқилади. Кадр ортидан ўқилган аудиоёзув (матн), видео (тасвир) билан ёпиб чиқилади. Шу тахлит кўрсатув шажараси тайёр бўлади. Бу жараёнда муаллиф, бошловчи (диктор), режиссёр, монтажчи ҳамкорликда ишлайдилар. Ҳозирда оддий монтаж жараёни мураккаб монтажга тегишли бўлган баъзи бир кичик жараёнларни ўзида қамраб оляпти.

Мураккаб монтаж

Мураккаб монтаж кўрсатув тайёрлашнинг асосий босқичи ҳисобланади. Чунки, ана шу монтаж хонасидан кўрсатув деярли тайёр бўлиб чиқади.

Мураккаб монтаж столи

Мураккаб монтаж столи учун зарур бўлган техникалар:

- тасвир узатувчи магнитофон “SP”;
- тасвир узатувчи магнитофон “SX”;
- тасвир узатувчи магнитофон “VHS”;
- тасвир узатувчи магнитофон “DV”;
- монтаж қилувчи мастер магнитофон;
- мусиқа ёзиш маркази;

- монтаж компьюттери;
- ёзувлар учун компьюттер машинкаси;
- овоз колонкалари;
- овоз созловчи ускуналар;
- махсус микрофонлар;
- ҳар бир магнитофон учун биттадан монитор.

Мураккаб монтаж жараёни

Кўрсатув оддий монтаждан чиққандан сўнг, мураккаб монтаж ишлари бошланади. Мураккаб монтажда оддий монтаж вақтида териб чиқилган барча материаллар қайта ишлаб чиқилади. Булар:

- мураккаб эффектлар бажарилади;
- ранглар ишланади;
- ёзувлар (титрлар) қўйиб чиқилади;
- мусиқа ёзилади;
- тасвирдаги ва тасвир ортидаги овозлар коррекция қилинади;
- тасвирдан тасвирга ўтишда фон ва микшер қўйилади.

Бундан ташқари, мураккаб монтаж жараёнида шапка қўйилиб, оддий монтажда йиғилган кўрсатувнинг хомаклари варианты унга уланади. Бошловчи, иштирокчилар, интервью берганлар, дастур ижодкорларининг титрлари ҳам мураккаб монтаж жараёнида қўйиб чиқилади. Одатда кўрсатув ё шовқин (интершум) билан, ё мусиқа билан безалади. Қандайдир қайноқ жойдан олинган репортаж табиий жараён – шовқин билан берилса, у янада жонлилиқ касб этади. Кўп ҳолларда эса мусикадан фойдаланилади. Кўрсатув орасида берилувчи отбивка ва перебивкалар ана шу монтаж жараёнида жойлаштирилади.

Мураккаб монтаж вақтида муаллиф, режиссёр, овоз режиссёри, мусиқа муҳаррири, видеомуҳандис иштирок этади. Бу жараёндан сўнг кўрсатув эфирга тўлиқ тайёр бўлиши керак. Ҳар хил мураккаб эффектлар, ноёб технологик телевизион дизайн, мураккаб монтаж столининг бошқа сиру-синаотлари ана шу жараёнда ўз аксини тўлиқ топади. Биз ёш ҳаваскорларга кўрсатув тайёрлашнинг муҳим босқичи ҳисобланган мураккаб монтаж жараёни ҳақида дастлабки маълумотнигина бердик, холос. Бу аслида жуда мураккаб, муҳим ва айти пайтда масъулият талаб қиладиган босқич эканлигини тележурналист бўлишни истаган ҳар қандай ёш ҳаваскор ижодкорлар албатта теран англашлари керак.

Кўрик (просмотр)

Аслида бу жараёни муҳаррир кўриги деб ҳам аташ мумкин эди. Аммо, аудиторияни қизиқтириш ва ёш ижодкорларни мавзуни чуқурроқ англашларига эришиш учун ҳар учала босқични бир хилда кўрик (просмотр) деб бердик. Кўрсатув муҳаррири дастурни кўздан кечирар экан, айрим ҳолатларга, жумладан, кўтарилган мавзу, унинг объектив ёритилиши, ўртага ташланган фикр-мулоҳазаларнинг холислиги, таҳрир нуқтаи назаридан услубий, грамматик жиҳатдан матннинг тузилиши ва ифода этилиши кўриб чиқилади. Савол туғилиши мумкин: кўрсатув сценарийси тасдиқланган эди-ку?

Тасдиқлангани тўғри, аммо орадан ўтган шунча вақт, жараёндан сўнг айрим ўзгаришлар содир бўлиб, сценарийга янгича қараш, фикр ва ғоялар киритилиши мумкин. Чунки, ижод янгиликни, ўзига хос ёндашувларни талаб қилади. Бу ўзгаришлардан муҳаррирнинг хабардор бўлиши журналист фаолиятининг кафолатидир.

Жаҳоннинг кўзга кўринган йирик телехизматлари ўз журналисти бераётган хабарнинг нақадар тўғрилигини текшириш учун тегишли ташкилотлар билан боғланиб, хабар ҳақиқатга мос келсагина ўз эфирларига қўяди (А.Бердиқулов, Си-Эн-Эн телехизмати маърузалар матни). Кўрсатув муҳаррир кўригидан тўлиқ ўтгандан кейин техник назоратга жўнатилади. Агар маълум камчиликлар кўрсатилса, умумий техник назоратдан олдин кўрсатув қайта монтажга жўнатилади. Биз тузган жадвал шу жойда биров ўзгариши мумкин. Аммо, кўп ҳолларда бу жадвал ўзгаришсиз қолади.

УТН (умумий техник назорат)

Жадвал кўринишида талабага тақдим этилган топшириқнинг илк дақиқалариданок, кўпчилик бу жараёни камера, микрофон, монтаж столларининг техник созлиги, умумий техник ҳолатининг назорати деган хулосага кела бошлайди. Замонавий тележурналистика сирларидан, телерадиостудиялар ички тузилишидан, тақдим қилинаётган телекўрсатув тайёрлаш босқичларидан хабардор бўлмаган ёш ижодкорлар шундай жавоб беришлари табиий. Ҳар бир техник жиҳознинг соз ёки носозлиги учун тасвиргача бўлган даврда иш олиб борувчи техник ходимлардан иборат бўлган бўлимлар жавоб беришади. Ҳатто съёмка учун ажратилган автоуловнинг техник ҳолатига жавоб берувчи бўлинмалар мавжуд. Буларни кўрсатув тайёрлаш босқичига киритиб бўлмайди.

Умумий техник назорат билан шуғулланувчи гуруҳнинг асосий вазифаси тайёр кўрсатувнинг техник ҳолатига баҳо беришдир. Баъзида кассетада айрим камчилик(брак)лар, хира кадрлар бўлиши мумкин. Агар бўлим ходимлари кўрсатув техник жиҳатдан талабга жавоб бермайди деб хулоса чиқаришса, у эфирдан олиб ташланади ёки ўша хира жойни тозалаш шарти билан қайта монтажга жўнатилади. Ёхуд, жавобгарлик муаллифга юклатилади.

Телемахсулот тайёрлашдаги сўнгги икки босқичга камдан-кам ҳолатларда эҳтиёж туғилади. Юқорида айтиб ўтилганидек, кўрсатув муҳаррир кўриги ва умумий техник назорат талабларига жавоб бермаган тақдирдагина қайта монтаж босқичини ўташи мумкин. Мазкур босқичда камчиликлар тузатилади ва охириги марта кўрикдан ўтказилади. У талабга жавоб берсагина, телеканалга узатиш учун тақдим этилади.

Шундай қилиб, кўрсатув тайёрлаш мавзу танлашдан бошлаб, эфирга узатишгача бўлган жараёндан иборат босқичларни ўз ичига олади. Фавқулодда содир бўлган воқеа-ҳодисаларни кенг томошабинга етказиш учун олдиндан сценарий ёзиш мантиққа зид. Шунинг учун бу босқичларни информацион дастурларда тўла қўллаш ноўрин ва фойдасиз. Телемахсулот тайёрлаш билан боғлиқ жараёнларни назарий жиҳатдан тушунтириш қанча мураккаб бўлмасин, мазкур мавзунини ҳаваскор журналистларга сингдиришда замонавий педагогик технологиялар алоҳида аҳамият касб этади. Бу сиз ёш ижодкорлар учун кичик бир йўлланма, холос. Ҳақиқий ижодий жараён амалиётда синаб кўрилади.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Сценарий қандай ёзилади?
2. Тасвирга олиш жараёнида режиссёр ва тасвирчининг ўрни ва мажбуриятлари қандай?
3. Монтажнинг техник турлари ҳақида ахборот беринг?
4. Умумий техник назорат нега керак?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

8-ДАРС 8-МАЪРУЗА

Мавзу: Нодавлат телевидениелар

Режа:

1. Дастлабки нодавлат телеканаллар
2. Ўзбекистон Электрон Оммавий Ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳақида маълумот
3. Вилоятларда нодавлат телеканаллар фаолияти
4. Хусусий телеканалларнинг бугунги куни

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Телесериал;
- ✓ Клип;
- ✓

Ўзбекистонда нодавлат телевидениелар ўтган асрнинг 90-йиллар бошларида вужудга келди. Нодавлат радиоканаллар тараққиёти пойтахтда жадал ривожланган бўлса, нодавлат телеканаллар асосан вилоятларда тараққий этди. Кейинчалик пойтахтда ҳам нодавлат каналлар пайдо бўла бошлади “Чирчиқ ТВ” телевидениеси республикамиздаги биринчи бўлиб ташкил этилган хусусий телевидение ҳисобланади. Олти кишидан иборат ташаббускор гуруҳ 1990 йил декабрда Чирчиқ Шаҳар ҳокимиятининг муассис сифатида ўшбу ташаббусни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши натижасида. 1994 йили телемарказнинг ўз кўрсатувлари, ўз эфир вақти юзага келди.

Эндиликда эса мазкур телевидение Қибрай ва Бўстонлиқ туманларини ҳам қамраб олди. 120 000 кишилик томошабинига эга. Пойтахтда фаолият олиб борган дастлабки нодавлат ТВ “30-канал” эди. Канал дастурлари 1997 йилнинг ёзидан бошлаб эфирга узатилган. Дастлаб томошабинлар эътиборига тақдим этилган сериаллар, видеофильмлар, айрим кўрсатувлар уларнинг русийзабон томошабинларга мўлжаллашганидан далолат беради.

Кўрсатувлар асосан сериаллар, детектив, жангари фильмлар, тарихий драмалар, турли комедиялардан иборат эди. Уларнинг аксарияти Америка Қўшма Штатлари, Франция, Испания, Венесуэла, Канада, Австралия, Россияда ишлаб чиқарилган кино ва видеомасхулотлар ҳисобланади.

Каналнинг “ТВ ҳамкор”, “Карапуз ТВ”, “Тунги мульттик”, “Мунажжимлар тавсияси”, дам олиш кунларидаги “Туғилган кунинг билан”, “Музқаймоқ” каби оригинал кўрсатувлари ҳам бор эди. Мазкур канал ўз кўрсатувларини салкам ўн йил томошабинлар эътиборига ҳавола қилди.

Вилоятларда фаолият олиб боровчи нодавлат каналлардан яна бири “Истиқлол ТВ” (Бухоро) бўлиб, қисқа давр ичида ўзининг доимий телетомошабинларига эга бўлган бу ижодий ва техник жамоа вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги долзарб муаммоларни, ҳамюртларимиз эришаётган ютуқларни, шарқона қадриятларга асосланган миллатимиз турмуш тарзини ўзида мужассам этган ўнлаб кўрсатувлар билан тўлақонли намоиш

эта олди. Айнан ана шундай мавзулардаги қатор телекўрсатувларнинг турли танловларда совринли ўринларни олганлиги ҳам фикримиз исботидир.

Нодавлат телерадиоузатувчиларнинг фуқаролик жамиятини барпо этишда фаол иштироки, Ўзбекистонда электрон оммавий ахборот воситалари бозорини шакллантириш ва уни янада ривожлантиришда уларнинг фаоллигини ошириш мувофиқлаштириш Ўзбекистон Электрон Оммавий Ахборот воситалари миллий ассоциациясининг(ЎзЭОАВМА) асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу ассоциация ташаббуси билан мамлакатимиз журналистикаси тарихида илк бор “Журналистларнинг Этика кодекси” ва “Телерадиоузатувчилар Хартияси” қабул қилинди.

Ассоциация нодавлат электрон оммавий ахборот воситаларига ҳар томонлама кўмак кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда фаол фуқаролик позициясига эга Ўзбекистон журналистлари олдида халқимизни воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги оддий ахборот билан таъминлашгина эмас, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини етказишдек вазифа ҳам турибди. Шу боис ҳам жамиятнинг турли қатламларини бирлаштириш, қолаверса, босқичма-босқич аҳоли, экспертлар жамияти ва ҳокимият бўғинларининг ўзаро мулоқот ва муносабат тизимини нодавлат телерадиостудиялар эфирида акс эттиришга қаратилган ижтимоий дастурлар ўрин олган. Пировард натижада эса нодавлат телерадиоузатувчилар қадамба-қадам яратувчи, мустақил Ўзбекистоннинг келгусида янада ривожланишига муносиб ҳисса қўшувчи кучга айланмоқда.

Нодавлат телерадиоузатувчилар ҳудудларда истиқомат қилувчи аҳоли қатламларининг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш, бу борада ҳудудий телерадиостанцияларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижодий ва техник ходимларнинг касбий малакасини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш, журналистларнинг ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштирокини жадаллаштиришга йўналтирилган.

Бугун вилоятларда ўнлаб нодавлат телеканаллар фаолият олиб боради. Улар томонидан тақдим этилаётган турли лойиҳалар аҳолининг ахборот олишга бўлган эҳтиёжини қондиришда, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашини ошишида ва бошқа соҳаларда катта ёрдам бермоқда. Нодавлат телеканаллар телетармоғи ўз кўрсатувларини вилоятларда намойиш этаётган эди. Унда ҳудудларда фаолият олиб боровчи нодавлат телеканалларнинг энг яхши, деб топилган лойиҳалари танлаб олиниб, эфирга узатилиши йўлга қўйилди. НТТ ўз кўрсатувларини Тошкентда ҳам намойиш эта бошлади.

“Тараққиёт”(Андижон) телерадиокомпанияси, “Мулоқот”(Кўкон), “Марғилон ТВ”, “Коинот”(Бухоро), “Осиё”(Бухоро), “Қизилқум”(Навоий), “Бекобод ойнаи жаҳони”, “СТВ Самарқанд”, “Ишонч”(Термиз), “ДеновАТР” каби вилоятларда фаолият олиб боровчи каналлар ўз мухлислари учун хизмат қиляпти. Уларни ЎзЭОАВМА доимий равишда қўллаб-қувватлаб келмоқда.

ОАВ, жумладан ТВнинг рекреатив вазифаси одамларнинг даромади кўпайиши, бўш вақти ошиши омиллари билан маълум даражада боғлиқ. Профессор Я.Засурскийнинг ёзишича, “бўш вақт саноати, кўнгилочар дастурлар индустрияси замонавий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмига айланиб бормоқда, одамларда бўш вақт кўпайгани сари бу янги даромад

бугунги кунда айнан хизмат кўрсатиш соҳаси, оммавий маданият ва ОАВ – яъни бўш вақтни тўлдиришга қаратилган соҳаларга айланмоқда”.³⁸

Кейинги йилларда асосан кўнгил очишга мўлжалланган нашр (газета, журнал)лар, эфир, экранда янги дастурлар кўплаб пайдо бўлаётганлиги, биринчидан, ОАВнинг рекреатив вазифаси ошаётганлиги далили ва натижаси бўлса, иккинчидан, бу соҳа мутахассисларининг сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ҳаётга оид жиддий янгиликларни ёритиш, чоп этишга сарфланадиган харажатлардан қочиб, кўпчиликнинг эътиборини тез жалб этадиган енгил мавзуларни афзал билиши, айниқса, Ғарбда жиддий мавзулар инқирозга юз тутиб, шахвоний ва можароли манзаралар намоёнишига зўр берилаётгани билан изоҳланади. Бу ҳам дунё телевидениеси ривожланишининг муҳим тамойили. Хўш, жаҳонда рекреативлик муҳим аҳамият касб этаётган бир даврда мамлакатимиздаги ҳолат қандай?

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим хусусияти тадбиркорлик бўлиб, у йилдан-йил қадр топиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо ва транспорт хизмати кўрсатиш, умумий овқатланиш каби турли соҳа ва жабҳаларда фаолиятнинг асосий шакли бўлиб қолди. У санъат соҳасига кириб келиб шоу-бизнес, оммавий ахборот воситалари фаолиятида намоён бўлиб медиабизнес тушунчаси пайдо бўлди. Тадбиркорликнинг асосий мақсади, табиийки, даромад, фойда олиш, пул ишлаб топиш саналади. Шоу-бизнес билан шуғулланиб фойда олишга ҳам эндиликда табиий ҳол сифатида қаралмоқда. Кейинги пайтларда — асосан санъат соҳасидаги тадбиркорликни англаувчи шоу-бизнес деганлари ҳам ҳаётимизга шиддат билан кириб келди. Медиабизнес ва шоу-бизнеснинг ривожланишини айро тасаввур этиб бўлмайди. Рекреатив журналистиканинг нодавлат телетармоқлардаги ўрни ва аҳамияти ана шу икки соҳа ривожини билан чамбарчас боғлиқ.

Эътибор берилса, мамлакат оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение соҳаси сўнгги йилларда ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан тубдан ўзгарди. Уларда бериладиган телемахсулотлар янгича шакл ва услубларда намоён бўла бошлади. Бугунги шиддатли ва тезкор замон, олиб борилаётган ислохотлар, кишилар онги ва шууридаги ўзгаришлар, шу жумладан, ижодий ишларга қўйилаётган талаблар ортиши телевидениенинг янада такомиллашувини тақозо этмоқда. Тележурналистика ҳар қачонгидан ҳам шиддатли ўзгаришлар жараёнини бошдан кечирмоқда.

Ўзбекистонда нодавлат телетармоқларнинг тараққиёти дастлаб вилоятларда кўзда ташланган бўлса, кейинчалик марказда шиддат билан ривожланиш кўзга ташланди. Кейинги йилларда “МУ5”, “Ўзрепорт”, “Миллий”, “Зўр ТВ” каналлари юзага келди ва уларга аҳоли қатламининг қизиқиши жуда юқори. Аҳоли талаб ва эҳтиёжлари юқорилигининг бир нечта сабаблари бор. Маълумки, нодавлат телеканаллар медиабозорда ўз ўрнини топишга интилади. Тижорат телеканалларининг бош мақсади реклама ва даромад олиш деб белгиланар экан, реклама берувчилар канал очилиши билан мана менинг махсулотим, эфирга қўйинг деган ваз билан канал эшигини дарров тақиллатмайди. Каналнинг мавқеи, аудиторияси – ёши, қатлами, гендер

³⁸ Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий. М.: Изд-во МГУ, 2000. – С.26.

муносабатлари ва бошқа жиҳатлар реклама берувчилар ёки агентлар томонидан тўла ўрганилиб, фойдалилик даражаси тахмин қилинади.

Каналлар юқорида қайд этилган омилларни англагани ҳолда, аҳолини жалб этишнинг энг мақбул йўллари амалда жорий этмоқда. Каналлараро ўзаро рақобат муҳити, аудитория учун кураш тележурналистлардан янада изланувчанлик, топқирлик ва касбий маҳоратга эришишни тақозо этмоқда. Эстрада санъати соҳасида халқ севиб тинглайдиган ёки қуйлайдиган кўшиқларга нисбатан хит ёки шедевр даражасига кўтарилган кўшиқлар деган ибора қўлланилади. Худди, шу каби миллий телевидение соҳасида юқори чўққиларни забт этган, халқ қалбидан чуқур жой эгаллаган “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Телевизион минитаюралар театри” сингари телевизион лойиҳалар мавжуд. Халқ уларни ҳалигача кўмсайди ва эслаб туради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясига “Маҳалла” телеканалида ҳар ойда “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” телекўрсатувининг биттадан янги сериясини тайёрлаш ва намойиш этиш³⁹ вазифаси юкланган.

Фармон чиқмасдан бир неча ҳафта илгари “Ўзбекистон” телеканали фишқасига айланган кўрсатув яқиндагина ташкил этилган “Milliy TV” телеканали дастурларига (“Оталар сўзи...” бошловчи Мираббос Мирзааҳмедов) олиб кирилди. Дастлаб “Ёшлар” кейинчалик “Ўзбекистон” каналида эфирга узатилган Асрор Абдорхўжаевнинг “Меҳр кўзда” телелойиҳаси “Зўр ТВ”да пайдо бўлди. Аммо, мазкур лойиҳа олдингисидан биров фарқ қилади. Илгари объектив ва субъектив сабаблар туфайли бир-бирини йўқотиб қўйган инсонларни қайта юзлаштириш – “Меҳр кўзда” кўрсатувининг концепциясини ташкил этарди.

Телевизион лойиҳанинг ўзбек халқи руҳига ниҳоятда яқинлиги, миллий хусусиятлар инобатга олиб тайёрланиши унинг қисқа муддатда миллий кўрсатув сифатида томошабин қалбидан чуқур жой эгаллашига олиб келганди. Кўрсатувнинг дастлабки муваффақияти унинг номи билан белгиланади. “Меҳр кўзда”нинг ўзбекча жаранги ҳамда оҳанграбоси лойиҳанинг муваффақият калити ҳисобланади. Муаллифнинг таъкидлашича, миллатимизга, халқимизга хос бўлган миллийликни кўрсатган ҳолда, одамлар орасидаги меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш – дастурнинг асосий мақсади бўлган.

Кўрсатув таъсир доирасининг кенгайиши ва оммалашуви сабабларидан бири – соғинч, дийдор, меҳр каби инсоннинг нозик туйғуларига дахлдорлиги. Бу сифатлар “Меҳр кўзда”нинг янги форматдаги намойишида ҳам айнан сақланиб қолган. Унда ўзбек рақс санъати ривожига катта ҳисса қўшган таниқли санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Мукаррама Турғунбоева ҳақида сўз юритилди. Кўрсатувда томошабинлар, санъаткор билан бирга ишлаган Маъмура Эргашева, Насиба Мадрахимова, Зиёда Мадрахимова, Хайрулла Лутфуллаев сингари дўстлари, шогирдлари ҳамда соҳани давом эттираётган

³⁹ <http://www.uza.uz>, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш “Нуроний” жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 29.12.2016.

ёшлар қатнашдилар⁴⁰. Ток-шоуда Мукаррама Турғунбоеванинг миллий рақс санъатида тутган ўрни, соҳа ривожига қўшган ҳиссаси, у яратган мактабнинг хусусиятлари хусусида сўз юритилди.

“Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Меҳр кўзда” сингари телевизион лойиҳаларнинг қайтиши – хусусий телеканалларнинг аҳолини жалб этиш сари қўйилган муҳим қадамлардан бири саналади. Бу кўрсатувлар аҳолига ўзгача руҳ – эстетик завқ, маънавий ҳордиқ бағишлайди. Рекреативликнинг нодавлат телеканаллар дастурларига тарқалишининг энг самарали омилларидан бири сифатида мазкур жиҳатни алоҳида таъкидлаш мумкин.

Рекреативликнинг нодавлат телеканалларда тарқалишида дунё тажрибасида қўлланилаётган энг сўнгги усуллардан фойдаланиш урф бўлмоқда. Жумладан, шоу-бизнес вакиллариининг телевизион ижодга жалб этилаётгани машҳурликни таъминлайди. Бунга мисол тариқасида “Зўр ТВ”нинг “Хонтахта” (Жаҳонгир Позилжонов), “Божалар- community” (Жаҳонгир Позилжонов), “The cover up” (Алишер Узоқов), каби лойиҳаларни келтириш мумкин.

“The cover up” шоусининг илк сони 2017 йил 12 март куни 19:30да эфирга узатилган.⁴¹ Жонли ижро тарғиботига бағишланган мазкур лойиҳа ғояси ва концепцияси яхши ўйлаб топилган. Ният холис. Аммо, инглизча ном қўйилганини қўллаб-қувватлаш қийин. Жаҳонгир Отажонов экспертлигида эфирга чиққан махсус сонида санъаткор ижросида айтилган кўшиқлар Машҳурбек Раимжонов, Умидахон, Рухшона, Шахзод Муродов сингари ёш ижрочилар томонидан қўйлаб берилди ва мутахассис томонидан баҳоланди⁴².

“Зўр ТВ” телеканалининг “Хонтахта” телелойиҳасининг Наврўз кунги сонида Бошловчи Ж.Позилжонов меҳмон сифатида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мирзабек Холмедов ва Рашид Холиқовларни кўрсатувга чақирди. Шоу номи халққа яқин. Сухбат самимий ўтди, аудитория маза қилиб дам олди. Бачкана гап-сўзлар ҳам учради. Аммо, чегара бузиб ўтилмади. Рекреатив чиқишларга эътиборнинг кучайгани яхши. Лекин, ҳар қандай гапни ўйнаб туриб, ўйлатадиган қилиб кўрсатувлар кўпайиши керак. Кўрсатув қачон халқники бўлади. У халқ тилида халқона қилиб айтилса ўшандагина халқ уни илиқ қабул қилади.

Телеканаллардаги чиқишлар бўйича жамоатчилик ва мутахассислар ўз мулоҳазаларини билдириб келган. Жумладан, “Бугун “Milliy TV” телеканалида ҳам дунёнинг бошқа телевидениеларидан кўчирилган кўрсатувлар йўқ эмас. Бунга мисол тариқасида “MTV Show” дастурини келтириш мумкин. Кўрсатув “Вечерний Ургант” кўрсатуvidан кўчирилган бўлса-да, бу кўчирмакашлик муваффақиятли ва айни дамда “қимматбаҳо” чиққан.⁴³ – деб ёзади журналист Қ.Шайхов. Кўрсатув бошловчилигига Миршакар Файзуллаев, Достон Убайдуллаев, Ўткир Муҳаммадхўжаев, Женисбек Пиязов жалб этилган. Журналист Д.Рўзиева хусусий телеканаллар фаолиятига оид мақоласида:

⁴⁰ “Меҳр кўзда”, “Зўр ТВ” телеканали, 2017 йил 2.04.

⁴¹ https://radonvideo.ru/vid/watch/_LJivzuOdEo

⁴² “The cover up”, 02.04.2017.

⁴³ Шайхов Қ. “My5”, “Milliy TV”, “Zo’r TV”: Кимда қандай савия-ю, телеаудитория?

<http://mail.zakovat.uz/content/read9426.html>.

“Миллий ТВ” телеканалли орқали эфирга узатилаётган айрим кўрсатувлар асрлар давомида шаклланган, бебаҳо кадриятларимиз ва анъаналаримиздан узоклашишга хизмат қияпти, десак, хато бўлмайди. Масалан, яқинда эфирга узатилган теледастурларнинг бирида Миршакар исмли бошловчи аёлларнинг лаб бўёғини суриб, буни ҳазилга йўйди. Ахир ўзбек йигитларининг эркаклик гурури ва орияти қаерда қолди?”⁴⁴ –дея куюниб ёзади.

Айни пайтда мамлакатимизда телеканаллар сони ва салмоғи ошди, дастурлар мундарижаси анча кенгайди. Истиқлолнинг илк йилларида атиги бир нечта телеканал фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 70 дан зиёд. Кўрсатувлар камрови, йўналиши, савияси ҳам сезиларли юксалмоқда: турли мавзуларда кўрсатув ва ток-шоулар, кўнгилочар дастурлар халқимиз эътиборига ҳавола этилаётир. Ўзбекистонда телевидение соҳаси тараққиёти силсилисида нодавлат телеканалларнинг ҳам ривожланаётганини ва айни пайтда уларда креативлик (ижодкорлик)ка кенг эътибор қаратилаётгани, янги ғоя ва лойиҳаларнинг жорийланаётгани аҳолини теледастурларга қизиқтиради. Мисол учун, МУ5 телеканалининг “Марказий студия” лойиҳаси миллий телеканалларда учрамаган алоҳида медиамаҳсулот сифатида оммани жалб этмоқда. Хусусий телеканалларда эркинлик ва тасвирга чуқур эътибор қаратилаётгани улар муваффақиятини таъминлайди.

Нодавлат телетармоқларда кўрсатувлар сифатини ошириш учун оммани фақат дам олишига кўмаклашадиган эмас, фикрлашга ундайдиган, уларни қизиқтира оладиган, фанга, илмга бошлай оладиган, стимул бера оладиган, мулоқотга чорлай оладиган янги лойиҳалар зарур. Бошловчи томошабинга шахсий намуна бўлиши – кийиниш маданияти, нутқ маданияти сингари жиҳатларга эътибор зарур. Ва энг асосийси кўрсатувлар сифатини ошириш учун профессионализм керак.

Рекреациядан воз кечмаган ҳолда, фикр ва рекреация омухталаштирилган медиамаҳсулотлар яратишга кенг эътибор берилсагина кўзланган мақсадга эришилади. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли психологиясига жиддий таъсир кўрсатмоқда, чунончи кишиларда дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва кўнгил очиш руҳидаги кўрсатувларга мойиллик кучаймоқда. Ушбу талаблар асосида ёки жавоб ўлароқ, телевидениеда рекреатив кўрсатувлар туркуми вужудга келди, оёққа турди, шаклланди ва бу жараён давом этаётир. Каналлараро рақобат шароитида реклама ва пул топиш, медиабизнесда ғалаба қозониш учун рекреатив ёки кўнгилочар элементлардан фойдаланилар экан, улар “оммавий маданият”нинг илдиз отиб кетишига, аҳоли маънавиятининг тушишига сабаб бўлмаслиги, балки, ахборотни етказишда, томошабин томонидан осон ва енгил қабул қилинишида ёрдамчи технология сифатида намоён бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Ўзбекистонда нодавлат телеканалларнинг пайдо бўлиши хусусида ахборот беринг?

⁴⁴ Рўзиева Д. Ойнаи жаҳон маънавиятимиз кўзгуси бўлсин, 29.03.2017. <http://milliytiklanish.uz/>

2. ЎзЭОАВМА мақсади ва вазифалари ҳақида гапириб беринг?
3. Вилоятлардаги хусусий каналларга баҳо беринг?
4. Ҳозирда хусусий каналларнинг жамиятда тутган ўрни қандай?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

Режа:

1. Касб одобига доир мутахассислар мулоҳазалари
2. ТВда ахлоқ меъёрлари
3. Экстремал вазиятларда ахлоқий меъёр ва тавсиялар
4. ТВ иқтисодиёти
5. Реклама ва бозор

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Этика
- ✓ Экстремал вазият
- ✓ Реклама
- ✓ Бюджет

1. Касб одобига доир мутахассислар мулоҳазалари

Тележурналист шарҳда, таҳлилда эркин бўлиши мумкин, лекин бўлиб ўтган воқеани, фактни, у кимгадир маъқулми-йўқми, ундан қатъий назар, бузмай, аниқ, қандай бўлса худди шундай баён этиши шарт, чунки, талқин, муносабат – эркин бўлгани ҳолда, факт, рақам - муқаддасдир. Ва бу журналистнинг касбий одоби-ахлоқига бевосита тааллуқли масаладир.

Театр аҳли – томошабинни қандай очик чехра, хушмуомалалик билан қаршилаб, уст-бош кийимини ҳурмат ва эҳтиром билан қўлидан олиб кийимхонага илиб қўйишдан бошланса, телевидение журналистининг фаолияти ҳам худди шундай – гўзал хулқ, намунали одоб-ахлоқ, телетомошабинга нисбатан илиқ ва мулойим муносабатдан бошланмоғи лозим.

“Телевидениеда касбга доир бирон бир масалани ахлоқий меъёрларсиз ҳал қилиб бўлмайди” – деган эди телевидение амалиётини биринчи бўлиб маънавий-маърифий нуқтаи-назардан таҳлил қилган таниқли театр назариётчиси Владимир Саппак.

Журналист, инсонни унинг ирқи, жинси, тили, дини, сиёсий дунёқараши, шахсий нуқтаи-назари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишига қараб муносабатда бўлиш ёки камситиш ҳолларига йўл қўймаслиги лозим. Агар жамиятда шундай ҳолатлар рўй берса, уни ошкор этиши учун қўлидан келган барча имкониятларни ишга солиши керак.

Масаланинг тарихига мурожаат қиладиган бўлсак, шуни айтиш керакки, журналист этикаси тамойиллари, унинг ахлоқ-одоби меъёрлари илк бор 1954 йили 25-28 апрелда Бордо шаҳрида ўтган Халқаро журналистлар федерациясининг II - Жаҳон Конгрессида қабул қилинган “Журналист фаолияти принциплари Декларацияси”да қайд қилинган. Бу ҳужжатга Халқаро журналистлар федерациясининг 1986 йил 2-6 июнда Хельсинкида

ўтган XVIII Умумжаҳон Конференциясида бир қатор ўзгаришлар киритилган. Унда қуйидаги бош тамойиллар (принциплар) баён этилади: “Ҳақиқатни барча ҳурмат қилиши лозим, жамиятнинг ана шу ҳақиқатни билишга бўлган ҳуқуқи – муқаддасдир, ахборотни ҳолисона тўплаш ва уни ОАВда чоп этишда эркинлик принциплари қўлланилиши даркор. Журналистнинг ҳолисона шарҳ қилиш ҳуқуқи, танқид қилиш ҳуқуқи, касбий сирини сақлаш ҳуқуқи, ахборот манбаини ошкор қилмаслик ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқлари мавжуддир”.

Сўнгги йилларда, жаҳон телевидение ҳамжамияти ўртасида, телевидениеси қандай бўлса жамият ҳам худди шундай бўлади, ТВга монанд жамият, жамиятга хос ТВ мавжуд. Ким қандай жамиятда яшаса, у шундай (демократик, авторитар, ошкоралик ҳукм сураётган ёки цензура мавжуд бўлган) маъно, мазмун ва руҳдаги ТВ кўрсатувларини тамоша қилади. Ким қандай жамиятда яшаса, у шундай савиядаги, сиёсий фаолликдаги ТВ дастурларини кўришга мажбур, деган тушунчалар юради.

Таъкидлаш лозимки, мамлакат ичкарисида ёки жаҳонда содир бўлаётган реал воқеа-ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри намоиш этмаётган ёки улар ҳақида сукут сақлаётган ТВ ўз бурчига, асл моҳиятига, табиатига ҳилоф иш кўраётган оммавий ахборот воситаси ҳисобланади. Сабаби – ТВ аҳоли кўнглини очиш, маданий хордиқ чиқариш воситаси бўлиши билан бир қаторда, у энг тезкор, ҳолис ва объектив ахборот манбаи ҳамдир. Телевидение жамиятда сиёсий, маънавий-маърифий, ахлоқ-одоб тамойиллари ва кодекслари билан барча учун бирдек бўлган умуминсоний қадриятларнинг тарғиботчисидир.

2. ТВда ахлоқ меъёрлари

Журналистнинг ахлоқ-одоби кодекси комил инсонга хос бўлган фазилатлардан ташқари яна умуминсоний тамойиллар, ноёб истеъдод ва касбий маҳоратдан ташкил топади.

Танқидий материал тайёрлаётган ёки журналист суриштируви олиб бораётган журналист олдида, айниқса катта масъулият туради. Эфирга у ўзи кўрган, уни чуқур ўрганган ва керак пайтида, воқеани объектив акс эттирганини конкрет фактлар билан исботлаб бера оладиган факт ва рақамларнигина олиб чиқиши керак. Агар иш судга ошадиган бўлса, суд жараёнида у ўзини ҳақ эканлигини тўла исботлаб бера оладиган бисотида далилларга эга бўлиши шарт.

Айрим пайтларда журналист ўзи истамаган ҳолда айбдор бўлиб қолиши мумкин. Оддийгина бир мисол: дейлик, озиқ-овқат маҳсулотларидан – “ун, туз, шакар нархлари ошади” деган, бир кўринишда беозоргина ахборот аҳолини ана шу маҳсулотларни ғамлаб қўйиш мақсадида сотиб олишга мажбур қилади. Бу эса савдо тармоқларида мазкур маҳсулотлар етишмовчилигига олиб келади ва шу маҳсулотлар нархларининг кескин ошишига сабаб бўлади. Пировард натижада журналист нафақат ахборот тарқатган, балки у маълум даражада жамият ҳаётини издан чиқаришга, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг бузилишига йўл қўяётган айбдор бўлиб қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Агар журналист қайсидир ахборот манбаига кўпроқ ишониб, уни атрофлича текширмай, нотўғри таҳлил, талқинини шошилишда эфирга бериб юборса (амалиётда бундай ҳоллар учраб туради), у тезлик билан хатосини тўғрилашга, воқеага доир сўнги, аниқланган маълумотларни айтишга (гарчи янги маълумот, илгари берган ахборотига тескари, зид бўлса ҳам), зудлик билан ошкор қилишга ошиқмоғи керак.

Телевидение аудиториясининг бошқа ОАВ аудиторияси билан солиштириб бўлмайдиган даражада катталиги, телетомошабинларнинг ёши ва қизиқиши нуқтаи назаридан кенг қамровлилиги ва уларни воқеа-ҳодисалар билан шу воқеалар содир бўлаётган пайтда воқиф қилиш имконияти (тўғридан-тўғри трансляция) мазкур электрон ОАВга бўлган қизиқишнинг юқорилиги сабабли босма нашрлар (газета, журнал) учун оддий бир ҳол бўлиб қолган бош муҳаррир, муҳарририят нуқтаи назарини баён этувчи мақола (“муҳаррир колонкаси”, “бош мақола”) ТВда одат тусига кирмаган ва қўллаб-қувватланмайди ҳам. Телевидениеда бу кўриниш муаллифлик кўрсатувлари, “телевизион лукма” шаклларида намоён этилади.

Ғарб ОАВ амалиётида Тенг Имкониятлар Доктринаси деган ҳужжат мавжуд. Бу одатда сайловлар пайтида қўлланилади. Дейлик, агар бирон бир сайланадиган лавозимга сиз ўз номзодингизни кўрсатиб, дастурингиз билан ТВда чиққан бўлсангиз, сиз эфирда қанча вақтни эгалласангиз муҳолифингиз ҳам ўз фикрини экранда шунча дақиқа айтиш имкониятига эга бўлиши керак. Доктринага асосан ТВ, радио унга ҳам шунча вақт ажратиши шарт. Муаллиф ўз фикрини, нуқтаи назарини ягона тўғри нуқтаи назар, дейиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб туради. Бу тўғри эмас, у демократик принципларга жавоб бермайди ва журналист ўзини бундан тийиши даркор.

Жаҳоннинг йирик телерадиокомпанияларида (даврий босма нашрларида ҳам) ўз ходимларига воқеа-ҳодисалар ҳақида шахсий фикрларини билдириш ман этилади. Сиёсий вазият, сиёсий партияларнинг сиёсий позицияси ва етакчилари тўғрисида ўз муносабатларини билдиришга ҳам рухсат йўқ. Чунки, ТВ бу – шахсий мақсадда фойдаланиш, қасд олиш, орани очик қилиш, жанжал кўтариш, миллий, диний нуқтаи назарларни тарғиб этадиган, норозилик билдирадиган, халқ осойишталигини бузишга, ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқаришга олиб борадиган жанг майдони эмас. ТВ ҳақиқатни айтадиган, тенглик, ўзаро ҳамкорликни намоиш этадиган, умуминсоний абадий қадриятларга тегишли фикрларни билдирадиган ахборот макони, ортиқча эҳтиросга берилмай ҳурмат-эҳтиром, мувозанат сақлаб тортишадиган, баҳс майдони бўлмоғи даркор.

Журналист қонунбузарликка бефарқ қарайдиган, айниқса ахлоқ-одоб меъёрлари бузилаётган ҳолларда уларга нейтрал, беъэтибор қараб турадиган касб эгаси ҳам эмас.

Маълумки, ТВ орқали инсон иззат-нафсига тегадиган, обрўсига раҳна соладиган ахборотни тарқатиш мумкин эмас. ТВда инсонлар, давра, қатлам, гуруҳлар орасига совуқчилик соладиган, мулоқотга киришишга тўсқинлик қиладиган, уларга нисбатан нафрат уйғотадиган ахборот тарқатиш (бу ҳатто кимлардир томонидан тўғри деб ҳисобланганда ҳам) ёки масалан, бирон-бир шахснинг оғир касаллигини (шифокор сирини, ташхисини,) ошкор қиладиган

ҳуқуққа ҳам эга эмас. ТВда инсонга нисбатан салбий ҳиссиёт уйғотадиган, инсон билан дийдор кўришишдан, мулоқотга киришишдан олиб қочишга хизмат қиладиган мазмундаги ахборот тарқатиш ҳам ман этилади. Бирон бир инсоннинг ноқонуний хатти-ҳаракатларга алоқаси борлиги аниқланган тақдирда ҳам бу ахборотни ТВ орқали тарқатиш унга ҳаддан зиёд катта зиён келтириши мумкин. Тарқатилган ахборот унинг ҳақиқий айбига қараганда ҳам кўпроқ зиён етказишини инобатга олиш зарур. Бошқача қилиб айтганда, унга етказилган зиён айбига монанд бўлмаслиги мумкин. Бу умуман ТВнинг эмас, ҳуқуқ органларининг, суднинг вазифасидир.

Тележурналист экранга чиқиб бирон бир фикрни билдиришидан аввал: “Менинг ҳаракатларим қуйидаги талабларга жавоб берадими, йўқми?” – деган саволни ўзига бериши ва жамоатчилик муҳокамасига қўймоқчи бўлган масала бўйича қатъий бир қарорга келган бўлиши ва шундан кейингина микрофон ва камера олдида бориши керак.

Бунинг учун журналист дастлаб қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

– Бугун экрандан айтган гапларимдан эртага кўпчилик олдида уялмайманми?

– Кўрсатувдан кейин мен ўз қаҳрамонларимнинг кўзларига соф виждон билан бемалол тик қарай оламанми?

– Айтадиган гапларим бошқа маъно-мазмун чиқаришга асос, сабаб бўлмайдими, сўзларим кўпмаъноли бўлиб тескари маъно касб этмайдими?

– Эҳтиросга берилиб жиноятни – жасорат, жиноятчини эса қаҳрамон ва аксинча тескари қилиб кўрсатиб қўймадимми?

– Ахборот беришда, уни талқин қилишда ўз шахсий манфаатларим, мақсадларимни, фойдамни кўзлаб ёндошмадимми?

– Беихтиёр, фақат битта ижтимоий гуруҳ сиёсий мақсадларига хизмат қиладиган, бошқаларга, айниқса халққа зиён келтирадиган иш қилмаяпманми?

– Ўзим билмаган, ўйламаган ҳолда кимларнингдир қўлида ташвиқот куролига айланиб қолганим йўқми, билиб-билмаган ҳолда ёлғон-бўхтонларни тарқатиб юбормаяпманми?

– Менинг хатти-ҳаракатларим одилона, ҳақиқатгўй журналистика ҳақидаги тушунчамга тўғри келадими?

Қуръони Каримнинг “Бақара” сурасида келадиган “Ёлғонни ҳақиқатга қориштира, ҳақиқатни била туриб уни яширма” деган оятни тележурналистиканинг асосий фаолият мезони, тележурналистнинг ахлоқ-одоб меъёри талабларининг асоси бўлмоғи даркор.

Журналист унинг халқ манфаатларидан бошқа манфаати борлигига томошабинда тахмин ёки шубҳа ҳам туғилишига йўл қўймаслиги керак. Журналист ўз хатти-ҳаракатлари билан телекомпаниянинг даҳлсизлигига, унинг мустақил дастурий сиёсат юритаётганлигига шубҳа туғдириши ҳам ярамайди. Бундай ҳоллар телекомпания аҳлининг холислигига, имижига катта путур етказиши мумкин.

3.Экстремал вазиятларда ахлоқий меъёр ва тавсиялар

Экстремал вазиятларда қуйидаги ахлоқий меъёр ва тавсияларга риоя қилиш тавсия этилади:

1. Назорат қилиш қўлдан бой берилган, воқеа ривожини издан чиққан ёки унинг нима билан тугаши номаълум бўлган тақдирда тўғридан-тўғри трансляция қилишдан воз кечган маъқул.

2. Кескин қарама-қаршилик авжига чиққан пайтда ижодий гуруҳ тасвирга тушириш жараёнини очиқ намоёниш қилмаслиги керак. Иложи борида ортиқча шовқин-суронсиз, эҳтиёткорлик билан билдирмасдан ҳаракат қилиш, чироқ каби ҳамманинг диққатини ўзига жалб қилувчи ёритгич асбобларидан камроқ фойдаланиши ёки улардан умуман воз кечиши лозим. ТРК эмблемасини ҳам кўз-кўз қилавермаслик тавсия этилади.

3. Репортажни оғир, мулоҳазадорлик билан, ҳар бир сўзни ўйлаб, мағзини чақиб, эҳтиросга эрк бермай олиб бориш лозим. Бундай вазиятда фақат қуруқ факт ва рақамларнигина келтириш зарур.

4. Оломонни, айниқса журналист диққатини атайлаб ўзига қаратмоқчи бўлган шахслар, гуруҳ ва доиралардан айниқса, эҳтиёт бўлиш керак.

5. Телерепортаж монтажи пайтида эфирга бериладиган материалдан очиқ бўхтон гапларни, ҳақорат қилувчи сўзларни олиб ташлаш зарур.

6. Шарҳ пайтида, ҳаётда ўзи содир бўлган воқеани алоҳида, журналистлар таъсирида, улар борлиги сабабли бўлиб ўтган воқеаларни бир биридан ажратган ҳолда талқин қилиш керак.

7. Воқеа шарҳида кимнингдир томонини олмаслик, қозилик ҳам, ҳакамлик ҳам қилмаслик лозим. Айрим спорт шарҳловчиларига ўхшаб ўзи севган командага бўлган хайрихоҳлигини очиқ намоён қилишга, ҳурмат-эътиборини, меҳр-муҳаббатини яшира олмаслик ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди.

8. Факт ва рақамларни ошқора этаётган пайтда ахборот манбаи эълон қилингани маъқул. Бирон бир факт ёки рақамни юлиб олиб, ундан матнда юкланган маъно-мазмундан ажратган ҳолда фойдаланмаслик ва айниқса шу асосда хулосалар, умумлашмалар чиқармаслик керак.

9. Хатарли, жанжалли воқеаларни шарҳлаётганда оммани намоёнишга кўтарилиб кетишидан сақлаш, янги хавф ўчоғи ҳақида гапира туриб эса янги оммавий тартибсизлик кутилаётган манзилни (мабодо вазият шу аснода ривожланаётган бўлса) мутлақо эълон қилмаслик керак.

10. Вазият ўзгариб турган пайтда бирон бир жиддий қарор қабул қилиш олдидан ТРК раҳбарияти (бевосита муҳарририят раҳбари), ҳуқуқ-тартибот органлари билан доимо алоқада бўлиб туриш лозим.

11. Журналист воқеа учун мутасадди қилиб тайинланган давлат органлари тавсиялари ва кўрсатмаларига бўйсунити айти бир пайтда улардан келган ҳар бир кўрсатмадан ТРК раҳбариятини воқиф қилиб туриш керак.

12. Ўзини ўзи лидер деб эълон қилган, телекамералардан реклама қилиш мақсадида фойдаланаётган қўштирноқ ичидаги йўлбошловчилар ҳеч кимга сўз бермай нотиклик қилаётган пайтда журналист унга бефарқ, “микрофон ўрнатилган тиргович” бўлиб қолмай, фаол ва ҳушёр бўлиши, конфликтда бўлган томонларнинг фикрларини халққа етказиши зарур.

13. Айрим ҳолларда оммавий тартибсизлик ташкилотчиларининг асосий мақсади бирон-бир жанжал чиқариб вазиятни янада кескинлаштиришдан иборат бўлади. Шунинг учун ҳам жамоатчилик обрўси, дидини ҳақорат қилувчи гап-сўзларга йўл қўймаслик керак. Хоҳлаган пайтда баҳсга тушишга тайёр бўлган, вазиятни кескинлаштириб, кичик бир муаммони катта жанжалга айлантириб юборадиган, кўчадаги мухолифат ҳаяжонига берилмай, ўзини оқилона тутиш даркор. Сабаби бундай шахслар: “телекамера олдида кескин гапириб кўпчилик диққатини ўзига қаратишмаса, вақтни бекор ўтказдик”, – деб ҳисоблайдилар.

Тележурналистнинг касбий ахлоқ-одоби мавзуидаги мулоҳазаларни яна истаганча давом эттириш мумкин. Хулоса қилиб шунини айтиш лозимки, журналистнинг ахлоқ-одоб кодекси ундан комил инсон фазилатларига эга бўлиш билан бир пайтда мустақил, дахлсиз ҳаётий тамойилларга содиқ қолишни, ноёб истеъдодга, юксак касбий маҳоратга, жасоратга, бой тажрибага эга бўлишини талаб қилади.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Этиканинг ОАВдаги ўрни қандай?
2. Телевидениеда этик нормалар бузилишига мисоллар келтиринг?
3. Экстремал ҳолатларда журналист ўзини қандай тутмоғи лозим?
4. Нодавлат телеканалларда этика масалалари сизни қониқтирадими?
5. ТВ бюджети деганда нима тушунилади?
6. Рекламанинг ТВ иқтисодиётидаги ўрни қандай?

Мавзу юзасидан тавсия этилаётган адабиётлар:

1. Phillip L.Harris, Television Production and Broadcast Journalism. 2th edition. The Good heard – Willcox Company, Inc, USA, 2012.
2. Шестеркина Л.П., Николаева Т.Д. Методика телевизионной журналистики, М.: “Аспект Пресс”, 2012.
3. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
4. Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я., Телевизионная журналистика. М.: “Высшая школа” 2002.

10-ДАРС 10-МАЪРУЗА

**Мавзу: Ўзбекистонда теле-, кино-, фотопублицистиканинг
ривожланиши**

Режа:

1. Дунё ҳужжатли киноси тарихига бир назар. Роман Кармен
2. Ўзбек ҳужжатли киноси тарихида Худойберган Девонов
3. Ўзбек ҳужжатли киноси тарихи босқичлари
4. Мустақиллик даври ўзбек ҳужжатли киноси

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Кино
- ✓ Ҳужжатли кино
- ✓ Фототасма
- ✓ Кинотасма

1. Дунё ҳужжатли киноси тарихига бир назар. Роман Кармен.

Бутун дунё антифашистлари курашининг тимсоли даражасига кўтарилган кинопублицист – Роман Кармендир. Фотограф, кинооператор, кинорежиссер, журналист, ёзувчи Роман Кармен ниҳоятда фаол ва мақсад сари интилишда тенги йўқ кинопублицист сифатида дунёга танилган инсон эди.

Дзига Вертовни ҳужжатли кинонинг асосчиси десак, Р.Кармен сиёсий кинопублицистиканинг отасидир. У нафақат ўз юртининг киносолномачиси, балки халқаро сиёсий жараёнларнинг теран таҳлилчиси сифатида шуҳрат қозонган.

Ўтган асрнинг 20-йилларида ўз фаолиятини бошлаган Р.Кармен Испания, Хитой, Вьетнам, Ҳиндистон, Бирма, Индонезия, Лотин Америкаси мамлакатлари, хуллас, ер шарининг турли нуқталарида кечган сиёсий, инқилобий жараёнларни, зулм ва исёнларни, қонли урушларни тинимсиз суратга олди, ўнлаб, юзлаб катта-кичик фильмлар яратди.

Инсон озодлиги, унинг бахт-саодати, боқий бўлиши кераклиги, зулм ва геноцид эса албатта кучли зарбага дуч келиб емирилиши ҳақида у ўзининг дунё киноси тарихига кирган эҳтиросли фильмлари билан тинимсиз жар соли. Унинг биргина “Ноъмалум уруш” киноапонейси 20 та тўла метражли фильмдан иборат бу сериал Америка Қўшма Штатлари киночилари билан ҳамкорликда яратилган. Америкалик машҳур киноактер Берт Ланкастер бошловчилик қилган. Бу фильм устида яна ўнлаб америкалик киночилар турли касб эгалари ишлашган.

Фильм урушда суратга олинган хроника миллионлаб метр ҳужжатли фотокиноматериаллар асосида яратилган. Фильмнинг бош режиссери ва бадий

рахбари Р.Кармен америкалик ҳамкасбларининг уруш ҳақидаги фикрлари, хулосалари турлича бўлишига қарамай ўзининг ҳақлигини тарихий ҳужжатлар билан исботлаган, сабр ва чидам билан уларни ўзининг ҳамфикр, сафдошларига айлантирган.

Америкада ва Ғарбда “Ноъмалум уруш” номи билан намоиш этилган фильм улкан муваффақият қозонган. Америкалик ва европаликларнинг бу уруш ҳақида йиллар мобайнида шаклланган қарашларини ўзгартириб юборган. Р.Кармен вафотидан сўнг уни эслаб Берт Ланкастер шундай ёзади: “Баъзан шундай ҳолатлар юз берадики, келишувнинг мутлақо иложи йўқдек туюларди. Лекин, баҳслар ўта драматик тус олганда ҳам мен бир нарсани ёддан чиқармасдим: Карменни у ёки бу ечимга, изоҳга ундаётган нақадар юксак ишонч тўйғуси – унинг ҳаётни севиши, камдан-кам учрайдиган инсонпарварлиги билан бир қаторда ҳар қандай уруш, золимлик, фашизмга бўлган чексиз нафрат тўйғуси эди. Бизни бирлаштириб турган ана шу тўйғу охир оқибат бизнинг баҳсларимиздан, келишмовчиликларимиздан устун чиқарди”.

Бу фильм бутун ер юзида кинотомошабинлар учун кашфиёт бўлди, урушнинг ноъмалум тафсилотларини ёритди, кўпгина чалкаш масалаларга аниқлик киритди. Берт Ланкастер шундай дейди: “Мен бу фильм яратилишида иштирок этганимни ўзим учун шараф деб биламан, балки бу ҳаётимда амалга оширган энг муҳим ишимдир”.

Р.Кармен бу улкан эпопеяда кино санъатнинг барча имкониятларини ишга солди. Тарихий хроникал материал билан ишлаш, уни бир неча миллион метрлаб синчиклаб кўриб чиқиш, заргардай мисқоллаб танлаш, одамларга етказмоқчи бўлган ғояни, фикрни ифодалашга йўналтирилган монтаж ва композицияда беришга эришди. Кўплаб қаҳрамонлар билан интервьюларда синхрон съемкани моҳирона қўллади. Хуллас, суратга олиш техникасининг барча усулларида унумли фойдаланди. Натижада жуда катта ҳажмдаги киноэпопея томошабинлар кўз узмай, диққат билан, ҳаяжонланиб кўрадиган ҳақиқий санъат асарига айланди.

2.Ўзбек ҳужжатли киноси тарихида Худойберган Девонов

Кино тарихига назар ташлар эканмиз унинг ер юзида қанчалик тез тарқалганидан ҳайратга тушамиз. XIX аср охирида мавжуд бўлган транспорт воситаларини уларнинг ўзига яраша тезлигини, энг муҳими, бу транспорт воситаларининг чегараланган географиясини эслаш кифоя. Ака-ука Люмьерларнинг 1895 йилги биринчи кино такдимотидан атиги 5-6 йил ўтиб ўша пайтда жуда узоқ ўлкалардан ҳисобланган Туркистонда фильмлар намоиши бошланиши, айниқса бу ўлкадан чиққан биринчи кинооператорнинг номини бугунги кунда дунё кинематографчиларининг пионерлари қаторида санашимиз мумкинлиги кино тарихида ўта камёб ҳодисалардандир. Ўзбек киноси тарихи Худойберган Девоновдан, тўғрироғи, унинг XX аср бошидаги илк кинолавҳаларидан бошланади. Энг муҳими, унинг ижоди ўша даврда Туркистонга келиб кетган чет эллик киночилар суратга олган лавҳалардан тубдан фарқ қилади. Сайёҳ киночилар кўпроқ экзотикага эътибор берган

бўлсалар, юртдошимиз ўзи яшаб турган юрт ҳаётини, оддий халқнинг турмуш тарзини, унинг яратувчанлик фаолиятини тасвирлаган.

XIX аср охирида Туркистонга сургун қилинган бир гуруҳ немислар Хоразмда истиқомат қилади. Улар, албатта, саводли, ўз даврининг илғор одамлари бўлгани туфайли, фото ва кинога ҳам қизиққанлар, аппаратлари бўлган. Ўспирин Х. Девонов улар билан мулоқотда бўлган, тилини ўрганган. Бу нарсга уни уларнинг қўлидаги ғалати аппаратлар ундаган. Яхши тарбия кўрган, саводли бўлган Х. Девонов тез орада нафақат Туркистонда, балки, бугунги Марказий Осиё ҳудудида маҳаллий миллий вакилларида, биринчи фотограф ва кинооператорга айланади.

У ўша давр Хоразм ҳукмдори Феруз саройида хизмат қилади. Феруз Соний санъатни яхши кўргани, яхши шоир бўлгани туфайли Х. Девонов бошлаган янги ижодий фаолиятнинг жамият учун, айниқса, тарих учун қанчалик қимматли аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунади ва унга барча керакли шароитни яратиб беришга ҳаракат қилади. Бугунги кунда Худойберган Девонов суратга олган фото ва кинотасмаларда ўша давр Хоразмда истиқомат қилган оддий халқ ҳаётини, унинг оғир меҳнатини, ўзига хос турмуш тарзини, касб-корини томоша қиласиз. Жувоз ҳайдаётган, канал қазийётган одамларни, уй ишлари билан банд аёлларни кўрасиз. Канал қазийётган юзлаб одамларни суратга олиш услубига қойил қоласиз. Гап шундаки, Х. Девонов нафақат улкан меҳнат майдонини, юзлаб одамларни табиий, том маънода ҳужжатли асосда (инсценировка эмас) суратга туширган балки ўша даврнинг примитив (ўта оддий) кинокамерасининг чекланган имкониятларидан тўла фойдаланган. Умумий, ўрта, йирик планлар, уларнинг ўзаро ҳозирги тил билан айтганда монтажли суратга олиниши диққатга сазовардир. Юриб кетаётган аравадан камера билан панорама усулида суратга олиш эса Х. Девоновнинг ҳақиқий маҳоратини кўрсатади ва бу лавҳани ҳақли равишда ўша давр дунё киносига шу тахлитда олинган дастлабки лавҳалар қаторига қўшсак хато қилмаймиз.

3. Ўзбек ҳужжатли киноси тарихи босқичлари

Дунё киноархивларида XX аср бошларида Туркистонда бўлган чет эллик киночилар томонидан суратга олинган лавҳалар талайгина. Улар асосан саёҳат билан боғлиқ бўлиб, ўлка табиати, архитектура ёдгорликлари, этнографик характерга эга бўлган экспонатлар, ҳунармандлар ва бозорларни акс эттирган. 20-30 йилларга келиб Россиялик киночилар ва уларнинг шу ерлик ҳамкасблари, ёрдамчилари томонидан биринчи ҳужжатли фильмлар яратила бошланди. Жамият ҳаётида рўй бераётган воқеалар, янги қурилишлар, хотин-қизлар озодлиги учун кураш, индустриализация, колхозлаштириш ва ҳоказо фильмларнинг номинигина эслаш кифоя. “Бўзсув гидростанцияси”, “1 май байрами”, “Ишлаб чиқаришда физкультура”, “Пионерлар ҳаётидан лавҳалар” ва ҳоказо. 30-йилларга келиб миллий кинооператорлар, сценарийчилар ва режиссёрлар шаклланди. Н. Гасилов, С. Дунаев, К. Аликов, М. Ковнат, Н. Ганиев, Й. Абзамов, М. Қаюмов, А. Саидов, Ҳ. Сулаймоновлар шулар жумласидандир. Ўзбек ҳужжатли киносининг ривожланишига энг катта ҳисса қўшган санъаткор Малик Қаюмовдир. У Москвадаги Марказий ҳужжатли фильмлар

киностудиясининг кинооператори, мухбири сифатида Ўрта Осиё республикаларида хужжатли, кино ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Дунёга машҳур кинорежиссер Роман Кармен “Мен учун ўзбек хужжатли киноси – Малик Қаюмовдир” деб бежиз айтмаган, албатта. Вақти келиб М. Қаюмов ҳам дунёга машҳур нохужжатчига айланди. Ўнлаб атоқли шогирдлар етиштирди.

Малик Қаюмовни Ўзбекистоннинг киносолномачиси дейиш мумкин. Чунки, ўша даврда мамлакатда рўй берган бирон-бир катта сиёсий воқеа ёки жараён, канал қазилардан бошлаб замонавий заводлар қурилишигача, хотин-қизлар эркинлиги – паранжи ташлашдан бошлаб, янгидан қад ростлаётган кўхна тарихимизнинг ноёб обидаларида олиб борилаётган ишларгача ҳеч бир воқеа-ҳодиса, бир сўз билан айтганда, халқимиз турмушида рўй бераётган янгиликлар унинг назаридан четда қолмаган. Унинг “Тошкент текстил комбинати” фильми 1938 йилдаёқ Нью-Йоркдаги Бутунжаҳон кўргазмасининг “Олтин медали”га сазовар бўлган. “Катта Фарғона канали қурилиши” фильми эса Иттифоқ миқёсида машҳур бўлиб кетган.

Шунинг учун бўлса керак, М. Қаюмовнинг иккинчи жаҳон уруши лавҳаларини суратга олиш учун бутун СССРдан танланган 246 та ҳарбий кинооператор сафига қўшилиши табиий ҳол эди. Кинокамера билан уруш майдонларида кетаётган жангларни суратга олиш, солдат ва офицерларнинг қаҳрамонона шижоати ва оғир меҳнатини акс эттириш унга насиб этди. Фронтида ярадор бўлди. Лекин, кино камерани қўлидан қўймади. Ўз касбига содиқлигини у Ўзбекистонда, умуман собиқ иттифоқида фаолият юритган хужжатли кино усталари – Р.Кармен, Б. Небклицкий, М.Ковнатлардан ўрганган эди. Урушдан қайтгач, М.Қаюмов Ўзбекистон илмий-оммабоп ва хужжатли фильмлар студиясида яна ўз фаолиятини давом эттиради. Ҳозирги кунда устоз санъаткор 100 ёшини қаршилаш арафасида. Уруш яралари бўлмаганда балки ҳозирги кунда ҳам навбатдаги фильм устида иш олиб борган бўлармиди.

Ўнлаб халқаро ва бутуниттифоқ кинофестивалларнинг олтин ва кумуш совринларига, Халқ артисти, Меҳнат Қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган бу улуг санъаткорнинг миллатимиз, юртимиз равнақи йўлида қилган меҳнатлари гоё катта. Унга катта шуҳрат келтирган фильмларидан айримларини эслаб ўтайлик. “Инсониятнинг беш қўли”, “Баҳордан баҳоргача”, “Ўзбекистонимизга келинг”, “Вьетнам – менинг мамлакатим”. “Афғонистон, инқилоб давом этади”, “Зангори олов кишилари”, “Самарқанд доим мен билан”, “Шарқда шонли шаҳар бор” (Тошкент шаҳри ҳақида), “Паранжи”, “13 қалдирғоч”, “Аския”, “Тўри Амир” ва ҳоказо.

М.Қаюмовнинг режиссёр, оператор сифатида маҳоратидан иккитагина мисол. Қисқа метражли, (атиги 8 дақиқали) “Паранжи” фильмида бир лавҳа бор. Унда хотин-қизларнинг навбатдаги митингдан сўнг бошларидаги паранжиларини ловуллаб ёнаётган оловга улоқтираётгани тасвирланган. Усиз ҳам ҳаяжон, шижоатга тўла кадрлар қаторида муаллиф биргина кадрга диққатингизни тортади: паранжисини ҳозиргина ташлаган аёл кўзларида саросима, нафрат. Анча ёшга етган онахон юзини, кўзларини қўли билан тўсмоқчи. Трибунада зўр бериб қарсак чалаётган амалдорларданми, ўзиданми нафратланаётганини билиб бўлмайди. Лекин, бир нарсага томошабин ишончи комил: у бу ишни ўз хоҳишича эмас, балки саросимада қилди. Энди пушаймон

қолди кўзларида. Кадр узоқ ушланади. Кадр ортида шиддатли, янги замон кудрати, унинг улкан одимларини ифодалайдиган мусиқа янграпти. Аёл эса саросимада. Муаллифнинг маҳорати – томошабиннинг диққатини ана шу лаҳзага, инсоннинг бирдан юзига қалққан ички кечинмаларига тортгани. Бунинг устига кинотасмадаги аёл руҳиятига, мутлақо тескари, тезкор мусиқа қўлланилади.

Томошабин онахоннинг нафрати, аянчли аҳволини кузатаркан, бехосдан ўт кетса ҳўлу куруқ баробар ёнади деган хаёлга чўмади. Дарҳақиқат, паранжига қарши кураш, тарихдан биламизки, осон кечган эмас. Кўплар мажбур ҳам қилинган. Муаллиф замон талабига кўра, бу ҳолни четлаб ўтмайди, балки унга сизнинг диққатингизни тортади. Ҳаёт ҳақиқатидан чинакам санъатга дахлдор образ яратади.

Иккинчи фильм ҳам қисқагина “Аския” деб аталади. Аскиянинг нималиги ҳақидаги қисқа изохдан сўнг Фарғона водийсидаги сўлим боғлардан бирида ўтаётган воқеа тўлиқ синхрон равишда намоиш этилади. Фильм ўзбек тилида бўлишига қарамай ҳар қандай миллат вакилини икки-уч дақиқадан сўнг ўзига ром этади. У пайровни, ўзбекчани тушунмаса-да, мириқиб гапирётган, қотиб кулаётган одамлар юзидаги кувончдан, чуқур самимиятдан хурсанд бўлиб кулади. Кулгилар, қиёфалар ранг-баранглиги, ўзи айтиб ўзи куладиган аскиячилар ва юзлаб томошабинларнинг баланд эҳтиросда бир тан-у – бир жон бўлиб кетганлиги уни ҳайратга солади. Камеранинг объективидан кўзларини узиб, кўлларини кўкка кўтариб қарсак чалаётган, қаҳ-қаҳа ураётган муаллифнинг ўзи-чи...

Одатда мусиқа ва рақс, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик таржимасиз тушуниладиган санъатлар дейилади. Авваламбор, ноёб аския санъатининг нақадар ўткир, нозик, эҳтиросли, кўп маъноли жиҳатлари эътиборга олинса ва уни шунга яраша маҳорат билан кинога туширилса, ҳар қандай миллат вакилини ҳам кадрдаги одамлар кайфияти ўзига эргаштиради, кулдиради, хурсанд қилади.

“Аския” фильми кўпгина халқаро кинофестивалларда таржимасиз қўйилганида худди шундай бўлган. Шу сабаб ўнлаб Халқаро мукофотларга сазовор бўлган.

4 .Мустақиллик даври ўзбек ҳужжатли киноси

Ўзбекистон кинотелепублицистикасининг янги даври мамлакатимиз мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Дунёда нуфузи жиҳатидан иккинчи империя ҳисобланган Совет Иттифоқининг тарихан, табиий сабабларга кўра нураши, унинг таркибига кирган республикаларнинг мустақиллиқни қўлга киритиш жараёни осон кечмаганлиги маълум.

Ўзбекистон собиқ Иттифокда биринчилардан бўлиб мустақилликка эришди. Биринчи бўлиб ўз Президентини сайлади. Алғов-далғов, кескин сиёсий, иқтисодий, маънавий курашлар кечаётган бир пайтда мустақиллик ғоялари, айниқса, инсон руҳияти билан боғлиқ маънавий мустақиллик дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг, шу жумладан кино телепублицистиканинг аҳамияти рўй-рост аён бўлди. Янги давр, инсонлар

дунёқараши, онги, руҳидаги ўзгаришларни кўрсатиб берадиган публицистик фильмлар яратила бошлади. Мустақилликни ушлаб қолиш уни мустаҳкамлаш, ҳимоя қилиш, садоқат кўрсатиш кераклиги, бирданига бошга тушган юзлаб иқтисодий муаммоларни ҳал этиш лозимлиги биринчи даражали вазифага айланди. Бу улкан вазифаларни амалга оширишда кинотелепублицистиканинг, ҳужжатли кинонинг аҳамияти ошди. Унинг янги даврда ривожланиш учун мамлакатда керакли шартлар яратилди. Бу борада мустақилликнинг биринчи беш йиллиги мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган иккита қарор муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу ҳужжатларда кино санъати шу жумладан, ҳужжатли кино, кинопублицистикани янги давр талаблари, эҳтиёжлари асосида ривожлантириш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Шу аснода Ўзбекистон Республикасининг мустақилликкача босиб ўтган йўли, айниқса, саксонинчи йилларда рўй берган “ўзбеклар иши”, “пахта иши” каби шўролар тизимининг кабиҳ сиёсати ва бу сиёсатнинг қурбонлари бўлмиш минглаб юртдошларимизнинг аянчли тақдири ҳақида янги фильмлар пайдо бўла бошлади. 1996 йили “Ўзбекистон мустақиллик йўлида” туркуми яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид. Тараққиёт шартлари ва кафолатлари” номли асари асосида яратилган, ҳар бири 30 минутдан иборат 5 қисмли сериалнинг пайдо бўлиши ўзбек кинопублицистикасининг янги тарихида катта воқеа бўлди. Унда мустақилликнинг биринчи ўн йиллигида Ўзбекистон эришган жаҳоншумул ютуқлар, сиёсий, ижтимоий, илмий-техник ва халқ ҳўжалиги соҳаларида қўлга киритилган катта муваффақиятлар ўз аксини топган. Айниқса миллий мафкурага, янги даврда миллий онгнинг, ўз-ўзини идрок қилишнинг, ўн йилликлар давомида нотўғри, баъзан эса бузиб талқин қилинган тарихимизни, минг йиллик анъана ва урф-одатларимизни тиклаш, шу аснода ёш авлодни ўз юртига, мустақилликка содиқ инсонлар қилиб тарбиялашдек улуғ мақсадларга эришиш йўллари бу туркумда батафсил ёритиб берилгани диққатга сазовордир. Бундай фильмларни яратиш вазифасининг ўзига хос қийинчиликларини ҳисобга олсак, ушбу туркум ўзбек киноҳужжатчиларининг улкан ютуғи бўлганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Туркум муаллифлари В.Исҳоқов ва Ш.Қурбонбоевлар. 1991-2000 йилларни ўз ичига олган бу туркумнинг дастлабки фильми “Маънавий покланиш йўлида” деб номланади. Бу фильмда ўрин олган биргина лавҳани эсласак кифоя. Бу – 1991 йил 16 феврал воқеалари. Маълумки, ўшанда мустақилликдан фойдаланиб, чет элларда террор мактабини ўтган бир гуруҳ кучлар ўзларининг кабиҳ мақсадларига, яъни мустақил республикамизни ҳур, демократик, прогрессив тараққиёт йўлидан ортга қайтариш учун Ўзбекистон Президенти ҳаётига суиқасд уюштирилган эди.

Экранда Тошкент шаҳрида юз берган бир неча портлашлар, бегуноҳ қурбон бўлганлар, яқинларидан ажралиб бўзлаган юртдошларимиз, вайроналар акс эттирилиши билан бир қаторда бундай фожиадан саросимага тушмаган, балки жангариларга қарши матонат билан курашган ҳарбийларимиз, портлашлар юз бериб турган майдонларда шу заҳоти пайдо бўлган ва шу заҳоти керакли чора-тадбирлар белгилаш билан банд бўлган Президент Ислом

Каримов, ўз халқига хиёнат қилган унсурларга қарши ўзининг эркин ҳаётига, мустақиллигига улкан ишонч билан қараган ва шунга яраша матонат ва шижоат билан курашган халқ образи гавдаланади. Бу юртда мустақилликка, барқарорликка бўлган ҳар қандай таҳдид ҳеч қачон қабих мақсадларига эриша олмаслигига ишонч ҳосил қилинади.

Иккинчи фильм “Экология ва хавфсизлик” деб аталади. Сарлавҳасидан кўриниб турганидек, фақат Ўзбекистон учун эмас, балки бутун Марказий Осиё учун, қолаверса, дунё учун катта хавф бўлиб турган Орол денгизи муаммоси, сувсизлик муаммоси охир-оқибат жуда катта хавфсизлик муаммосига айланиб бораётганлиги фильмда тарихий ва замонавий ленталар асосида ниҳоятда таъсирчан талқин этилади.

Учинчи фильм: “Иқтисодиёт хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш асослари”. Унда мустақилликнинг биринчи йилларида дуч келинган катта муаммолар, қийинчиликлар, хўжалик юритишнинг янги моделига етти ўйлаб бир кесиш йўли билан, яъни одамларнинг турмуш шароитларига ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиб иш тутиш кераклиги ва бу борада олиб борилаётган сиёсий-ижтимоий, қолаверса, ҳар қандай ислохотлар фақат халқ манфаатини ҳисобга олибгина амалга оширилиши лозимлиги рўй-рост акс эттирилади. Бундай узоқни кўзлаб олиб борилган сиёсат туфайли тез орада қад кўтарган янги саноат корхоналари, энергетик ва дон мустақиллигига, жаҳон ҳамжамиятга, интеграциялашувга эришиш учун амалга оширилган ишларнинг конкрет, реал натижалари кўрсатиб берилади.

Тўртинчи фильм – “Ҳарбий-сиёсий таҳдидлар ва миллий хавфсизлик даъватлари”. Бу фильмда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, давлат чегараларини мустаҳкамлаш, терроризмга қарши аёвсиз кураш олиб бориш, профессионал ва янги типдаги куролли кучларни яратиш, хуллас, юртда тинч ва осойишта ҳаётни таъминлашдек улуғвор вазифани бажариш билан боғлиқ долзарб масалалар ўзининг ёрқин аксини топган.

Бешинчи, яъни якунловчи фильмнинг “Баркамол авлод орзуси” деб аталиши бежиз эмас, албатта. Ўз ватанининг кўҳна ва бой тарихига, унинг ўлмас қадриятларига, анъана ва урф-одатларига содиқ, мустақиллик берган янги онг, дунёқараш ва янги қадриятларга, умумбашарий қадриятларга содиқ авлодсиз келажакни тасаввур этиб бўлмайди. Айнан шу улуғ мақсад йўлида амалга оширилаётган ишлар ва қувонарли натижалар бу фильмнинг асосини ташкил этади ва мустақиллик шароитида вояга етаётган ёш авлод ҳаётидан мисоллар билан томошабин диққатини бутун фильм давомида ўзига тортиб туради. Айниқса, кадрлар тайёрлаш миллий моделининг улкан тарихий мазмун-моҳияти очиқ берилган лавҳалар, нафақат ҳамюртларимиз, балки чет эллик томошабинларда ҳам катта таассурот қолдиради. Хуллас, ушбу туркум ўзбек кинопублицистикаси, ҳужжатли киноси тарихида мустақиллик даврида яратилган улкан киносолнома десак янглишмаймиз.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Ўзбек киноси тарихида Худойберган Девоновнинг тутган ўрни қандай?
2. “Аския” фильми ҳақида гапириб беринг?

3. “Паранжи” фильмида қайси давр воқеалари тилга олинган ва режиссёр, тасвирчи маҳоратини изоҳланг?
4. Мустақиллик даври ўзбек кинопублицистикасининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
5. И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида” киносериали қандай фильмлардан иборат?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. С.Фрейлих, М.Ромм, Исповедь кинорежиссера, “Искусство”, 1988
2. К. Разлогов, Искусство экрана: проблемы выразительности, “Искусство”, 1982.
3. Д.Луньков, Наедине с современником. Заметка режиссера документальных фильмов, “Искусство”, 1978.
4. Б.П. Грабовский - изобретатель телефота. Сб. документов, « “Ўзбекистон”, 1989.
5. Б.Аҳмедов. Ўзбек телевизион киносининг ривожланиш тарихи. Т.:, 2007.
6. Ҳ.Ақбаров. Худойберган Девонов. Т.:, 1971.
7. М.Қаюмов. Кинематограф – ҳаётим менинг, Т.:, 1982.
8. А.Исмоилов. Кинотелеоператорское мастерство. Ташкент, 2004 (Ташкентский государственный институт искусств, учебник для студентов вузов).

Фильмография

1. И.А. Каримов. “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”, 5 фильмдан иборат сериал. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”. “Хафсизликка таҳдид Тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китоби асосида яратилган. Ўзбекистон илмий-оммобоп ва ҳужжатли фильмлар студияси.

Биринчи фильм : “Маънавий покланиш йўлида”, 1998.

Иккинчи фильм : “Экологик ҳавфсизлик муаммолари”, 1998

Учинчи фильм : “Иқтисодиёт ҳавфсизлиги ва барқарор ривожланиш асослари”, 1999.

Тўртинчи фильм: “Миллий ҳавфсизликнинг ҳарбий стратегик асослари” 1999

Бешинчи фильм: “Баркамол авлод орзуси”, 2000.

2. Дзига Вертов. “Киноглаз” 1924.
3. Дзига Вертов. “Человек с киноаппаратом”, 1929.
4. Дзига Вертов. “Шагай, Совет!”, 1926.
5. Дзига Вертов. “Шестая часть мира” 1926.
6. Эсфирь Шуб. “Падение династии Романовых”, 1927.
7. Эсфирь Шуб. “Великий путь” 1927 йил
8. Эсфирь Шуб. “Россия Николая II и Лев Толстой”, 1928.
9. Худойберган Девонов. Тошкент, 2006.
10. Қаюмов М. “Паранжи”.
11. Қаюмов М. “Аския”.
12. Қаюмов М. “Гўри Амир”.
13. Қаюмов М. “Самарқанд ҳамиша мен билан”.

14. Қаюмов М. “Санъатга бахшида умр”.
15. Қаюмов М. “Баҳордан баҳоргача”.
16. Қаюмов М. “Афғонистон. Инқилоб давом этади”.
17. Қаюмов М. “Ўн уч қалдирғоч”.

11-ДАРС 11-МАЪРУЗА

Мавзу: Кино-,теле-,фото публицистиканинг ўзига хос хусусиятлари

РЕЖА:

1. Кино – санъат тури сифатида
2. Ҳужжатли кионинг асосий хусусиятлари
3. Ҳужжатли кино турлари

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Монтаж;
- ✓ Ритм;
- ✓ Темп;
- ✓ Эпизод;
- ✓ Овозли кино;
- ✓ Мусиқа.

1. Кино – санъат тури сифатида

Кино бошқа санъат турлари – адабиёт, мусиқа, театр, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат, кулолчилик каби инсоният меҳнат қуролиларини ихтиро этаётган даврлардан бошлаб пайдо бўлган санъат турларидан энг ёши бўлгани боис, гарчанд ҳозирги замонда энг кўп тарқалган ҳодиса бўлса-да, ҳали ўз имкониятларидан тўла-тўқис фойдалана олмаётган санъатдир. Айниқса, унинг оммавий сиёсий ва маданий информация манбаи, илмий-техник тараққиётнинг тарғиботчиси, ўқув жараёнининг, мактаб, олий таълим, қолаверса, ҳар қандай таълим манбаси, илмий тадқиқотлар иштирокчиси каби хусусиятлари фикримизга далилдир.

Бор-йўғи бир авлод ҳаёти давомида туғилиб, вояга етиб, тарихан жуда қисқа муддат ичида миллионлаб томошабинларнинг энг севимли санъатига айланган кинони ўзидан бошқа қадимий санъат турларидан ажратиб турадиган жиҳати ҳам шундадир.

Асосида фотомеханик жараён ётганлиги сабаб кино натуралистик ҳодиса, яъни чинакам санъатга алоқаси йўқ деган фикрлар, қизғин тортишувлар ҳали-ҳануз қулоққа чалиниб туради. Чунки бундай қарашларга сабаб азалдан кино табиатига хос бўлган борлиқни борица акс эттириш, яъни нусха кўчириш хусусиятидир. Лекин, кионинг кўрсатишдан кўра тасвирлаш хусусияти кучли бўлганлиги учун чинакам санъатга айланганлигини эсласак барча баҳсларга чек қўйилади. С. Эйзенштейн ва Д. Вертовлар биринчи бўлиб кионинг ана шу жиҳати – тасвирлаш, инсонга эстетик таъсир этишнинг янги, алоҳида йўналиши

деб ҳисоблаганлар ва бу ёндошувни ўзларининг дунё киноси тарихининг ўлмас асарларига айланган фильмлари билан исботлаб берганлар.

2.Хужжатли кионинг асосий хусусиятлари

Кино ўз қаҳрамонини бутун борлиқ билан боғлиқ ҳолда узлуксиз ҳаракатда кўрсатади. У томоша билан томошабин орасидаги масофани деярли йўққа чиқаради. Яъни, кенг майдонда тўпланган минглаб одамларнинг ҳаракатини қамраб олган бир пайтнинг ўзида, улардан бирининг кўз қорачиғида рўй бераётган кўрқинч, ғазаб ёки севинч туйғуларини лўнда акс эттиради. Оддий монтаж усуллари билан эса бир вақтнинг ўзида инсоният тарихининг турли даврларда рўй берган воқеалар ёки бир вақтнинг ўзида дунёнинг турли бурчакларида рўй бераётган воқеаларни кўрсата олади.

Кўз ўнгимизда униб чиқаётган уруғ ёки барг ёзаётган новдани, очилаётган гул ёки ёпилаётган томни акс эттириш каби хусусиятлари эса киони инсонни чинакамига ҳайратга соладиган воқеага айлантиради.

Дунёни, инсонни бадиий идрок этишда кионинг имкониятлари чексиздир. Уни санъат турларидан бири сифатида тавсифлаганда энг аввало мана шу жиҳатларига эътибор этмоқ зарур. Хўш, кино қандай санъат тури? Илмий-техник тараққиётнинг меваси сифатида пайдо бўлган синтетик санъатми, ёки дунёни бадиий идрок этишда адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, ҳайкалтарошлик ва бошқа санъат турларини юзага келтириб кифояланмаган. Инсоннинг борлиқ, тарих ва келажакдаги ўз ўрнини англаш учун юқоридаги санъат турларига хос асосий мезон-макон ва вақт бирлигининг этишмаслигини сезиб яратган санъатими? Ахир макон ва вақт бирлиги статик ҳодиса. Дунё, борлиқ эса доимий ҳаракатда. Макон ҳам вақт ҳам доимий ҳаракатда. Демак, дунёда бор мавжудот, инсон ҳам ҳаракатда. Балки ана шу ҳаракатни англаш, уни қадимий мўмиёланган жасадлардан фарқли равишда ҳаракатда кўриш иштиёқи инсонни аввало фотографияни, сўнг эса киони санъат тури сифатида ихтиро этилишига сабаб бўлгандир.

Агар шундай бўлса, биз кионинг синтетик санъат эканлигини унинг яратилишида иштирок этадиган техник ёки кимёвий воситалар, тасвир билан бир қаторда овоз, ёзув, мусиқа, қолаверса улкан кино санъатининг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда эътироф этишимиз зарур. Чунки, инсон бу ихтирони ҳали айтганимиздай борлиқни бадиий идрок этиш, бу борлиқда ўз ўрнини бадиий идрок этиш учун юзага келтирганини бугунги кунга келиб миллионлаб одамларнинг энг севимли асарларига айланган киношедеврлар тасдиқлаб турибди.

Кино санъати инсон ва у яшаётган муҳитни ҳаракатда, шаклланишда, товуш тасвири экран образларининг ривожига кўрсатади ва талқин этади. Энг муҳими у тасвирий санъат ёки театрдан фарқли равишда томоша ва томошабин орасидаги маълум масофани йўққа чиқаради. Кино кўраётган томошабин бир жойда ўтирган ҳолда экранда рўй бераётган воқеаларни бир вақтнинг ўзида умумий план, ўртароқ ёки йирик планларда кўради. Масалан, катта майдонда тўпланган минглаб одамларнинг ҳаммасини бирданига, айрим қисмларини

алоҳида, керак бўлса алоҳида бир одамни, ҳаттоки унинг юзидаги ёки кўзидаги ифодагача аниқ кўриш, унинг кечинмаларини кузатиш имкониятига эга.

Бунга эришиш учун кинематограф жуда катта йўлни босиб ўтди. Воқелик ва унда ҳаракат қилаётган инсон ҳақида томошабинда тўлиқ таассурот ҳосил қилиш учун у турли суратга олиш усулларини қўллашга ўрганди. Суратга олиш нуқтасини, суратга олиш бурчагини ўзгартириш, суратга олиш предметига максимал яқинлашиш ёки узоқлашиш, айрим деталларга урғу бериш, кадрлар кетма-кетлигини ўз мақсадига мувофиқ уюштириш ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Бадиий баркамол, мантиқан муаллиф, яъни режиссер мақсадига, ғоясига, фикрига тўлиқ жавоб берадиган бўлакларни ёки лавҳа, кадрларни бир-бирига мос равишда улашдан ташкил бўладиган яхлит бирикмага монтаж усуллари туфайли эришилади ва фильм пайдо бўлади.

Монтаж туфайли кино санъати вақт ва борлиққа эркин, яъни ўзи хоҳлаганича, ўз мақсадига мувофиқ ёндошади. Кинотасвир ёки кинотомоша тўхтовсиз ҳаракатга айланади. Экранда намойиш этилаётган лавҳалар содир бўлаётган вақт ва манзил нуқтаи назаридан бир-биридан кескин фарқ қилса-да тадрижий жараён сифатида қабул қилинаверади.

Масалан, бошланғич синфда ўқитувчисини тинглаб ўтирган гўдак бир лаҳзада университет дипломини олади. У севгилиси билан Тошкентда хайрлашади-ю, шу заҳоти дунёнинг у бурчагида уни кутиб олаётган ажнабийлар даврасига тушади. Ёки ўртоғига дилини ёраётган одам бир зумда у ёки бу эсдалиги туфайли бир неча йил аввалги муҳитга қайтади. Компьютер ўйинларига маҳлиё бўлиб ўтирган ўспирин ўз хаёлотини, орзулари туфайли бир неча аср илгарига ёки келажак муҳитида ҳаракат қилади.

Монтаж оддий кинотасвир усулигига эмас. У фильмдаги образларни қиёмага етказиб яратиш, уларни бир-бири билан қиёслаш, яъни маънавий бирликда ёки тўқнашувда акс эттиришда қудратли воситадир. Фильм томошабиннинг диққатини узлуксиз ушлаб туриши учун турли бўлаклар, эпизодлар маълум бир ритмда, темпда кетишига ҳам монтаж туфайли эришилади. Экрандаги ҳаракат, сўз, мусиқа, турли шовқинлар, кутилмаган паузалар мутаносиблиги туфайли оддий киноҳикоя ёки драматик ҳолатлар ва ниҳоят томошабинни қаттиқ ҳаяжонга соладиган чуқур драматургик асар пайдо бўлади.

Кино билан театрни солиштириб кўрайлик. Саҳнада ҳаракат қилаётган актёрлар бор бўйи билан кўринади, улар талқин этаётган қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракати асосан умумий планларда, нари борганда томошабин ўзига ёққан актёрни синчиклаб кузатиш учун ундан нигоҳини узмаслигида, яъни уни ўзига умумий саҳнавий кўринишда “йириклаштириб” кўришида намоён бўлади.

Кинода-чи? Кинода ўрта ва йирик планлар ёрдамида томошабин актёр талантининг турли қирраларини унинг юзидаги ифодани, кўзидаги ифодадан кўриб туради, ҳис этади. Бундан ташқари операторнинг маҳорати ва монтаж туфайли актер яратаётган образ бўрттирилиб, керакли драматик ҳолатларни яққол сезиладиган қилиб кўрсатилади.

Кинонинг бу жиҳати фақат қаҳрамонгагина тааллуқли бўлиб қолмай, экранда намойиш этилаётган ҳамма нарса ёки воқеага, ҳатто табиат

манзараларига ҳам алоқадордир. Кадр танлаш, унинг композицияси, ракурси, турли хил ёритиш услублари, камера ҳаракати ва ҳоказо бадиий воситалар ана шу имкониятни яратади. Ҳатто ранг ҳам кинода уни муаллиф фикрига мувофиқ турли услубларда кўрсатилиши билан томошабинда керакли таассурот қолдиради.

Овозли кинода табиатда мавжуд бўлган барча товушлар, қахрамоннинг овозидаги сезиб бўлмас даражадаги ҳиссиётларга урғу берилиши сабабли томошабин борлиқни ва унда ҳаракат қилаётган инсонни, турли жараёнларни яққол ҳис этади, идрок этади.

Мусиқа кино санъатининг кучли бадиий воситаларидан биридир. Куй чалаётган созанданинг юзидаги ифода, вужудидаги кечинмаларини кўрсатиб туради, ҳатто унинг бармоқлари кўз илғамас ҳаракатлар содир этаётганини йирик планда мириқиб томоша қилиш мумкин.

Экран ортида янграётган мусиқа эса талқин этилаётган образларнинг ҳаракати, руҳиятига мос равишда, баъзан тескари жаранглайди. Бу билан керакли драматик таъсирчанликка эришилади. Мусиқа кинода тасвир билан бир қаторда фильмнинг фақат ўзига хос темпи ва ритмини яратишга хизмат қилади. Лекин, кино санъатининг томирлари барибир тасвирий санъатда, театрдадир. Борлиқ ва ҳаракат, инсонлар ва ҳайвонларнинг ҳаракатини қандай қилиб бўлса-да, ифодалаш инсоният тарихининг қадимий суратларида акс этган. Антик давр ва ўрта аср рассомлари маълум бир тарихий жараённи, тарихий шахсларни тасвирлашда, албатта, тарихий воқеаларни бир-бири билан чамбарчас боғлиқлигига катта эътибор берганлар. Уларнинг катта масштабдаги суратларини томоша қилиб, худди кино кўргандай бўласиз. Ўрта асрлар тасвирий санъатида турли бурчаклар остида чизилган лавҳалар, яъни турли фикрлаш асосида талқин қилинаётган объект ёки инсонларнинг муаллиф ғоясига мос равишда катта ёки кичик ҳажмда ёруғ ёки қоронғироқ фонларда ишланганига дуч келасиз.

Мана шу хусусиятларнинг айнан кино санъати композициясига нақадар яқинлигини сезасиз. Бир мисолга мурожаат этайлик. С.Эйзенштейннинг “Потемкин броненосеци” фильмида шундай эпизод бор.

...Ҳозиргина кўз ўнгимизда гавдаланган матрослар кўзғолонида бир-бирини шиддат билан алмаштириб турган кадрлар-қиёфаларда офицерларга қарши чиққан матросларнинг эҳтирослари йирик планларда шу қадар усталик билан суратга олинганки, биз ўзимизни шу воқеа иштирокчиларидай ҳис этамиз. Шу заҳоти юқори нуктадан берилган манзарада бутун кемада рўй бераётган воқеа акс эттирилади. Ўнлаб матросларнинг, офицерларнинг қарама-қарши туриш манзаралари тўхтовсиз ҳаракатда берилади... ва дафъатан бошқа лавҳага ўтилади, яъни пастга тушилади.

Кадрда машҳур зинапоядаги воқеа юзлаб одамларнинг таҳликада зинапоядан пала-партиш пастга интилишлари фонида қора либосдаги аёлни, унинг ўғлини қўлидан ушлаб олиб пастга интилаётганини кўрамиз. Сўнг бола ўқ еганлиги туфайли йиқилади. Онанинг аламга, қўрқинчга тўла кўзлари йирик планда намоиш этилади...

Эътибор беринг, режиссер ўқдан йиқилган матросни эмас, ўқ нималигини ҳали билмайдиган бола ва ҳаяжондан ўзини йўқотиб қўйган онани кўрсатапти.

Мана сизга кинонинг асл хусусияти: содир бўлаётган воқеанинг ушбу ўринда даҳшатли воқеани унинг иштирокчилари орқали эмас, балки бегуноҳ бир норасиданинг ўлими билан ифодаланиши. Кинонинг қудратли бадиий воситалари, имкониятларини ҳужжатли воқеликнинг ўзи топиб беради. Зинапоядан тушаётган саросимадаги оддий халқ қурбонлиги сахнаси айнан шу сахна, яъни зинапоя туфайлигина фильмда пайдо бўлган. Тасвирланаётган воқеа-ҳодисанинг сюжетда тутган мантикий роли, аҳамиятига қараб унинг кўлами, яъши масштаби белгиланади. Ушбу мисол бунинг яққол далилидир.

Дени Дидро айтганидай, театрда, афсус, бир вақтнинг ўзида фақат бир сахнавий кўринишни ифодалаш мумкин. Ҳаётда эса бир вақтнинг ўзида бир неча кўринишлар содир бўлади. Пировардида улар бир-бирини тўлдириб, бизнинг тасаввуримизда ҳаёт ҳақида, ундаги жараёнлар ҳақида театр сахнасидан кўра кўпроқ, тўлароқ из қолдиради.

Л.Толстой, Ф.Достоевскийлар ҳам худди шундай фикрларни билдиришган. Яъни улар кино санъатининг худди шундай имкониятларини башорат қилганлар, уни орзу қилганлар десак ҳам бўлади. Л.Толстой бадиий жиҳатдан ҳали жуда саёз овозсиз кино намуналарини кўрганда уни энг аввало лавҳаларнинг тез алмашинуви, ҳис-туйғуларинг бир зумда ўзгариб туриши, инсон кечинмаларининг бир вақтнинг ўзида турли шаклларда ифодаланиши қизиқтирганлигини ёзиб қолдирган.

Шу асосда биз кинонинг адабиёт ва мусиқага доир умумий хусусиятлари ва фарқлари ҳақида фикр юритишимиз мумкин. Томоша қилинадиган адабиёт, томоша қилинадиган мусиқа деган атамалар ҳам тарихда худди шу муносабат билан келиб чиққанди.

3. Ҳужжатли кино турлари

Бошқа санъат турлари каби кино ҳам услуб ва тасвирий воситалари, кўзланган мақсади ҳамда бу мақсадни амалга ошириш учун қўллаган усуллари туфайли асосий турларга бўлинади.

Булардан биринчиси албатта хроникал-ҳужжатли фильмдир. Унда жамият ҳаётида рўй бераётган сиёсий, маданий воқеалар акс эттирилади. Бу воқеаларни жараён сифатида, маълум бир мақсад ва ғоя асосида бадиий умумлаштириш ва шунга яраша фикрни ўртага ташлаш, олға суриш билан образли кинопублицистика яратилади.

Кино ҳар қандай жамият ҳаётида рўй бераётган илмий-техник прогресснинг фаол тарғиботчиси бўлибгина қолмай, балки шу илмий ихтироларнинг пайдо бўлишида, исбот қилинишида фаол иштирок этади. Шу тариқа илмий-оммабоп ва илмий-тадқиқот фильмлар турлари пайдо бўлади.

Кино ижодкорларининг диққат марказида инсон ва унинг кечинмалари, ички дунёси, борлиқ ва бошқа инсонлар билан муносабати масалалари асосий ўринни эгаллаганда бадиий баркамол ҳужжатли фильмлар юзага келади. Бундай фильмлар кино санъатининг асосини ташкил этади ва уларда кино тараққиётининг барча ижобий ва салбий хусусиятлари яққол акс этади.

Ҳужжатли фильм ҳаётининг фактларга асосланган, содир бўлган воқеалар айнан содир бўлаётганда суратга олинган, ёки хроникал материал ва воқеа-

ҳодисаларни қайта тиклаш (инсценировка) йўли билан яратилган асар бўлиб, бу типдаги фильмларда асосий мезон-муаллиф фантазияси эмас, балки қатъий ҳужжатли воқеликни кўзланган мақсад ва ғоя талаблари асосида кўрсата билишдир.

Бундай фильмларни суратга олишда албатта бадиий воситалар, кино асарини суратга олишда ишлатиладиган турли бадиий услублар ва, ниҳоят, қаҳрамонни етук образ даражасига кўтариш, у яшаётган муҳит, даврни тўлақонли гавдалантириш билан боғлиқ бўлган бадиий вазифалар амалга оширилиши туфайли киноочерк ҳақли равишда ҳужжатли бўлиб қолиши билан бир қаторда бадиий асар ҳам ҳисобланади. М. Қаюмовнинг “Санъатга бахшида умр”, “Олтин тўй”, “Самарқанд доим мен билан” фильмларини бунга мисол сифатида келтирса бўлади.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Кино қандай санъат тури?
2. Ҳужжатли кинода қандай жанрлар мавжуд?
3. Кинопублицистика қачон пайдо бўлган?
4. Ўзбек ҳужжатли киноси асосчилари кимлар?
5. Кинода сўздан моҳирона фойдаланиш учун нималарга эътиборга бериш лозим?
6. Монтажнинг кино тараққиётига хизмати нималардан иборат?
7. Кинода мусиқа, товуш ва шовқинлардан қандай фойдаланилади?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. С.Фрейлих, М.Ромм, Исповедь кинорежиссера, “Искусство”, 1988
2. К. Разлогов, Искусство экрана: проблемы выразительности, “Искусство”, 1982.
3. Д.Луньков, Наедине с современником. Заметка режиссера документальных фильмов, “Искусство”, 1978.
4. Б.П. Грабовский - изобретатель телефота. Сб. документов, « “Ўзбекистон”, 1989.
5. Б.Аҳмедов. Ўзбек телевизион киносининг ривожланиш тарихи. Т.:, 2007.
6. Ҳ.Акбаров. Худойберган Девонов. Т.:, 1971.
7. М.Қаюмов. Кинематограф – ҳаётим менинг, Т.:, 1982.
8. А.Исмоилов. Кинотелеоператорское мастерство. Ташкент, 2004 (Ташкентский государственный институт искусств, учебник для студентов вузов).

Фильмография

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”, 5 фильмдан иборат сериал. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида”. “Хафсизликка таҳдид Тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китоби асосида яратилган. Ўзбекистон илмий-оммобоп ва ҳужжатли фильмлар студияси.

Биринчи фильм : “Маънавий покланиш йўлида”,1998.

Иккинчи фильм : “Экологик хавфсизлик муаммолари”, 1998

Учинчи фильм : “Иқтисодиёт хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш асослари”, 1999.

Тўртинчи фильм: “Миллий хавфсизликнинг ҳарбий стратегик асослари”1999

Бешинчи фильм: “Баркамол авлод орзуси”, 2000.

2. Дзига Вертов. “Киноглаз” 1924.
3. Дзига Вертов. “Человек с киноаппаратом”, 1929.
4. Дзига Вертов. “Шагай, Совет!”, 1926.
5. Дзига Вертов. “Шестая часть мира”1926.
6. Эсфирь Шуб. “Падение династии Романовых”,1927.
7. Эсфирь Шуб. “Великий путь” 1927 йил
8. Эсфирь Шуб. “Россия Николая II и Лев Толстой”, 1928.
9. Худойберган Девонов.Тошкент, 2006.
10. Қаюмов М. “Паранжи”.
11. Қаюмов М. “Аския”.
12. Қаюмов М. “ Гўри Амир”.
13. Қаюмов М. “Самарқанд ҳамиша мен билан”.
14. Қаюмов М. “Санъатга бахшида умр ”.
15. Қаюмов М. “Баҳордан баҳоргача”.
16. Қаюмов М. “Афғонистон. Инқилоб давом этади”.
17. Қаюмов М. “Ўн уч қалдирғоч”.

12-ДАРС 12-МАЪРУЗА

Мавзу: Теле-, кино-, фотопублицистика таркиби ва журналист-муаллиф қаҳрамон танлаш муаммоси

Режа:

1. Ҳужжатли фильмнинг яратилиш жараёни
2. Суратга олиш техникаси
3. Кино ва ТВ. Видеофильм.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

- ✓ Кадр;
- ✓ Мизансцена;
- ✓ Композиция;
- ✓ Синхрон.

1. Ҳужжатли фильмнинг яратилиш жараёни

1. Сценарий

Ҳар бир кино ишлаб чиқарувчи студия ўзининг мавзулар режасига мувофиқ иш олиб боради. Мавзуларни эса биринчи планга, энг аввало, вақт ва жамият тараққиёти босқичлари олдинга суради. Ҳар бир даврнинг энг долзарб муаммолари ва ҳар бир даврда жамият олдида турган долзарб вазифаларни ҳал қилувчи инсон фаолияти мавзулар режасининг асосини ташкил этади. Студияда ижод қилаётган кино арбоблари, ёзувчилар, драматурглар, журналистлар, қолаверса кино яратиш иштиёқида мурожаат қилган ҳар қандай касб эгаларидан, тушган таклифлардан, студия муҳаррири ва режиссёрлари иштирокида сценарийлар тўплами тайёрланади ва белгиланган тартибда ишга туширилади.

2. Тайёргарлик босқичи.

Бу босқичда фильмнинг жанри, ҳажми, суратга олиш жараёнининг қисқа-узуңлиги оддий ёки мураккаблиги, ишга жалб этиладиган техник воситалар ва энг муҳими, фильм қаҳрамони ёки қаҳрамонларнинг экран образини яратиш билан боғлиқ бўлган ижодий жараён, ҳисобга олиниб кинооператор иштирокида режиссер сценарийси ишлаб чиқилади. Унда суратга олинаётган объект, лавҳанинг метражи, съёмка вақти ва усуллари, уларни амалга ошириш учун керак бўладиган техник воситалар, овозсиз ёки овозли бўлақлар алоҳида белгиланади. Керакли изохлар, эслатмалар, компентарийлар берилади. Режиссер сценарийси асосида сарф-харажатлар сметаси тузилади.

3. Суратга олиш босқичи.

Бу босқичда режиссер муаллиф кинооператорлар қаторида овоз оператори, мусаввир, бастакор, муҳаррир, фильм директори ва бошқа кўплаб касб эгалари иштирок этади. Улар фильм қаҳрамони ёки қаҳрамонлари билан кундалик, узлуксиз тайёргарлик ва суратга олиш ишларини амалга оширишади.

4. Монтаж.

Бу босқични фильмнинг иккинчи туғилиш жараёни деб аташади. Аслида суратга олиш пайтидаёқ монтаж усуллари қўлланилиши якуний монтаж жараёнига катта ёрдам беради. Муаллифлар олға сураётган фикр, ғоянинг томошабинга нечоғлик яққол етиб бориши айнан монтаж билан чамбарчас боғлиқ. Чунки, монтаж кадрларни оддийгина бир-бирига улаш эмас, балки мантиқан улашдир. Кадр ёки лавҳаларнинг кетма-кетлиги, қисқа-узунлиги, такрорийлиги, баъзан чўрт кесилиши, қандай сўз ёки товушлар фонида кетиши ва бошқа усуллар монтажнинг асосини, яъни томошабинга фикрни лўнда ва таъсирчан етказиш асосини, фильм қаҳрамонининг хатти-ҳаракатлари, кечинмаларини бадиий образ даражасида талқин қилиш асосини ташкил этади.

5. Овозлаштириш.

Суратга олиш жараёнида ёзилган синхрон бўлаклар, товушлар, сухандон матни, танланган мусиқа ва товушларни монтаждан чиққан вариантга мос равишда бир магнит пленкасида монтаж қилиш ва фильмни бир пленкага ўтказиб босишга тайёрлаш.

6. Фильмни босмадан чиқариш ва нусха қўпайтириш.

7. Фильмни намойиш этиш, яъни томошабинга етказиш.

2. Суратга олиш техникаси

Юқоридаги мисоллар ушбу бўлимнинг назарий қисмида таъриф этилган асосий фикр, яъни оммавий ахборот воситаларининг ажралмас қисми бўлмиш кино, видеопублицистика соҳасида ишлайдиган ижодкор касби тақозасига кўра ҳар қандай санъат асари муаллиф олдида қўйиладиган асосий талаб-ҳаётни образли тасвирлаш, ғояни, фикрни образли воситалар билан ифода қилишдан ташқари синтетик санъат ҳисобланмиш кино ёки телевизион асарда суратга олишнинг ўзига хос техникасини мукаммал билиши ва амалда қўллай олиши лозимлигини тасдиқлайди.

Кадр қўйиш, мизансцена белгилаш, композицияда янглишмаслик, синхрондан тўғри фойдаланиш, монтаж ҳақида объектни суратга олиб бўлгандан кейин эмас, балки съемкадан олдин ўйлаш ва бошқа қўплаб, бир қараганда техник вазифа, аслида эса катта ижодий вазифа бўлмиш суратга олиш техникасининг бор имкониятларидан тўлиқ фойдалана билиш, ҳар бир кинотелепублицистнинг экранда ҳақиқий санъат асари яратишига, ўз фикрини томошабинга лўнда ва образли қилиб етказишига кафилдир.

Суратга олишда ишлатиладиган техник воситаларга қуйидагилар киради:

- фотокамера;
- кинокамера;
- телекамера;
- объективлар;
- пленка ва химикатлар;
- овоз ёзиш ускуналари;
- штативлар;

-ёритиш ускуналари ва штативлар ҳаракатда суратга олиш учун ишлатиладиган рельс-тележкалар;

-юқори нуқтадан суратга олиш учун кранлар, учув аппаратлари, космик суратга олиш махсус техникалар, сувости суратга олиш бокс камералари;

- кинотрюклар ва комбинациялашган мураккаб кадрларни суратга олиш мосламалари;

-овоз ёзиш пульталари;

-негативдан позитивга кўчириш, нусха кўпайтириш техник воситалари;

-экран мосламалари;

-овоз кучайтиргич динамиклар;

-кино кўрсаткич проекторлари;

- 8мм, 16 мм, 35мм,65мм ли, оддий экранли, кенг экранли, стереофоник товушли, кўп экранли, панорамали кино форматлари;

-рақамли технологиялар ва ҳоказо.

Фотография, кино ва телевиденида суратга олиш техникаси деганда биз, энг аввало, бу жараёнда ишлатиладиган техник воситаларни эмас, балки асар ғоясини тўлақонли очиб беришда ана шу воситаларнинг техник имкониятларидан усталик билан фойдалана билиш масаласини тушунишимиз керак. Бу жараён кадр кўйиш, мизансцена ва композицияни, кадр ва парчаларнинг узун қисқалиги ва кетма-кетлик тартибини аввалдан белгилаб олишдан бошланади. Умумий, ўрта ва йирик планлар масштаби ва ўзаро мутаносиблигига турли объективлардан тўғри фойдаланиш билан эришилади. Худди шундай тарзда овоз ёзиш ва ёритиш ускуналарида моҳирона фойдаланиш лозим. Суратга олиш амалга ошириладиган жой-натура ёки павильон имкониятлари ҳам аввалдан ҳисобга олинади.

Суратга олинаётган объект, воқеа ва, ниҳоят, қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати, унинг ички кечинмаларини қай тарзда акс эттириш асардан кўзланган мақсад яъни ғояга, фикрга мос равишда амалга оширилади.

Ҳозирги даврда кино ва видеода суратга олиш техникаси ва технологияларида жуда катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Негатив пленкага суратга олиниб, позитив пленкага ўтказиладиган технология ўрнини рақамли технологиялар тобора кўпроқ эгалламоқда. Рақамли видеокамералар ва бошқа техник воситалар ёрдамида суратга олиш тезкорлик, ёруғлик ва овоз ёзиш воситаларида қулайроқ фойдаланиш, электрон монтаж ва ҳоказо афзалликлари туфайли беқиёс оммавийликка эришмоқда.

Бундан ташқари, кинопленкадан рақамли ахборот ташувчи технологияга ўтиш ва аксинча имкониятлар иккала услуб учун ҳам кенг қулайликлар яратмоқда. Фақат маҳсулот сифати хусусида мунозаралар ва шу туфайли ижодий-техник изланишлар давом этмоқда. Иккала технология ҳам зинҳор бири-бирини инкор этмаслигини ҳисобга олсак, кино ва ТВни бир технологияга ўтказиш масаласи ҳали кўп йиллар шу зайл давом этади ва ҳеч қандай узил-кесил натижага олиб келмаслиги ҳам мумкин. Эски ақидани яна бир эслаш кифоя: кино пайдо бўлди – театр ўлмади, ТВ пайдо бўлди – кино ўлмади. Чунки, электрон китоблар каби электрон кино ҳам кўпайиши мумкин, лекин китоб каби инсон кўлидан ўтадиган пленка, назаримизда, ҳеч қачон йўқолмайди.

3. Кино ва ТВ. Видеофильм.

Ҳозирги замон телевидениесини видеофильмсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу ҳақда сўз юритганда, энг аввало, кино ва телевидениенинг ўзаро муносабатларига эътибор беришимиз керак.

Маълумки, кино тарихи бир неча босқичдан иборатдир. Авваламбор у техник кашфиёт сифатида юзага келди. Сўнг кўнгилочар томоша – киноаттракционга айланди. Бир қараганда, ТВ ҳам худди шундай йўлни босиб ўтиши лозимдай кўринади, босиб ўтди ҳам. Кино илм ва техник тараққиётнинг меваси сифатида дунёга келди. XIX асрнинг иккинчи ярмида фотографияни “тирилтириш”, яъни ҳаракатлантириш йўллари дунёнинг деярли барча тараққий қилган мамлакатларида излашган.

ТВ ҳам илмий-техник тараққиётнинг натижаси сифатида юзага келди. Радиотехника ва электроникада эришилган улкан ютуқлар туфайли энди тасвир нафақат жонланди ва овозланди, балки бир сонияда миллионлаб тиражда чексиз масофаларга узатила бошлади. Фақат ТВ кинога нисбатан жуда тез суръатлар билан ривожланди. Тасаввур қилинг, ўтган аср ўрталарида атиги 9х12 см ва оқ-қора бўлган экран тез орада рангли ва ўнлаб баравар катта ҳажмларга эришди. Лекин, биринчи босқичда телелавҳаларда тиниқлик, ёруғлик, ранглилик диопазонлари кинодагига қараганда бир мунча паст бўлди. Биринчи телекўрсатувлар ҳам кино каби шунчагина аттракцион, уйда кўрадиган кино, экранли радио сифатида қабул қилинарди.

Шундай қилиб ТВ ҳам илмий-техник тараққиёт маҳсули сифатида пайдо бўлди ва кино босиб ўтган йўллари такрорлади. Фақат жуда қисқа муддатларда такрорлади. “Кинонинг укаси” мақомидан тез орада кинонинг тенг ҳуқуқли оғасига мақомига эришди. Баъзи жиҳатлари билан эса кинодан ўзиб ҳам кетди. Шу туфайли бўлса керак ТВ – кинонинг келажаги деган фикрлар ҳам пайдо бўлди. Лекин, бугунги кунда ТВ ҳам кино ҳам тегма-тенг фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда кино ҳам, ТВ ҳам муштарак хусусиятларга эга бўлган санъат турлари сифатида эътироф этилади. Бунинг яққол исботи телевизион видеофильмлардир.

М.Роммнинг бир фикрини эслайлик: “Микроскоп ва телескоп аслида бир хил асбобдир. Унисиям, бунисиям бир хил принципда, яъни кузатилаётган борлиқни катталаштириб кўрсатадиган манзаралардан иборатдир. Лекин, бир томчи сувдаги ҳаётни кузатиш билан ернинг сунъий йўлдошини кузатиш ўртасида катта фарқ бор. Қанчалик ғайритабиий туюлмасин, бизнинг касб ҳар иккала асбобдан баравар фойдалана билишни талаб қилади: ҳаётнинг энг майда-чуйда тафсилотларини кузата билиш билан бир қаторда борлиқ ва вақтнинг улкан силжишини, замон, мамлакат, халқни бирваракайига камраб олиб кўра билишни талаб қилади”. Бу фикр бевосита ТВга ҳам тегишли эканлиги билан чуқур аҳамиятга эгадир.

4. Кинода монтаж

С.Эйзенштейн кино назариясини бир бино сифатида тасаввур қилиб унинг қуйидаги схемасини чизади: Фундамент – диалектика услуби; пойдевор – инсон ва унинг кечинмалари; бино ичи устунлари – “пафос”, “кулгили ёки қайғули ҳолатлар, мизансаҳна”, “мизанкадр” ва ҳ.к. Бу устунлар орасида “образ”, бино

уч қиррали том билан ёпилган. Уч қирра ёки тарафлар – “ҳиссиёт, фикр”, “социология”, “техник восита”, учбурчак ўртасида “санъат фалсафаси” жойлаштирилган. Бинога олиб кирадиган эшик – “монтаж”, бино томидаги байроқча – “кино услуги”дир.

“Инсон табиати энг аввало бефарқ бўлмаган табиатдир, – дейди С. Эйзенштейн – Ўзи қайта яратаётган борлиққа бефарқ бўлмаган, лекин ўта ҳиссиётли ва фаол, яратувчанлик муносабатида бўладиган табиатдир”.

Дзига Вертов, Кулешов, Пудовкин, Довженко ва ўз фильмлари тажрибаларини умумлаштириб С. Эйзенштейн фильм яратишда монтажнинг ўрни масаласида шундай фикрга келади. Оддийгина монтаж усуллари тез орада ортда қолди. Лекин, унинг асосий хусусияти кадрларни бир-бирига улаш, тўқнаштириш йўли билан эффект (томошабин диққатини бирор факт ёки ҳолатга дафъатан тортиш) яратувчи восита эмас, балки, энг аввало, томошабин билан сўзлашув, фикрни ифодалаш, уни кинематографнинг алоҳида, факат ўзига хос тили билан ифодалаш воситаси эканлиги кашф қилинди. Бу йўлда монтаж воситасида “эпизод образи”, “воқеа образи”, “фильм образи”, “яратиш”, яъни замонавий етук фильмда қаҳрамон образи, халқ образи билан бир қаторда иштирок этувчи “фильмнинг монтажли образли” тушунчаси пайдо бўлди ва ҳар қандай кино асарининг ажралмас, тенг ҳуқуқли тасвирий воситаси сифатида шаклланди.

Монтаж фильмнинг ғоявий концепциясини яратишда барча тасвирий воситалари, кино тилининг ўзига хос хусусиятларини асосий мақсад – фикрни ифодалаш вазифасига йўналтирувчи, уларнинг ички органик бирлигини таъминловчи қудратли воситага айланди.

Кинода фикрни ифодалаш узундан-узоқ хулосалар билан эмас, балки кадр ва композицион йўллар (шахмат фигуралари йўлларини эсланг) воситасида амалга оширилади. Муаллиф бевосита ўз кўли остидаги воситалар ва материаллар билан фикрлайди. Фикр бевосита ҳаракатга, формула билан эмас форма (шакл) билан ифодаланадиган ҳаракатга айланади.

Кино тилининг ажойиб хусусиятларидан бири унинг фикрлаш, идрок этиш жараёнларини ўзига хос тил шакли билан ифодалашидир. Бу ўринда ҳам монтажнинг аҳамияти бекиёсдир. У кинотомошабинга таъсир ўтказиш у ёки бу лавҳаларни оддийгина кўрсатиш йўли билан эмас, балки бу лавҳаларни маълум бир тартибда, бўлақларнинг бир-бири билан алмашувининг, кетма-кетлигининг конструктив мутаносиблигини таъминлаш билан амалга оширилади.

Монтаж – кинематографик материални уюштириш, аниқроғи эпизодларни, бўлақларни асосий ғояни, қаҳрамон образини тўлақонли акс эттиришга хизмат қилувчи тартибда, уйғунликда бир-бири билан улаш воситасида факат ўзига хос темп ва ритмга эга бўлган яхлит фильм яратишдир. Хуллас, Аристотелнинг “бутун (яхлит) нарсанинг воқеанинг ўз қисми (парчаси) билан бир бутунлиги бадий асарнинг энг муҳим тузилмаси, хусусиятидир” деган фикри аслида кинода монтаж дегани десак янглишмаган бўламиз.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Сурагга олиш техникасининг тараққиёт босқичлари қандай кечган?
2. Кино ва телевидениенинг муштарак хусусиятлари нималардан иборат?

3. Синхрон сьемканинг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
4. Кинода монтажнинг тутган ўрни қандай?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. С.Фрейлих, М.Ромм, Исповедь кинорежиссера, “Искусство”, 1988
2. К. Разлогов, Искусство экрана: проблемы выразительности, “Искусство”, 1982.
3. Д.Луныков, Наедине с современником. Заметка режиссера документальных фильмов, “Искусство”, 1978.
4. Б.П. Грабовский - изобретатель телефота. Сб. документов, « “Ўзбекистон”, 1989.
5. Б.Аҳмедов. Ўзбек телевизион киносининг ривожланиш тарихи. Т.:, 2007.
6. Ҳ.Акбаров. Худойберган Девонов. Т.:, 1971.
7. М.Қаюмов. Кинематограф – ҳаётим менинг, Т.:, 1982.
8. А.Исмоилов. Кинотелеоператорское мастерство. Ташкент, 2004 (Ташкентский государственный институт искусств, учебник для студентов вузов).

Фильмография

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида”, 5 фильмдан иборат сериал. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида”. “Хафсизликка таҳдид Тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китоби асосида яратилган. Ўзбекистон илмий-оммобоп ва ҳужжатли фильмлар студияси.
- Биринчи фильм : “Маънавий покланиш йўлида”, 1998.
- Иккинчи фильм : “Экологик ҳавфсизлик муаммолари”, 1998
- Учинчи фильм : “Иқтисодиёт ҳавфсизлиги ва барқарор ривожланиш асослари”, 1999.
- Тўртинчи фильм: “Миллий ҳавфсизликнинг ҳарбий стратегик асослари” 1999
- Бешинчи фильм: “Баркамол авлод орзуси”, 2000.
2. Дзига Вертов. “Киноглаз” 1924.
3. Дзига Вертов. “Человек с киноаппаратом”, 1929.
4. Дзига Вертов. “Шагай, Совет!”, 1926.
5. Дзига Вертов. “Шестая часть мира” 1926.
6. Эсфирь Шуб. “Падение династии Романовых”, 1927.
7. Эсфирь Шуб. “Великий путь” 1927 йил
8. Эсфирь Шуб. “Россия Николая II и Лев Толстой”, 1928.
9. Худойберган Девонов. Тошкент, 2006.
10. Қаюмов М. “Паранжи”.
11. Қаюмов М. “Аския”.
12. Қаюмов М. “Гўри Амир”.
13. Қаюмов М. “Самарқанд ҳамиша мен билан”.
14. Қаюмов М. “Санъатга бахшида умр ”.
15. Қаюмов М. “Баҳордан баҳоргача”.
16. Қаюмов М. “Афғонистон. Инқилоб давом этади”.
17. Қаюмов М. “Ўн уч қалдирғоч”.

13-ДАРС 13-МАЪРУЗА

Мавзу: Фотография асарининг эстетикаси, коммуникацион хизматлар, теле-, кино-, фотопублицистикада ўрни

Режа:

1. Фотографиянинг публицистикадаги ўрни.
2. Ижтимоий фотография
3. Ўзбек фотожурналистикаси

- ✓ Фотосинтез;
- ✓ Фотостудия;
- ✓ Фотопублицистика;
- ✓ Фототехника.

1. Фотографиянинг публицистикадаги ўрни

Фотография – инсоният томонидан яратилган буюк кашфиётлардан бири. Фотоаппаратнинг яратилиши – техниканинг чинакам мўъжизаси бўлган эди. Қомус, луғатлар варақлаб кўрилса, фото сўзи билан бошланадиган ўнлаб терминларга кўзимиз тушади: фотография, фототехника, фотоқоғоз, фотостудия, фотожурналистика, фотопублицистика, фотосинтез...

Фотография жамият ҳаётига тез кириб борди ва мустаҳкам ўрин эгаллади. Ҳаётни фотографиясиз тасаввур этиб кўринг: усиз ҳаёт бир хил ва зерикарли бўларди.

Кўпчилик бўш вақтида оилавий альбомларини варақлашни, қизиққан одамларга, меҳмонларга ҳикоя қилишни яхши кўради: уларда оиланинг, унинг ҳар бир аъзоси тарихи, инсон тақдири акс этган бўлади. Мана гўдакнинг биринчи сурати, бу унинг илк табассуми, дастлабки қадамлари, боғчага биринчи марта бориши, велосипедда учиши, мактаб ўқувчиси, ўқув юрти талабаси, ЗАГСда туширилган сурат, у энди ота, она. Вақт киприк қокқандай тез ўтиб кетганига қаранг. Ҳаётнинг, оиланинг энг муҳим, эсда қоларли онлари нақш этириб қолингани қандоқ яхши!

Фотографиясиз оммавий ахборот воситаларини тасаввур этиш қийин, у ОАВнинг таркибий қисми. Усиз газета, журнал қанчалик кўримсиз, ғариб бўлиб қоларди. Илк газеталар, фақат матндан иборат бўлганлиги маълум. Фотография газета, журналларни жонлантирди, кўримли, қизиқарли, мазмундор қилди.

Фотографиясиз кинони, айниқса, ҳужжатли кинони тасаввур этиб бўлмайди. Бадиий фильмдаги ролларга, айниқса, бош ролларга актёр танлаш учун бир қанча таниқли актёр, оддий одамлар фотосиновдан ўтишади, фотомаъқул (фотогенетик)лар режиссер, бадиий кенгаш жамоасидан ролга тасдиқланади.

Фотографиясиз телевидение, унинг жанрлари, айниқса, репортаж, ҳисобот, интервью-суҳбат, тарихий очерк, эсселар кўп нарса йўқотган бўларди. Техника, технологиянинг тез суръатлар билан ўсиши, ривожланишини фотография тараққиётидан ҳам билса бўлади, янги, мукаммал, ихчам аппаратлар пайдо бўляпти, оқ-қора суратлар ўрнини рангли суратлар эгаллади, рақамли фотоаппаратлар даври келди, ҳатто суратга оладиган қўл телефонлари яратилди, интернетда ҳам фотонинг ўз ўрни, мавқеи бор...

Фотография санъати нуктаи назаридан Константин Симоновнинг “Солдат қадам босади...” (“Шел солдат”) китоби (1976) алоҳида аҳамиятга эгадир. Китобдан уруш йиллари кинотасвирчилар, фотографлар (жами 39 киши) туширган бир қатор ноёб суратлар жой олган. Г.Зельма, Е.Халдей, Я.Халип ва бошқаларнинг фотосуратлари, шунингдек, муаллифи номаълум бўлган суратлар шафқатсиз ҳақиқати билан кишини ларзага солади. Даҳшатли уруш. Беомон жангу жадаллар гувоҳи, иштирокчиси бўлиш, кўпинча олдинги чизикларга боришга тўғри келиш, ҳар қадамда ўққа учиш, портлаб кетиш мумкинлигини ҳис этган ҳолда оғир аппаратни кўтариб суратга тушириш, қанчалик қийин, масъулиятли, хатарли иш эканлигини бугунги ёшлар киноларни кўриб тасаввур этиши мумкин.

К.Симонов, китоб сўзбошисида шундай ёзган эди: “Хужжатли кино соҳасида бир неча йил ишлаш жараёнида, бу иш ёзувчи илк ўйлаганидан кўра мураккаброқ экан, деган хулосага келдим. Шундай бўлиб чикдики, экрандан охирги, узил-кесил матнни ўқишдан олдин, К.Симонов “Солдат хотиралари” асарини телевидениеда бобма-боб ўқиб берган эди. Аста-секин бир китоб – хужжатли қисса ёзиш кераклигини ҳис этдим. Бундай хужжатли қиссанинг охирги, узил-кесил вариантыни ёзиш, уни экранда ўқиш, бир мунча вақт – бирикки йил кетадиган иш, бутун ёзувчилик изланишларининг, барча ифодали материалнинг натижаси экан. Бунда сендан бошқа кинорежиссер, кинооператор, фотомухбир, рассом, бадиий муҳаррир озмунча рол ўйнамас экан.” Шундай кейин муаллиф “Солдат қадам босади...” кинофильмига асос бўлган хужжатли қиссадан парча келтиради.

Китобда Шухрат ордени кавалерлари, ўн тўққиз миллатга мансуб солдатлар ҳақида қисқа маълумот келтирилади, чап томонда уларнинг уруш давридаги, ўнг томонда ҳозирги (ўтган асрнинг етмишинчи йиллар иккинчи ярмидаги) сурати берилади, агар бирор даврга оид суратини топиш имкони бўлмаган бўлса, у ҳам айтилади. Масалан, “Холмат Жалилов, ўзбек пулеметчи”, “Саиднаби Абдурамонов (Абдурахмонов бўлса керак), Наманганлик”, деган маълумотлар ҳам, суратлар ҳам келтирилган.

Китобда ҳалок бўлган жангчининг дафн этилиши, фельдмаршал Кейтелнинг сўзсиз, узил-кесил таслим бўлиши ҳақидаги хужжатга қўл қўяётганлиги туширилган суратлар, чиндан ҳам таъсирли ва ноёб, фотографиянинг, оддий техниканинг мўъжизакор кучини тасдиқловчи хужжатлардир. Ёши бир жойга бориб қолган, рюгзаги, қуролини кўтарган бўйи юриб ухлаб бораётгани, пичан ғарамида, окопда мизғийган солдатларнинг суратлари, чиндан ҳам ўта таъсирли, бетакрор нақшлардир. Урушнинг тўрт йили давомида солдатга ухлашга вақт етмади, - ҳикоя қилади китоб қаҳрамонларидан бири А.Акиншин. Баъзан кечалари юриб ухлардик, қадам

босаётиб биримизга суяниб ухладик. Қизиғи, кўз кетганда киши фақат чап томонга оғиб кетар, ўртоғининг елкаси тутиб борар экан.”

Иккинчи жаҳон урушида ғалабани Сталин эмас, генераллар, маршаллар эмас (гарчи уларнинг умумғалабага қўшган ҳиссаси, хизмати салмоқли бўлса ҳам), айнан солдатлар таъмин этишгани ушбу китобдаги суратлардан ҳам маълум. К.Симонов “Ҳарбий саҳифалар” эссесига фотомухбир Я.Халип билан бўлиб ўтган қизиқ бир воқеани ҳикоя қилади: “Менинг ҳарбий ёзувларимни ўқиган Халип, орадан бир неча йил шундай деганди:

-Ўшанда кечув олдидан чолни эслайсанми?

-Қайси чолни?-сўрадим мен.

-Ўша мен суратга олмоқчи бўлган, лекин сен ижозат бермаган чолни-да, - деди Халип.

Кейин барибир уни машина ойнасидан туриб суратга туширгандим. От ўрнида аравани тортаётган чолни-да, аравада эса болалари ўтирганди... Эслайсанми, мен қочоқларни суратга олмоқчи эдим (бу урушнинг бошида Украинада бўлган эди), сен эса қаршилиқ қилгандинг, аппаратимни тортиб олиб, ўзимни машинага мажбуран тиккан ва “Бунақа ғам-кулфатни суратга олиб бўладими?” – деб менга бақирган эдинг. Кейинчалик тушундимки, иккимиз ҳам ўзимизча ҳақ эканмиз.”⁴⁵

Фотографиянинг пайдо бўлиши фотожурналистика юзага келди. Собик иттифоқ худудида ўтган асрнинг ўнинчи, йигирманчи йилларида, газета ва журналлар саҳифаларида илк фотосуратлар берилди, бу соҳанинг таниқли усталари кўзга кўрина бошлаган бўлса, ўттизинчи йиллардан эътиборан фотожурналистика шакллани, таракқий топа бошлади. Саноатни индустриллаштириш, қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, беш йиллик режаларини адо этиш, маданий инқилоб, техника зафарларини нақш этишда фотографиянинг ҳам муайян ҳиссаси бўлди (янги завод, фабрикаларнинг ишга туширилиши, илк самолёт, автомобил, тракторларнинг намоиш қилиниши, кутбни забт этган учувчилар, ишлаб чиқаришда рекорд натижаларга эришган ишчиларнинг тасвирга туширилганлиги, кўрғазмаларда намоиш этилганлиги бунинг мисолдир).

Иккинчи жаҳон уруши йилларида энг моҳир ва жасур фотографлар фронтнинг олдинги марраларида бўлиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган жангчилар, учувчилар, партизанлар, зобитларни суратга олишди, қанча-қанча фотографлар жонларини қурбон қилишди (Сталинград жангида асир олинган фельдмаршал Паулэснинг аянчли ҳолати, Рейхстаг устида ғолиб мамлакат байроғи тикилиши, Кремл деварлари поётига мағлуб душманнинг байроқлари ташланиши, маршал Жуковнинг оқ от миниб ғалаба парадини қабул қилиши ва шу каби тарихий суратлар илк бор етакчи газеталарда эълон қилинди), жаҳон матбуотида эълон қилинди – мана фотографиянинг улкан таъсир кучи.

Фотографиянинг аҳамияти йилдан йилга ошиб борди. Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб собик иттифоқида ҳам бу техникавий мўъжизанинг имкониятларидан кенг фойдаланила бошланди. Газета, журнал саҳифаларида бир-биридан мазмундор, таъсирли суратлар берилди. Фотога бағишланган

⁴⁵ Симонов К. Страницы военные. Сборник. Фотожурналист и время. М.1975, стр.129.

махсус журналда фотографиянинг сир-асрорлари, ўз ишининг усталари ҳақида кўплаб материаллар босилди, энг яхши суратлар берилди.

Таниқли фото усталарининг профессионал маҳорати ҳақида гап кетганда энг аввал Василий Песков номи тилга олинади. 1930 йил Воронеж вилоятининг Орлово қишлоғида туғилган В.Песков ўрта мактабни тугатгач, пионер вожатийси, киномеханик, фотограф бўлиб ишлайди, кейин вилоят ёшлар газетасига ходим бўлиб қабул қилинади, баъзан ўз машқларини Москвага, “Комсомольская правда” газетасига юбориб туради. Илк машқлари ушбу газета саҳифаларида босилганидан бениҳоя қувонган ёш фотограф бу соҳа билан жиддий шуғуллана бошлайди. Композицияси ўзига хос, табиий, мазмундор суратлари, уларга ёзилган матн(текстовка)лари миллионлаб ўқувчиларга маъқул кела бошлагач, 50-йиллар охирида ёшлар газетасига ишга таклиф қилишади. Ярим асрдан ошдики, В.Песков “Комсомольская правда”нинг етакчи устунларидан, табиат гўзалликлари оқ-қора, рангли қоғозларда нақш этувчи, куйловчи номдор фотоусталаридандир. Газета саҳифаларидаги “Табиатга туйнук” (Окно в природу) рукни фақат унга тегишлидир. Шу рукнга кўзи тушган газетхон берилган материал, сурат В.Песковнинг “Фоторепортер хатлари”, “Шудрингдаги излар”, “Бизни кўринг, юлдузлар”, “Оқ тушлар”, “Дунёнинг чети”, “Ватан”, “Болалагимиз дарёси”, “Янги ой билан саёҳат”, “Симдаги кушлар”, “Уруш ва одамлар”, “Океан ортидаги ер” каби 30га яқин китоби нашр этилди. “Шудрингдаги излар” китоби учун В.Песков 1964 йили фотографлар ичида биринчи бўлиб ўз давридаги юксак мукофот – Ленин мукофотиغا сазовор бўлди.

В.Песковнинг Юрий Гагарин парвоз охирлашаётганда “Тушаяпман!” деб Ерга хабар берган пайти хотини Валентина Гагаринанинг руҳий ҳолатини олган сурати бутун дунёни айланиб чиқди, газета, журнал, китобларда қайта-қайта босилди. Бу ноёб суратда аёлнинг хабар берилган пайтдаги мураккаб кечинмаси (изтироб, кўркув, фахр ва ҳ.к.) ҳаққоний акс этганди. 1966 йил апрелида Ўзбекистон пойтахтида даҳшатли зилзила рўй берганда биринчилардан бўлиб учиб келган фотограф “Тошкентда офат ва жасорат” номли очерк, зилзила оқибатлари тасвири туширилган бир нечта сурат эълон қилди. 1973 йили “Правда” муҳбири Б.Стрельников билан “Америка йўллари бўйлаб” номли китоб нашр этди. И.Ильф ва Е.Петровнинг “Бир қаватли Америка” (1973) китобида тасвир этилган йўл маршрутини такрорлаган ушбу асар қизиқарли, энг муҳими, ҳолис, ҳаққоний ёзилгани боис ҳар икки мамлакат матбуотида бобма-боб босилиб борди.

В.Песков фотоаппарати билан Собиқ иттифоқни узунасига ва кўндалангига айланиб чиқди, дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлиб, ноёб суратлар туширди. В.Песков Ўзбекистонда ҳам бир неча бор бўлган. Самарқанд ҳақида “Рим тенгдоши” фотоорчерки, Хива антиқалари ҳақидаги суратларини эслайлик. Чиндан ҳам, ағдарилган немис каскаси устига кўниб турган кабутар сурати тахайюлга қанчалик эрк, неча-неча саҳифалик фикрга озиқ беради. Уч йигитнинг икки айиқчанинг кўлидан ушлаб ўрмонда кетиб бориши суратини томоша қилиш қанчалик завқли бўлса, “Ютқазишди...” деган, орқадан туширилган суратни кўриб (тўрт йигит бошларини эгиб кетиб боришяпти, бир кўлини кўтарган, кўйлагини чап кўлига илган ўйинчининг “Эҳ аттанг...” деган

афсус-надоматини эшитгандай, орқада бешта тўп солинган тўрни кўтарганча секин қадам ташлаётган йигитнинг армонини уққандай бўламиз.

В.Песковнинг бетакрор, ноёб суратлари унинг тиниб-тинчимас, ғайратли, тезкор, топқир, фидойи инсон бўлиши баробарида иш куроли-фотоаппаратдан ҳайратангиз моҳирлик билан фойдалана билиш самараси ҳамдир. Айтадиларку, уста уста эмас, асбоби уста деб.

XX асрнинг бошларида фотография тарихида “ижтимоий фотография” мавжуд эди. Унинг шакли, муаммолари, мавзуси фоторепортаж услубига ўхшаш эди. Масалан, франциялик фотограф Атже (1856-1907) ўз фототасвирларида кўча ҳаёти, унинг оддий кишиларини биринчилардан бўлиб кўрсатган. Адженинг суратлари ўткир кузатишлари, ҳаётнинг чуқур фалсафаси билан боғлиқ. 1890 йили америкалик Ж.Жон Риснинг фотография ҳақидаги китоби чиққан. У “Аҳолининг бошқа ярим қисми қандай яшайди” деб номланган. Тунаб қолинадиган жойлар, ахлат уюлган йўлақлар, камбағаллар бошпанаси, болалар, фабрика ва заводларда эзилганлар - Рус суратларининг мавзуси бўлган.

2.Ижтимоий фотография

Ижтимоий йўналишдаги суратлар асосчиси В. Каррин бўлган (1827-1887). У фотография тили билан оддий халқ ҳаётини хикоя қилишга ҳаракат қилган. Рус деҳқонларининг ночор аҳволи, улар чеккан азоб-изтиробларини М. Дмитриев (1858-1948) таъсирли ифодалаган. Фотографнинг эътиборли ишларидан бири Повольжедаги 1891 йилги қурғоқчилик тасвирлари ҳисобланади.

Фоторепортаж “ижтимоий фотография” давридан ўтиб томошабин эътиборини қозонди. Россияда фоторепортаж 1870 йилларда, Россия ва Туркия ўртасидаги жанглар вақтида пайдо бўлди. Ўша пайтда ушбу фотосанъатнинг имкониятлари чегараланган эди. Унинг фотопублицистикага айланишида, техниканинг ривожланишида XX аср бошларидаги рус-япон уруши сабаб бўлди. “Япония билан уруш йилномаси” чиқа бошлади. Манжурия ва Узоқ Шарқдаги ҳалокатли воқеаларни тасвирловчи кўплаб суратлар тез-тез босилиб бориладди. Мавжуд армияларда россиялик моҳир фотомухбирлар иштирок этганлар. Улардан П.А. Оцуп, В.К. Булла ўз репортажларида урушнинг аянчли манзаралари, аччиқ ҳолатлар ва аскарларнинг оғир маиший аҳволини ҳаққоний кўрсатишган. Булардан ташқари Г. Г. Гольдштейн, А. Ф. Леонидов, А. И. Савельев, М. С. Напельбаум, Н. И. Свинцов, Паола, М. А. Сахаров, А. И. Трапани каби фоторепортёрлар номлари ҳали ҳам тилга олиниб турилади.

Содир бўлаётган жараёнларни кўрсатиш ва янгича билишнинг ижтимоий зарурлиги, фотография, босма матндан фарқли равишда, хабарнинг тасвир орқали тез етказиш хусусиятига эга бўлганлиги; техниканинг пайдо бўлиши ва имкониятларининг кенгайиши туфайли оммавий ахборот воситалари орқали жамиятнинг эҳтиёжини қондириш имконияти яратилганлиги; ижтимоий фотография туфайли фотожурналистиканинг мазмуний-услубий базаси яратилиб ривожланиб борганлиги-буларнинг бари пировард натижада

фотожурналистиканинг пайдо бўлиши, тараккий этишига замин ва туртки бўлди.

3.Ўзбек фотожурналистикаси

Ўзбекистонда фотожурналистиканинг пайдо бўлиши ўтган аср бошларига тўғри келади. Бу даврда тошкентлик Назарбек Ахмадбек ўғли, хоразмлик Худойберди Девоновлар ўзларининг биринчи фотосуратларини олганлар. Фотосанъатнинг ажралмас қисми бўлган ўзбек фотосанъати воқеаликни – кишилар, воқеалар ва фактларни санъаткор нуқтаи-назаридан ҳужжатли равишда ҳаққоний акс эттириб келмоқда.



Ўзбек фотосанъати ташкил топишида биринчи ўзбек кинооператори ва фотографи Худойберди Девоновнинг хизмати бениҳоя катта. Фотографиямиз қалдирғочи Худойберди Девонов фақат республикамизда эмас, балки Ўрта Осиёда ҳам тўнғич оператор ва фотографдир. Диний-хурофий қарашлар авж олган ўша пайтларда Худойберди Девонов учун фотосанъат билан шуғулланиш ғоят оғир ва қалтис, хатарли бўлган. Тирик мавжудотни акс эттиришни қатъий ман этган шариат уламолари бу янгиликка қарши турдилар. Девонов дин уламоларининг қаршилигига қарамай, сўфи азон айтадиган мезана тепасига чиқиб, шунингдек минораларнинг устида туриб кино ва фотоаппарат билан диний маросимларни ҳамда турли халқ сайлларини чўчимай суратга олди. Ва олган кадрларини халққа етказиш, оммани бу санъатдан воқиф қилишга астойдил интилган. Яна шуниси қувонарлики, Девонов ўз билганларини ёшларга ўргата бошлаган, тўғараклар ташкил этган. Унинг уйи ўша пайтларда кино ва фотолаборатория вазифасини ўтаган. Хива давлат ўлка музейида ҳозирги кунга қадар Худойберди Девонов томонидан суратга олинган плёнкалар авайлаб сақланмоқда.



Худойберди Хоразм хонлиги ва дин уламоларининг қаршилигига қарамай бепул киносанс ва фотоқўргазмалар ташкил этади. Бу фотоасарларда Хоразм халқининг ўша кезлардаги ҳаёти, тарихий ёдгорликлар ҳолати, деҳқонларнинг машаққатли меҳнати, Хиванинг ўзига хос кўринишлари, турли йиғинлар ҳаққоний ифодасини топган эди. Девонов ўз санъати билан фақат Хоразм воҳаси меҳнаткашларнигина таништириб қолмай, балки бошқа вилоятларга ҳам ташир буюрган.

Республикамиз жамоатчилиги 1935 йили ўзбек кино ва фотосанъатнинг асосчиси Худойберди Девонов ижодий фаолиятининг 35 йиллигини тантанали нишонлайди. У бетакрор санъат бўлган фотосанъатнинг олтин фондига ноёб кадрларни қолдирди. Шу билан бирга Машраф Бобожонов ва Отаниёз Шокиров каби иқтидорли шогирдларни тайёрлаб вояга етказди. Ажойиб инсон, тиниб-тинчимас санъаткор Худойберди Девонов 1937 йили шахсга сиғинишнинг қурбони бўлди. Атоқли санъаткор суратга туширган бир олам кадрлар ҳам исиз йўқолди. Биз ҳозирги кунда унинг уйида ва шогирдлари кўлида сақланиб қолган айрим фотоплёнкаларга эгамиз, холос. Бу фотоплёнкалар оз бўлса ҳам ўша йиллардаги қайноқ ҳаёт тўғрисида аниқ, жонли тасаввур беради.



“Эски шаҳар ва Кўкалдош Мадрасаси кўриниши” 1982 йил. Тошкент И.Панов

Республикамизда фотографиянинг вужудга келишида фотография санъати арбобларидан бири М. Пенсон ҳам жуда катта роль ўйнайди. У ўз фаолиятини дастлаб кинооператорликдан бошлаган бўлса-да, диёримизга ташир буюргач, кўлига фотоаппарат олиб, республикамизнинг турли жойларида содир бўлган янгиликларни синчковлик билан суратга олди. Изланувчан, ўз санъатига ниҳоятда талабчан бўлган атоқли фотограф суратга олган кадрлар фақат республикамиздагина чоп этилиб қолмасдан, балки у ҳаётдан кўчирган энг яхши лавҳалар “Правда”, “Известия” каби газеталар саҳифаларида, “Огонёк” сингари оммавий журналлардан ўрин олди. У суратга олган нодир лавҳалар кино санъати усталарини ҳам ўзига тортди, улар ҳужжатли кинокадрларнинг монтажида Пенсон аппарати туширган лавҳалардан ҳам фойдаланадилар.

Таникли фотограф М.Пенсон ўз фаолияти давомида ўн мингдан зиёд фотонегативни келгуси авлодга мерос қилиб қолдирди. Бу асарлар ўзбек

фотосанъатининг олтин фонди хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилди.

20-йилларнинг биринчи ярмида ўзбек фотографиясининг шаклланиши ва камол топишига фотосанъат усталари билан бир қаторда кинооператорлар ҳам самарали ҳисса қўшдилар. Улар меҳнат шижоати авж олган жойларда кинокамера ва фотоаппарат билан умрбоқий лавҳаларни суратга олдилар. Биз бу борада кинооператорлардан Д.Вертов, Х.Девонов, В. Шевченко, Ф.Назаров, М.Арабов, Д.Демуцкин, М.Ковнат, Д.Сода, В.Усова ва бошқаларнинг меҳнатларини миннатдор бўлиб эслаймиз. Улар ажойиб асарларгина яратиш билан кифояланмасдан, ўз билганларини маҳаллий ёшларга ҳам ўргатишди. Булар А.Раҳимов, А.Саидов, О.Турсунов, К.Розиқов ва бошқалар эди. Кейинчалик уларнинг сафига “Қизил Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталарига фотомухбир бўлиб келган И. Глауберзон, В. Сироткин, И. Збарский, Г. Перменевлар қўшилади. Шу туфайли республикамызда нашр этилган газета ва журнал саҳифаларида фотосанъатга оид асарлар кўплаб кадрлар ўрин ола бошлади. Улар тематик жиҳатдан ранг-баранг эди.

Республика фотосанъатининг урушдан кейинги тараққиёт босқичи 1946-1955 йилларни ўз ичига олади. Бу давр кун тартибига республика халқ хўжалиги ва маданиятини янги иқтисодий ва тарихий шароит асосида қайта қуриш ва янада юксалтириш масаласи қўйилган эди. Зотан, шу даврда уруш туфайли ўз фаолиятини вақтинча тўхтатиб қўйган газета ва журналлар нашр қилина бошланди. Бу нарса матбуот соҳасига фотомухбирларнинг кўплаб кириб келишига имконият яратди. Бу даврда катта тажриба орттирган фотожурналистлардан А. Турсунов, К.Розиқов, Н. Ключнев, Г.Перменев, И. Глауберзон, В. Сироткин, И. Збарский, А. Безносков ва бошқалар ҳаётнинг қайнаган ўчоқларида бўлиб кўплаб суратлар ишладилар.

50-йиллар жамият ҳаётида, шу жумладан, фотография соҳасида ҳам бурилиш даври бўлди, фотография соҳасига кўплаб ёшлар дадил кириб келдилар ва улар ҳаётда муносиб ўрин топдилар. Газета ва журнал саҳифаларида эълон қилинган суратларда, фотосанъатга бағишланган кўргазмаларда ҳаётнинг нақд ўзи бутун қарама-қаршиликлари, зиддиятлари билан намоён бўла бошлади.

60-йиллардан кейин нашр этилган газета ва журналларда чоп қилинган фотосуратларнинг тематикаси ғоят ранг-баранг. Фотомухбирларнинг асарларидан иборат фотокўргазмалар ташкил этиш йўлга қўйила бошланди. Ўтган асрнинг олтинчи, еттинчи йиллари, саксонинчи йилларнинг биринчи ярми турғунлик даври сифатида тарихга кирди. Бу даврда шахсга сиғиниш, ҳамду сано, нукул муваффақиятларни қаламга, тасвирга олиш авж олганди, камчилик нуқсонлардан кўз юмилганди. Оммавий ахборот воситалари, унинг бир қисми бўлган фотография ҳам асосан ижобий фактларни суратга олиш билан машғул бўлди.

Фотографиямизнинг ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ўсиши мустақиллик йилларига тўғри келди. Бу соҳага янги истеъдодли кучлар кириб келди. Фотография техникаси ҳам ўсди, янги аппаратлар пайдо бўлди. Таниқли фотограflар кўргазмалари намойиши анъанага айланди. Роосия, Франция, Япония, Белгия ва бошқа мамлакатларда ҳам фотосанъатимизнинг энг яхши намуналари намойиш этилди ва юқори баҳо олди.

Ҳаётнинг ҳар бир йили, наинки йили, балки ойи, куни тарихда қандайдир унутилмайдиган из қолдиради. Ҳар бир воқеа тасвирга олинса, у ўз ижодчиларигагина эмас, балки кенг жамоатчиликка аён бўлади. Республикамизда ҳозирги кунда кўплаб профессионал фотожурналистлар мавжуд. Биз газета ва журнал саҳифаларига назар ташлар эканмиз, уларда берилган фотосуратларнинг изоҳида фотомухбирлардан Р. Альбеков, С. Маҳкамов, Р. Шарипов, В. Молгачев, Н. Муҳаммаджонов, А. Тўраев ва бошқаларнинг номларини учратамиз.

Амалий машғулот учун назорат саволлари:

1. Фотожурналистиканинг публицистикадаги ўрни қандай?
2. “Ижтимоий фотграфия” деганда нима тушунилади?
3. Худойберган Девонов ким?
4. Ўзбек фотографияларидан кимларни биласиз?

Мавзу бўйича тавсия этилаётган адабиётлар:

1. С.Фрейлих, М.Ромм, Исповедь кинорежиссера, “Искусство”, 1988
2. К. Разлогов, Искусство экрана: проблемы выразительности, “Искусство”, 1982.
3. Д.Луньков, Наедине с современником. Заметка режиссера документальных фильмов, “Искусство”, 1978.
4. Б.П. Грабовский - изобретатель телефота. Сб. документов, « “Ўзбекистон”, 1989.
5. Б.Аҳмедов. Ўзбек телевизион киносининг ривожланиш тарихи. Т.:, 2007.
6. Ҳ.Акбаров. Худойберган Девонов. Т.:, 1971.
7. М.Қаюмов. Кинематограф – ҳаётим менинг, Т.:, 1982.
8. А.Исмоилов. Кинотелеоператорское мастерство. Ташкент, 2004 (Ташкентский государственный институт искусств, учебник для студентов вузов).

Фильмография

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида”, 5 фильмдан иборат сериал. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг “Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида”. “Хафсизликка таҳдид Тараққиёт шартлари ва кафолатлари” китоби асосида яратилган. Ўзбекистон илмий-оммобоп ва ҳужжатли фильмлар студияси.
- Биринчи фильм : “Маънавий покланиш йўлида”, 1998.
- Иккинчи фильм : “Экологик хавфсизлик муаммолари”, 1998
- Учинчи фильм : “Иқтисодиёт хавфсизлиги ва барқарор ривожланиш асослари”, 1999.
- Тўртинчи фильм: “Миллий хавфсизликнинг ҳарбий стратегик асослари” 1999
- Бешинчи фильм: “Баркамол авлод орзуси”, 2000.
2. Дзига Вертов. “Киноглаз” 1924.
3. Дзига Вертов. “Человек с киноаппаратом”, 1929.
4. Дзига Вертов. “Шагай, Совет!”, 1926.
5. Дзига Вертов. “Шестая часть мира” 1926.

6. Эсфирь Шуб. “Падение династии Романовых”, 1927.
7. Эсфирь Шуб. “Великий путь” 1927 йил
8. Эсфирь Шуб. “Россия Николая II и Лев Толстой”, 1928.
9. Худойберган Девонов. Тошкент, 2006.
10. Қаяумов М. “Паранжи”.
11. Қаяумов М. “Аския”.
12. Қаяумов М. “Гўри Амир”.
13. Қаяумов М. “Самарқанд ҳамиша мен билан”.
14. Қаяумов М. “Санъатга бахшида умр ”.
15. Қаяумов М. “Баҳордан баҳоргача”.
16. Қаяумов М. “Афғонистон. Инқилоб давом этади”.
17. Қаяумов М. “Ўн уч қалдирғоч”.

МУСТАҚИЛ ИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ШАКЛИ ВА МАЗМУНИ

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиши тавсия этилади:

-дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мазмунларини ўрганиш;

-таркатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзгартириш;

-махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

-янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;

-талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларини чуқур ўрганиш;

-фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулоти;

-масофавий (дистанцион) таълим.

Мустақил таълим учун тавсия этиладиган мавзулар:

1. Объект қандай танланади? Муҳаррир топшириғи ва тасдиғи.
2. Телевидение учун ёзиладиган сценарий.
3. Тасвирга олиш. Тасвирга олиш жараёнида тасвирчи ва режиссёрнинг вазифалари. Бошловчи иштироки.
4. ТВда режиссёр ва бошловчи ҳамкорлиги.
5. Тасвирчи, режиссёр, журналист ва бошловчининг ўзаро муносабати.
6. Суратга олинган кўрсатув(исходник)ни просмотр қилиш.
7. Оддий монтаж жараёни билан танишиш.
8. Мураккаб монтаж жараёни ва муҳаррир кўриги.
9. Умумий техник назорат.
10. Ахборот жанридаги дастурлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
11. Таҳлилий жанрдаги дастурларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
12. Бадий-публицистик жанрдаги дастурларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда мазкур жанрда ижодий асар тайёрлаш.
13. Интерактив чиқишлар.

КУРС ИШИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР

Курс ишининг таркиби аниқ танланган мавзу юзасидан ҳар бир талабага алоҳида топшириқ берилади. Курс иши кириш, асосий қисм, мавзу юзасидан хулоса, фойдаланган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлади

Курс ишларининг мавзулар йўналиши:

- а) Ўзбекистон ва хорижда аудиовизуал журналистика тараққиёти;
- б) Телевизион журналистика жанрлари;
- в) Хорижий телехизматларнинг тараққиёт тенденциялари;
- г) Тажрибали мутахассисларнинг муаллифлик дастурлари ва улар ижодининг ўзига хос хусусиятлари;

Курс ишининг мақсади талабаларни мустақил ишлаш қобилиятини ривожлантириш, олган назарий билимларини қўллашда амалий кўникмалар ҳосил қилиш, бевосита ишлаб чиқаришдаги реал шароитларга мос техник ечимлар қабул қилиш ва замонавий техника ва технологияларни қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишдир.

Курс лойиҳаси мавзулари бевосита ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларига боғлиқ ҳолда, аниқ бир телеканал ва кўрсатув учун белгиланади. Курс лойиҳасининг мавзулари умумий талабалар сонидан 20-30% кўпроқ олдиндан тайёрланади. Ҳар бир талабага алоҳида топшириқ берилади.

Курс иши мазмуни танланган мавзунинг ўзида тугал акс эттириши ва у ҳақида муайян тасаввур бериши лозим. Курс лойиҳаси объекти сифатида телеканал, телекўрсатув, таниқли муаллифлар ижоди, тележурналистика вазифалари ва жанрлари хизмат қилади. Курс лойиҳалари компьютерда амалга оширилади ва ҳимояларнинг аксарияти презентация кўринишида тақдим этилади.

Курс ишининг ҳажми ва расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Курс иши 24-30 бетдан иборат бўлиб, ҳар бир бетда 28 қатор, ҳар бир қаторда 65-66 белгидан кам бўлмаслиги, қатор оралиғи 1,5 интервал бўлиши талаб этилади

“АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА (ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА)” фанидан курс иши учун тахминий мавзулар

1. Телевидениеда муаллифлик кўрсатувлари (бирор-бир кўрсатув таҳлили мисолида)
2. Телекўрсатув тайёрлашда монтажнинг тутган ўрни ва турлари
3. Сценарий ёзиш маҳорати
4. Журналист маҳорати муаммолари
5. Телекўрсатувларда жанрлар хилма-хиллиги
6. Оммавий коммуникация воситалари тизимида телевидениенинг ўрни
7. Репортёр – ТВнинг ахборот воситачиси сифатида
8. Телесюжет матнининг ўзига хос хусусиятлари
9. Замонавий телевидениеларда интерактив кўрсатувларнинг тутган ўрни ва аҳамияти

10. ТВда ахборот тарқатиш вазифаси (Россиянинг “5-канал”и мисолида)
11. Хориж телеканалларида информацион дастурлар, ахборот узатиш тамойиллари ва муаммолар
12. Миллий телеканалларида информацион дастурлар, ахборот узатиш тамойиллари ва муаммолар
13. Миллий телеканалларда хориж хабарларининг ёритилиши, ютуқ, камчилик ва муаммолар
14. Телевидениеда спорт мавзуси
15. Телевизион сюжетда стендапнинг тутган ўрни
16. Давлат каналларида кўрсатувларни режалаштириш муаммолари (бирор-бир канал мисолида)
17. Миллий телеканалларда бошловчи имижи
18. Тўғридан-тўғри эфирнинг асосий хусусиятлари, режиссёрнинг ўрни ва маҳорати
19. Ўзбекистонда нодавлат телеканаллар: мавзулар кўлами ва жанрлар
20. ТВнинг мафкуравий вазифаси
21. Тележурналистнинг касбий одоб-ахлоқи
22. ТВда таҳлилий кўрсатувлар: ютуқ ва камчиликлар
23. Телевидениеда шарҳ жанри
24. Ахборот жанрлари тизими (информацион кўрсатувларда қўлланилаётган асосий жанрлар)
25. Телевидениеда эфирга узатиладиган рекламалар тили ва услуби
26. Телесериалларнинг жанр хусусиятлари ва уларнинг ёшлар маънавиятига таъсири
27. Телевизион кўрсатувларда бошловчининг ўрни (модератор, шоумен, суҳандонлар фаолиятининг қиёсий таҳлили асосида)
28. ТВда муаллифлик кўрсатувлари (хориж телеканалларида фаолият олиб бораётган ижодкорлар фаолияти асосида)
29. ТВ ва “оммавий маданият” таҳдидлари
30. Телевидение иқтисодиёти
31. Янги телевизион лойиҳаларда тасвир ва матн таҳлили
32. Спорт дастурларини ёритишда интерактив усулларини қўллаш тажрибаси
33. Теледастурларда янгилик форматларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари (хорижий тажриба)
34. Телевидениеда футбол журналистикаси: ютуқ ва камчиликлар
35. Телевидение США
36. Телевидение в системе средств массовой коммуникации
37. Художественное кино
38. Спутниковая телевидение
39. Телевидение Китая
40. Телевидение Франции
41. Телевидение России
42. Жанры художественной журналистики
43. Ток-шоу
44. Сатирические жанры телевидение

45. Жанры телевизионной журналистики
46. Телевидение независимого Узбекистана
47. Телевидение Германии
48. Телевидение Кореи
49. Телевидение Японии

“АУДИОВИЗУАЛ ЖУРНАЛИСТИКА (ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКА)” фанидан ЖН,ОН ва ЯН саволлари:

Оралик назорат учун саволлар

1. ТВнинг жамиятда тутган ўрни ва бош вазифалари
2. Таҳлилий кўрсатувларнинг ўзига хос хусусиятлари (бирор-бир кўрсатув таҳлили мисолида)
3. Телевизион маҳсулотнинг яратилишида муаллиф, режиссёр ва тасвирчи муносабатлари.
4. Жаҳон ТВларида кузатилаётган асосий ҳолатлар ва аралаш жанрларнинг юзага келиши.
5. Дам олиш кўрсатувларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг баркамол авлод тарбиясига таъсири масалалари (бирор-бир кўрсатув таҳлили мисолида)
6. Ток-шоу ва шоу – телевизион жанрлар сифатида.
7. Нодавлат каналларнинг фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни ва телекўрсатувларнинг аҳоли маънавиятига таъсири.
8. Информацион кўрсатувларнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ, камчилик ва муаммолар (бирор-бир кўрсатув таҳлили мисолида)
9. Жаҳон телевидениеларида жонли кўрсатувларнинг тутган ўрни.

Якуний назорат саволлари

1. Телевидениенинг оммавий ахборот воситалари тизимида тутган ўрни
2. ТВда журналистик фаолият турлари. ТВда тасвир ва сўз.
3. Нодавлат телестудияларнинг ҳуқуқий-фуқаролик жамиятини қуришдаги аҳамияти. Давлат ва нодавлат телестудияларда воқеликни акс эттиришдаги ёндашувлар.
4. Телевидениенинг жамиятда тутган ўрни ва вазифалари.
5. Замонавий телекўрсатувларнинг жанр хусусиятлари. Интерактив кўрсатувларнинг афзалликлари.
6. Давлат ва нодавлат телестудияларнинг ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш масалалари. ТВда реклама.
7. Телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари: умумийлик, ўхшашлик ва ўзига хослик.
8. Телевизион сценарийга қўйиладиган асосий талаблар
9. Ўзбекистон қонунчилигида одоб-ахлоқ меъёрлари. Ўзбекистон ҳамда дунё телевидениелари ижодкорлари фаолиятида одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш.

Тест саволлари

1. Бу қандай жанрки унда унда интервью, баҳс, ўйин, савол-жавоб кабилардан кенг фойдаланилади?
А) Дискуссия В) брифинг С) суҳбат Д) ток-шоу
2. ТВнинг рекреатив вазифаси деганда нимани тушунасиш?
А) бирлаштирувчи В) ахборот тарқатиш
С) хордик чиқариш, кўнгил очиш Д) ташкилотчилик
3. Тошкентда Ҳамза опа ва Юсуф ака Мирзамухомедовлар ҳовлисида қандай воқеа содир бўлган эди?
А) Жаҳонда биринчи ҳаракатдаги тасвир қабул қилинди.
В) Замонавий ТВ ўз фаолиятини бошлади.
С) Дастлабки радиоэшиттириш эфирга узатилди
Д) Тўғри жавоб йўқ.
4. Дастлабки хусусий ТВ Ўзбекистонда қачон ва қаерда очилган?
А) 1992 йил Ғиждувон шаҳрида (Арк ТВ)
В) 1990 йил Чирчиқда (Чирчиқ ТВ)
С) 1997 йил Тўрткўл шаҳрида (Тўрткўл ТВ)
Д) 1997 йил Тошкент шаҳрида (30-канал)
- 5) “Ток-шоу” сўзининг асл маъноси нима?
А) “фақат ўзим гапираман”
В) “бақираман, чақираман”
С) “суҳбат-намоиш”, “суҳбат-тақдирот”
Д) Тўғри жавоб йўқ
- 6) ТВнинг тарбиявий вазифасини бажарётган кўрсатувлар қаторини кўрсатинг
А) “Ахборот”, “Ойдин ҳаёт”
В) “Ҳандалак”, “Табассум қил”
С) “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Ҳидоят сари”
Д) “Карвонсарой”, “Нима учун?”
- 7) Ихтисослашган каналлар қаторини кўрсатинг?
А) “Ёшлар”, “Ўзбекистон”, “СофТС”
В) “ТВМ”, “Спорт”, “Муз ТВ”
С) “Россия”, “НТТ”
Д) “МТВ”, “Тошкент”
- 8) Зарисовка қайси жанрлар гуруҳига мансуб?
А) Сатирик
В) Ахборот
С) бадиий-публицистик
Д) Таҳлилий
- 9) Кўрсатув тайёрлаш жараёнидаги кетма-кетликни кўрсатинг?
А) тасвирга олиш, просмотр, оддий монтаж, мураккаб монтаж
В) тасвир, мураккаб монтаж, просмотр
С) тасвир, оддий монтаж, просмотр
Д) объект танлаш, просмотр, умумий техник назорат
- 10) Таҳлилий жанрлар кўрсатилган қаторни кўрсатинг?
А) суҳбат, очерк, зарисовка
В) интервью, суҳбат, зарисовка
С) телешарҳ, ток-шоу, телетаҳлил
Д) фельетон, хабар, очерк
- 11) Ўзбекистонда замонавий ТВ қачон ўз фаолиятини бошлаган?
А) 1927 йил, май
В) 1906 йил, июнь
С) 1968 йил, март
Д) 1956 йил, ноябрь
- 12) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг интернетдаги сайти номини кўрсатинг?
А) www.uztv.uz
В) www.mtrk.uz
С) www.umtrk.uz

Д) тўғри жавоб йўқ.

13) Ўзбекистон ТВда қайси тилларда кўрсатувлар тайёрланади?

- А) фақат ўзбек тилида
- В) ўзбек, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, форс тилларида
- С) ўзбек, тожик, қорақалпоқ, инглиз ва рус тилларида
- Д) ўзбек ва рус тилларида

14) Ток-шоу жанрининг баҳсдан фарқи нимада?

- А) Ток-шоу бадиий-публицистик жанр, баҳс эса таҳлилий жанр ҳисобланади
- В) Ток-шоу ахборот жанри, баҳс эса таҳлилий жанр ҳисобланади
- С) Ток-шоу бадиий-публицистик ва сатирик жанр, баҳс эса таҳлилий жанр ҳисобланади
- Д) Ток-шоу ҳам, баҳс ҳам таҳлилий жанр ҳисобланади, Ток-шоуда бадиий-публицистик жанр

хусусиятлари ҳам мужассамлашган бўлиб, савол-жавоб, ўйин кабилардан фойдаланилади. Баҳс эса жиддийлиги билан ток-шоудан фарқ қилади.

15) Япония қонун чиқарувчи органи телекўрсатувлар мундарижасига қандай талаблар қўяди?

- А) Одамларнинг маънавий ва маданий даражасига мос, юқори сифатли кўрсатувлар бериш;
- В) умумжаҳон ва минтақавий кўрсатувларни тенг кўрсатиш;
- С) Маданият қадриятларга ҳисса қўшган ҳолда замонавий маданиятни тарғиб қилиш
- Д) Барча жавоблар тўғри.

16) ТВнинг мулкчилик шаклига кўра турлари қайси қаторда кўрсатилган?

- А) ихтисослашган ТВ, кабел ТВ
- В) давлат ва нодавлат ТВлар
- С) республика, вилоят, туман ТВлари
- Д) Кабел ТВ, Онлайн ТВ

17) ТВнинг трансляция шаклига кўра турлари қайси қаторда кўрсатилган?

- А) одатдаги эфир каналлари, йўлдош антенналар, кабел орқали
- В) эскича структура бўйича, янгича кўринишда
- С) умуммиллий, давлатлараро, минтақавий ва маҳаллий телевидениелар
- Д) нодавлат ва давлат

18) Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибида...

- А) “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “НТТ” каналлари иш олиб боради.
- В) “Спорт”, “ТВМ”, “Ёшлар” канали фаолият олиб боради.
- С) “Ўзбекистон”, “Ёшлар”, “Спорт”, “Тошкент” каналлари фаолият олиб боради.
- Д) “СофТС”, “НТТ” ва барча вилоятлардаги телерадиоканаллар иш олиб боради.

19) Жаҳоннинг йирик CNN сўзининг луғавий маъноси ва телехизматга қачон асос солинган?

- А) Энг сўнгги янгиликлар, 1978 йил июнь
- В) Кабел янгиликлари тўри, 1980 йил июнь
- С) Кабел хабарлар тўри, 1990 йил март
- Д) Биринчи ва янги хабарлар, 1995 йил май

20) Мўъжизакор кўзгу, ойнаи жаҳон ҳақида А.Навоийнинг қайси асарларида сўз боради?

- А) “Маҳбуб-ул қулуб”, “Муҳокаматул луғатайн”
- В) “Лайли ва Мажнун”, “Ҳайратул аброр”
- С) “Фарҳод ва Ширин”, “Садди Искандарий”
- Д) “Сабъаи сайёр”, “Лайли ва Мажнун”

Тавсия этилаётган БМИ мавзулари РЎЙХАТИ

1. ТВда ҳуқуқий мавзуларнинг ёритилиши (“Ёшлар” телеканали кўрсатувлари мисолида)
2. Халқаро сиёсий конфликтларнинг ТВда ёритилиши
3. Болаларга бағишланган кўрсатувларнинг ўзига хос хусусиятлари. (ЎзТВ ва Россия ТВ мисолида)
4. ТВда бошловчи маҳорати
5. Кўнгилочар эшиттиришлар: маҳорат ва муаммо

6. ТВда иқтисодий таъминот
7. Жаҳон ТВсининг ўзига хос хусусиятлари
8. Радиосухандон маҳорати муаммолари
9. Ўзбекистон ва жаҳон спортининг ТВда ёритилиши.
10. ТВ нинг ўз ва махсус мухбири
11. Халқаро ТВ ва радиоларда инсон ҳуқуқлари масалаларининг ёритилиши
12. Всемирная телевизионная журналистика: взаимодействия и взаимовлияния
13. Радио ва телеинтервью: мавзу, муаммо ва маҳорат масалалари
14. Спорт шарҳловчиси маҳорати (М.Тўхтамирзаевлар ижоди мисолида)
15. Интервью как жанр и как метод экранной журналистики
16. Музыкально-драматические передачи на телевидении: сравнительный анализ российского и узбекского музыкального телевидения
17. Комментарии интерфутбола (проблема мастерства)
18. Тележурналист услуги, маҳорати ва этикаси
19. ТВда футбол шарҳлари

ГЛОССАРИЙ

<i>Аудиовизуал журналистика</i>	“аудио” эшитиш, “визуал” кўриш деган маънони англатади. Аудиовизуал журналистика ўз ичига тележурналистика, радиожурналистика, фотожурналистика, интернет журналистикани қамраб олган.
<i>Телевидение</i>	“телевид” телевизион кўриниш деган маънони англатади. Телевидение ОАВнинг муҳим тури ҳисобланади.
<i>Тележурналист(ика)</i>	Телевидение соҳасида фаолият олиб боровчи касб эгаси, аудиовизуал журналистика тизимида алоҳида ўрганилувчи фан
<i>Интегратив</i>	“Интегратив” “интеграция” сўздан олинган бўлиб “бирлаштирувчи” деган маънони англатади. Телевидениенинг алоҳида вазифаси сифатида намоён бўлган.
<i>Рекреатив</i>	Рекреатив(лотин тилидан олинган бўлиб recreatio - тиклаш) – дам олиш, кўнғил очиш, ҳар хил стрессларни йўқотиш деган маъноларни англатади. Телевидениенинг алоҳида вазифаси сифатида намоён бўлган.
<i>Онлайн ТВ</i>	Интернет орқали фаолият олиб боровчи телевидениенинг замонавий тури
<i>Интерактив ТВ</i>	Интерактив “интер”-ўзаро, “актив”- ҳаракат деган маънони англатади. Тўғридан-тўғри эфирга чиқувчи телевидение тури.
<i>Кабел ТВ</i>	Кабел орқали дунёдаги телеканалларнинг энг яхши дастурларини ёзиб олиб, эфирга узатувчи телевидение.
<i>Спутник ТВ</i>	Йўлдош антенна орқали дунёга чиқувчи ТВ тури
<i>Режиссёр</i>	“Режиссёр” сўзи лотин тилидан таржима қилинганда “бошқарувчи” деган маъносини англатади. Бироз таҳрир қилиб гапирадиган бўлсак, “режиссёр” бу – сахна, экран, эфир асарлари: театр, кино, радио, телевидение ва бошқа оммавий сахна асарларининг тўлақонли муаллифи, ижодий раҳбари, сўзга, воқеага жон бағишловчи мутахассис.
<i>Оператор (тасвирчи)</i>	Кўрсатувни тасвирга олувчи ижодий гуруҳ аъзоси
<i>Овоз режиссёри</i>	Кўрсатувда овозга жавоб берувчи ижодий гуруҳ аъзоси

Монтажчи	Кўрсатувда тасвирга олинган дастлабки кадрлардан янги ижодий телевизион асарни бунёдга келтиришда қатнашувчи техника билан ишловчи ижодий шахс
Сценарий	Телевизион асар учун ёзиладиган матн
Объект	Журналист томонидан ўрганиладиган жой
Монтаж	Телекўрсатув тайёрлашнинг энг муҳим жараёни ҳисобланиб, тасвирга олинган кадрлардан энг сараларини ажратиб тайёр кўрсатув ҳолатига келтириш демакдир.
Кўрик(просмотр)	Тасвирчи томонидан олинган кадрларни кўздан кечириш ва тайёр кўрсатувни муҳаррир кўригидан ўтказиш
Ток-шоу	Ток-шоу (инглиз тилидан олинган бўлиб “talk” – гапирмоқ, “show” кўрсатмоқ – деган маъноларни англатади) студияда аудитория иштирокида бўлиб ўтадиган жонли суҳбат
Дискуссия	(дискуссия - discussio) лотин тилидан олинган бўлиб тадқиқ этиш, кўриб чиқиш, муҳокама қилиш, тадқиқ этиш, мунозара, тортишиш деган маъноларни англатади.
Графика	Сурат, тасвир ёки хариталарни ва кўп ҳолларда ҳаракатдаги анимацион суратларни ўзида акс эттирган визуал тасвир
Глобал воқеа	Жаҳон миқёсидаги, халқаро аҳамиятга молик янгилик
CNN	Инглизча Cable News Network сўзларининг бош ҳарфидан олинган бўлиб, “Кабел янгиликлар тўри” деган маънони англатади.
Телехизмат	Визуал тавирларни электрон сигналларга айлантириб, уни тўлқин сифатида узатиш ва телевизор ёрдамида яна тасвир ҳолига келтириш билан шуғулланувчи хизмат
Медиамагнат	ОАВ бизнеси соҳасида пулдор ва таъсир доираси кучли шахс
Медиабизнес	Оммавий ахборот воситаларида бизнес
Студия	Эфирга узатиш вазифасини бажарувчи, махсус ускуналар билан таъминланган жой
Маркетинг	Хизмат ёки маҳсулотларни ташвиқ қилиш ва сотиш учун мўлжалланган ҳаракат ёки бизнес
Реклама	Бирон нарсани оммага таништириш учун уни намойиш этиш вазифасини бажарувчи ташвиқ

Монополия	Бир соҳанинг ягона шахс ёки ташкилот томонидан бошқарилиши
Нейтрал муносабат	Томонларнинг ҳеч бирига ён босмасдан, бетараф фикр билдириш
Совуқ уруш	Сиёсий душманлик ҳолати. Масалан, Собик иттифок давлатлари ва ҳарбий ўлкалар орасидаги 2-жаҳон урушидан кейинги муносабат
Рақобат	Икки ёки ундан ортиқ бир хил касб эгаларининг ўзаро пойгаси
Акция	Бирон-бир ташкилот умумий фойдасининг ташкилотга эгалик қилувчилар орасида тенг тақсимланиши имкониятини яратувчи ҳужжат, ташкилотнинг маълум бир қисмига эгалик ҳуқуқини берувчи вимматбаҳо қоғоз
Онлайн ТВ	Интернет орқали фаолият олиб борувчи телевидениенинг замонавий тури
Онлайн радио	Интернет орқали фаолият олиб борувчи телевидениенинг замонавий тури
Интернет	Компьютерларни боғлаб турувчи халқаро маълумотлар тўри, унга модем линияси орқали уланиш мумкин бўлади
Интернет саҳифа	Интернетда фойдаланиш мумкин бўлган гиперматнли ҳужжат
Портал	Бир неча интернет саҳифаларига кириш имконини берувчи улкан дастур
Китоб	(деворга, тошга) ўйиб, муҳрлаб, абадий қилиб ёзиш қўйиш демакдир
Нашириёт	Китоб ёки бошқа турдаги нашрларни ўрганиб чиқувчи ташкилот
Босмахона	Китоб ёки бошқа турдаги нашрларни чоп этувчи ташкилот
Бадий кино	Бирор-бир воқеа ҳодиса асосида суратга олинган кино асари
Ҳужжатли кино	Бирор-бир тарихий воқеа муносабати, тарихий шаҳар ёки шахсга бағишлаб суратга олинган кино асари
Телефильм	Телевидениеда эфирга узатиш учун мўлжалланган телевизион фильм. Бадий-публицистик жанрлар тури.
www – World Wide Web	Жаҳон бўйлаб тарқалган тўр. Интернет тизимининг бошқа бир номи.

Журнал	Оммавий ахборот воситаларининг бир тури
Дизайн	Дизайн оммавий ахборот воситаларида безак деган маънони англатади. Газета ва журналларни безашда иллюстрация, дизайн муҳим ўрин эгаллайди.
Масъул котиб	Газета, журнал таҳририятларида материалларни жойлаштиришда асосий жавобгар бўлган, муҳаррирнинг ўринбосари вазифасини бажаради.
Дизайнер	Газетани безаш ишлари билан банд бўлган масъул шахс
Янгилик	Дунёда содир бўлган энг сўнгги воқеа-ҳодисалар, ахборот жанрига мансуб жанр
Ахборот агентлиги	Турли соҳага доир янгиликларни етказувчи ОАВ тури
Монополия	Бир соҳанинг ягона шахс ёки ташкилот томонидан бошқарилиши
Глобал воқеа	Жаҳон миқёсидаги, халқаро аҳамиятга молик янгилик
Радио	Телевидение ОАВнинг муҳим тури ҳисобланади.
Радиожурналист(ика)	Радио соҳасида фаолият олиб боровчи касб эгаси, аудиовизуал журналистика тизимида алоҳида ўрганилувчи фан
Онлайн радио	Интернет орқали фаолият олиб боровчи радио
Журнал	Оммавий ахборот воситаларининг бир тури
Дизайн	Дизайн оммавий ахборот воситаларида безак деган маънони англатади. Газета ва журналларни безашда иллюстрация, дизайн муҳим ўрин эгаллайди.
Масъул котиб	Газета, журнал таҳририятларида материалларни жойлаштиришда асосий жавобгар бўлган, муҳаррирнинг ўринбосари вазифасини бажаради.
Дизайнер	Газетани безаш ишлари билан банд бўлган масъул шахс
Масс медиа	“mass media” инглиз тилидан олинган бўлиб, оммавий ахборот, оммавий ахборот воситалари деган маънони англатади.
Типология	“тип” тур, хил деган маъноларни англатади.

Аудиовизуал журналистика	“аудио” эшитиш, “визуал” кўриш деган маънони англатади. Аудиовизуал журналистика ўз ичига тележурналистика, радиожурналистика, фотожурналистика, интернет журналистикани камраб олган.
Газета	Газета матбуотнинг муҳим бўғини, ОАВ тури ҳисобланади.
Камера	Ёруғлик ўтказмайдиган қутича
Фотография	“Фотос” ёруғлик, “графо” ёзаман

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

Раҳбарий адабиётлар⁴⁶

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 29 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 47 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 485 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда

Асосий адабиётлар

5. Digital Journalism: Making News, Breaking News. US, New York, Open Society Foundations. 2014, P.364
6. Harris L., Television Production & Broadcast Journalism, Second Edition. The Goodheart-Wilcox Company Inc.

Қўшимча адабиётлар

7. Каримов А. Аудиовизуал журналистика (тележурналистика). Т., ЎзДЖТУ, 2012.
8. Becky Herr-Stephenson, Diana Rhoten, Dan Perkel, and Christo Sims, Digital Media and Technology in Afterschool Programs, Libraries, and Museums. Massachusetts Institute of Technology, London, England, 2011, P.93

⁴⁶ Раҳбарий адабиётлар барча турдаги ўқув машғулоти, шунингдек мустақил таълим мавзулари учун назарий-услубий манба ва асос сифатида тавсия этилади.

9. Digital Audio Broadcasting Principles and Applications of Digital Radio. Second Edition. John Wiley & Sons Ltd, England, 2003. P.362
10. Guillermo Franco, The Impact of Digital Technology on Journalism and Democracy in Latin America and the Caribbean. Austin, Texas, 2009, P.86
11. Цифровое будущее. Каталог навыков медиа- и информационной грамотности /авт.: А. Ю. Домбровская и др.; пер. с англ. О.В.Терешкина; ЮНЕСКО. – Москва: Межрегиональный центр библиотечного сотрудничества, 2013. – Оригин. текст подгот. Фондом «Современная Польша».
12. Омелянюк Иван, Цифровое эфирное телевидение. Пособие для специалистов телеиндустрии. Киев, 2010. С. 148.

Интернет сайтлари

13. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.
14. www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
15. Adam Westbrook, Advice for Multimedia Journalists. E-book. – UK, London, 2010. www.adamwestbrook.co.uk
16. Зельдман Дж. Говорящая структура. Создание архитектуры с выразительностью текста. <http://www.webmascon.com>
17. Нильсен Я. 10 главных ошибок в веб-дизайне три года спустя. <http://www.webmascon.com>
18. Картер М. Современный дизайн газет // <http://www.internews.ru/books/design/> 2003.
19. <http://www.webmascon.com>
20. <http://www.innovativeeinteractivity.com>
21. <http://www.journalism.co.uk>